R-496
2001/1-6
ГУЛЛИСТОН

O'z DK

2001

Guliston

1
2001
yanvar-fevral

Ijtimoiy-siyosiy, ilmiy-ommabop va badiiy bezakli jurnal

MUASSIS:
O'zbekiston Respublikasi Madaniyat ishlari vazirligi

Bosh muharrir –
Tilab MAHMUDOV

Tahrir hay'ati:
Rustam ABDULLAYEV, Sa'dulla ABDULLAYEV, Bahodir ABDURAHIMOV, Oqilxon IBROHIMOV, Otanazar MATYOQUBOV, Mahkam MAHMUDOV (bosh muharrir o'rinbosari), Asqar MAHKAM, Alisher MIRZAYEV, Ma'pura NABIYEVA (mas'ul kotib), Yo'ldosh SULAYMON, Muhsin QODIROV, Tursunali QO'ZIYEV

Jurnal 1925 yildan chiqa boshlagan.


Янги йилни Ватанимизнинг барча мўминлари бўлган, барчамизни шу ёруғ дунёга келтириб ўғлининг бўлиш бормасини бошлайдиган қадим давомчи бўлиш Оналар ва фарзандларимиз тимсолида кўришимиз, ғалабамиз, фаолиятимизга, келажагимизга таянч келади.

Ислом Каримов

Ushbu sonda

To'lanboy ORTIQOV. **Milliy g'oyamizning teran ildizlari**. 2
Oybek JUMAYEV. **Milliy mafkurada davlatchilik g'oyasi**. 3
Buvmayram BOShMANOVA. **Vatanparvarlik fazilati**. 5
Abdumannob RAHIMOV. **Mas'uliyat**. 6
Zumrad ISMOILOVA. **Or, nomus eskirmaydi**. 8
A. BEKMURODOV, A. ARZIQULOV. **Yangi pedagogik uslublarni topish**. 9
Matyoqub QO'ShJONOV. **XX asr rassom ko'zgusida!** 10
Munira JAMILOVA. **Turkistonda badiiy hunarmandchilik**. 17
Viktor ALIMASOV. **Falsafa va faylasuflar yoxud fikrlash azobi**. 18
Lola ABDURAHIMOVA. **Zardo'zlik to'garaklarini tashkil etish**. 19
Sultonxo'ja ORIFXO'JAYEV. **Yaxshidan bog' qoladi**. 20
Nurali SIDDIQOV. **Sattorxon va uning tarixiy asari**. 21
To'xtasin G'OFURBEKOV. **Polimonodiya — o'zbek bastakorligi mahsuli**. 22
Pirimqul QODIROV. **"Yolg'iz bir o'chib, yana yonish bor..."** 24
Dilbar MAHMUDOVA. **Hikmat otaning hikmatlari**. 28
Mahkam Mahmud ANDIJONIY, Shokirjon Shodmonxo'ja o'g'li. **Pushkin ijodida Qur'on oyatlari**. 33
Yoqut QAYUMXO'JAYEVA. **Kutubxona — xazinalar oroli**. 34
Dildor PO'LATOVA. **Xalqchil shoir edi**. 35
Avesto. *(Davomi)*. 36
Ma'pura NABIYEVA. **Qo'shiq dunyoni anglashdir** *(O'zbekiston xalq artisti M.Sattorova bilan muloqot)* 40
Mahmuda ABDULLAYEVA. **Go'zallikka oshufta zamon**. 42
Muhsin G'ANIYEV. **Ulug' ne'mat asrori**. 44
Muhammad G'OIB. *She'rlar*. 46
Nosirjon OXUNOV, Nazirjon NAZAROV. **G'azalxon shoir**. 47
Olima NABIYEVA. **Toshbitiklarda bezavol Sa'diy**. 48
Jaloliddin RUMIY. **Masnaviy** *(Davomi)*. 50
Bahodir KARIM. **Munavvarqorini eslaganda**. 54
Abdulvahob O'QTOY. **Ustozimiz Munavvarqori**. 55
Shukriddin PAXRUTDINOV. **Diniy ekstremizm — tinchlik va barqarorlikka tahdid**. 56
Rustam XO'JAYEV. **Barhayot siymolar**. 57
Shohida TO'XTABOYEVA. **Operamiz darg'asi**. 58
Sadriddin Salim BUXORIY. **Yaxshilik etgan bilar ne yaxshilik** *(She'rlar)*. 59
Sayfiddin hoji JALILOV. **Vatan firoqida**. 60
Nozim TOLIPOV. **Natyurmortni rangda ishlash**. 62
Sherali TURDIYEV. **Abduqodir Shakuriy taqdiri**. 63

Muqovaning birinchi betida:
Tajribali til va adabiyot o'qituvchisi Hikmat ota QORABOEV.



Миллий ғоямизнинг теран илдизлари

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ биринчи ва иккинчи сессияларида Президентимиз миллий ғояга, унинг жамиятимиздаги ўрнига алоҳида диққатни қаратди. Айниқса унинг «Фидокор» газетаси мухбири саволларига берган жавобларида миллий ғоянинг моҳиятига ва аҳамиятига молик жуда қимматли фикрлар билдирди. Миллий ғоя бу Ўзбекистоннинг миллий тараққиётини белгиловчи, унинг йўналиши ва хусусиятларини кўрсатиб берувчи тезислардан иборат назарий асосдир. Кези келганда миллий ғоямиз бугунги куннинг янгилигими ёки аслида тарихан мавжуд фалсафий меросми, деган саволни ўртага ташлаш ўринли деб ўйлаймиз. Сиртдан қараганда ҳар даврнинг ўз миллий ғояси бўлиб, улар мазмунан ягона, эзгулик ва инсонпарварлик хусусиятларига эга ва бир-бирига яқиндир. Қадимги Суғд ҳукмдорлари ҳам, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур ва темурий шаҳзодалар ҳам фуқарога ғамхўрлик қиламан, давлат қудратини ошираман ва адолат ўрнатаман, деб ҳаракат қилдилар. Бунга тарихий манбалар (масалан, «Темур тузуклари») шаҳодат беради. Алишер Навоий куйлаган адолатли мамлакат ва адолатли шоҳ концепциясида, Абу Наср Форобий орзу қилган «Фозил одамлар шаҳри» ғояларида, «Темур тузуклари»да, «Бобурнома», «Дастурул-мулук» каби мумтоз асарларда, қолаверса, халқ оғзаки ижоди намуналарида миллий ғоямизнинг илдизлари бор.

Жаҳон тарихида миллий ғоялар кўп. Ф.Ницшенинг «Буюк миллат» концепцияси олмон миллати учун ишлаб чиқилган эди. Унда алоҳида халқ ёки миллат ҳам маънавий ва иқтисодий тараққиётга эга бўлиши мумкинлиги исботлаб берилди. Бизлар унинг муаллифини файласуф сифатида қадрлаймиз. Лекин бу ғояни бошқа халқларни босиб олиб, қул қилиш орқали амалга оширмоқчи бўлган фашизмни бутун жаҳон лаънатлайди.

Америкаликларнинг «буюк давлат» ғояси ҳар бир Америка фуқароси учун қадрли, «америкалик» сўзи уларда катта ифтихор ва ғурур уйғотади. Фарангистонликлар ўз мамлакати, ҳудудини жуда севадилар. Франция учун, унинг тақдири учун улар ўзларини қурбон қилишга ҳам тайёр. Шунингдек, тарихда «миллий одил сиёсат» ниқоби остида бошқа халқларни мустамлака асоратида ушлаб туришга уринишлар ҳам кўп бўлган. Илгари Яқин Шарқда инглиз ва француз мустамлакачилари, чор Россияси мустамлакачилари, собиқ Шўролар юритган мафкура ҳам «биз халқ томондамиз» деб миллий муаммоларни ҳал этмоқчи бўлди, лекин ғоя-ғоялигича қолиб кетди. Масала ва муаммони марказдан туриб ҳал этиш, миллатлар маънавий меросини мансимаслик мустамлакачилик сиёсатига хос эди. Демак, ҳар бир даврнинг ўзига хос миллий ғояси бўлган. Президентимиз илгари сураётган миллий ғоя эса тарихимизда теран илдизларга эгадир. Миллий ғоямиз асосларини «Ўзбекистон ўз миллий давлатига, ҳудудига, халқига, хусусиятларига эга ва бу қонунийдир», «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат», «Ўзбекистонда давлат, халқ салоҳияти, имкониятлари уни тараққий этган мамлакатга айлантиради», «Доно ва бунёдкор халқ — миллий тараққиётимиз кафолати» каби тезислар ташкил этади.

Миллий ғоя шу кунги ташқи таҳдидларга, ички таҳдидларга қарши тура оладиган қалқондир. Гўёки, садафдек оппоқ тишларимизни кариесдан сақловчи моддалар ҳимоя қобиғи ҳосил қилиб, микроб ва бактерияларни ўтказмаганлиги каби жамият яхлитлигини емирувчи кучларни миллий ғоя зарарсизлантира олади. Миллий ғоя барча чет ғоялардан, таъсирлардан кучлироқ, ишонарлироқ бўлганлиги боис у билан вояга етувчи ёшлар чалғимайдилар, балки улар собитқадамлик билан республикамиз келажагини яқин қиладилар. Миллий ғоя қудрати қандай ҳосил қилинади? Ғоя қудрат касб этиши учун маърифат керак бўлади, яъни миллий ғоя маърифати. Миллий ғоямиздан балқиб чиқувчи бир зарур хулоса бор, бизнинг эртанги кунимизни, келажаги буюк давлатимизни ҳеч қандай хориждан келувчи келгиндилар эмас, балки ўзимиз бунёд этамиз. Бизларга ёт рецепт ёки ёт андоза керак эмас. Айни бизлар излаган ғоя — миллий ғоямиз бўлиб, у ўтмишу урф-одатларимиз, ҳудудий хусусиятимизу миллий руҳиятимиздан келиб чиққан. Унинг тарихий ва фалсафий илдизлари маънавий меросимиздадир.

Биз миллий ғоямизни тузаётганимизда бугунги куннинг дунё бўйича мафкуравий манзараси хусусиятларини эътиборга оламиз. Тараққиётимизнинг ўзига хос «Ўзбекистон модели»ни дунёга ошкор этдик.

Агар бизлар миллий ғояни ёшларимизга, фуқароларимизга етказмасак, ғоявий изланишларимиз, ҳаракатларимиз зое кетади. Жаҳон сиёсатшунослиги тарихида чиройли, жозибадор моделлар, ғоялар кўп бўлган. Лекин маърифат бўлмагани сабабли кўпчилиги қоғозда қолиб кетаверган. Кучли тарғибот билан миллий ғоя қудрат касб этади. Мустақиллик қўлга киритилгач, мактаб, лицей, оила, олий ўқув юрти — боринги, барча тарбия масканлари иши миллий ғоя талаблари асосида қайта кўриб чиқилади. Чунки маърифатсиз ғоя қуриган дарахтдир. Ҳар қандай эзгу фикр маърифатдан сув ичади. Демак, миллий ғоя тарбияси-


ни йўлга қўйиш пайти келди. Мафкуравий тарбия ўз навбатида ворисийлик, изчиллик, ўзига хослик, ҳудудий дахлсизлик, урф-одат ва удумларнинг сақланиш тамойилларига амал қилади. Миллий ғоя маърифатидан, ғоявий тарбиядан мақсад фуқароларда эртанги кунга бўлган ишончни ҳосил қилиш, турли кўринишдаги мафкуравий таҳдидларнинг олдини олиш, шўролар давридан сақланиб қолган боқимандачилик, маъмурий бошқарув — бюрократия амалиётига нафрат ҳосил қилиш каби йўналишларда самарали фаолият кўрсатишдир.

Мафкуравий тарбияда ғоя билан кишилар онгини бошқариш эмас, балки инсонпарварлик билимлари билан уни тўлдириш кўзда тутилмоқда. Тарихий тараққиёт ўта ғоявийлаштиришни ҳам, мутлақо ғоясизлантиришни ҳам қоралайди, ўта ғоявийлаштириш жамияти бўлган шўровий жамиятда ҳам яшаб кўрдик. Ёки мутлоқ ғоясизлантирилган жамиятлардаги ҳосил бўлган «эркин дунё» иллатларидан ҳам хабардормиз. Ўзбекистонда қурилаётган фуқаролик жамияти эса юқорида зикр этилган иккала жамиятга ҳам ўхшамайди. Биз ўз-ўзини идрок қилувчи нодавлат уюшмалари, маҳалла, квартал ва турли фуқаролик (масалан, миллий марказлар) бирлашмаларига таянувчи жамият қураяпмиз. У ерда асосий бошқарув қонунлар доирасида бўлади. Ҳурфикрлилик ва плюрализм, халқ ва алоҳида инсон манфаатларини уйғунлаштириш каби демократик тамойилларни Ўзбекистонда қадрият даражасида эъзозлаймиз.

Президентимиз И.А.Каримов янги жамият ҳақида бундай дейди: ***«Жамиятни маънавий янгилашдан кўзланган бош мақсад юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ эркинлиги ва фаровонлигига эришиш, комил инсонни тарбиялаш, ижтимоий ҳамкорлик ва миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик каби кўп-кўп муҳим масалалардан иборат».*** Ушбу фикрлардан ҳам қимматлироқ мақсад бўлиши мумкинми? Демак, замон талабларига жавоб берадиган жамият қуриш иштирокчиларини тарбиялашдан ҳам муҳимроқ, савобироқ вазифа бугунги кунда йўқ.

Тўланбой ОРТИҚОВ,
Андижон давлат университети фалсафа кафедраси мудири, профессор

МИЛЛИЙ МАФКУРАДА ДАВЛАТЧИЛИК ҒОЯСИ



Маълумки, миллий мафкура муайян жамият ёки давлат доирасидаги миллат ва халқнинг ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий интилишлари, мақсадлари ва қадриятлари тизимидан иборат бўлиб, унда шу ижтимоий макондаги инсонларнинг жамият ва унинг истиқболи ҳақидаги мукаммаллашган ғоялари дастуруламал тарзида ифодаланган бўлади. Миллий мафкура муайян миллат манфаатлари билан чекланиб қолмасдан, балки жамиятдаги барча ижтимоий гуруҳ, табақа, миллат ёки элатларнинг умуммиллий манфаатлари, мақсадлари ва интилишларини ўзида мужассамлаштиради. Миллий мафкура жамият тараққиётининг маънавий-интеллектуал машъали сифатида инсонлар фаолиятини бирлаштиради ва маълум бир мақсадга йўналтиради.

Мамлакатимизда шаклланаётган миллий мафкура ҳақида сўз юритганда Президентимизнинг қуйидаги фикрлари ниҳоятда ўринлидир: «Миллий мафкура, аввалambор, ўзлигимизни, муқаддас анъаналаримизни англаш туйғуларини, халқимизнинг кўп асрлар давомида шаклланган эзгу орзуларини, жамиятимиз олдига бугун қўйилган олий мақсад ва вазифаларни қамраб олиши шарт».

Миллий мафкурамизнинг таркиби халқимизнинг маънавий салоҳияти ва тарихий тажрибаси асосида шаклланиб, шунга мувофиқ ҳолда кенг қамровли, мукаммаллик касб этади. Миллий мафкурамизнинг муҳим таркибий қисмини ташкил этадиган, халқимизнинг эзгу орзулари ва мақсадлари маҳсули ҳисобланган ғоялардан бири бу давлатчиликдир.

Ҳозирги кунда давлатчилик жамиятимиз сиёсий ҳаётининг муҳим таркибий қисми, халқимиз эришган сиёсий тараққиёт даражаси, сиёсий амалиётнинг асосий шаклларидан бири бўлиш билан бирга, миллатимиз сиёсий тафаккурининг маҳсули бўлган миллий ғоя миллий мафкурамизда муҳим ўринни эгаллайди.

Мустақил, адолатли давлат ғояси халқимизнинг босиб ўтган кўп асрлик тарихий тажрибаси, анъаналари, мақсад ва интилишлари асосида юзага келган. Бир неча минг йил илгари ўзларининг дастлабки давлат тузилмасини барпо этган аждодларимиз ўз тафаккурларида унинг зарурлигини чуқур англаши натижасида давлатга қарашлари юзага келган. Бу муносабат ҳамда қарашлар жамият ва давлатнинг тараққий этиши билан бирга такомиллашиб, мукаммал бир ғоя сифатида шаклланган. Масалан, қадимги турк битикларидан бўлган «Ўғузнома» асарида қадимги турк подшоси Ўғузхоннинг фаолияти билан юзага келган марказлашган давлатчилик ва бу давлатчиликда «эзгу ишнинг», яъни адолатнинг асосий шиор сифатида қабул қилиниши, ўша қадимги даврларданоқ турк минтақасида давлатчилик ғоясининг шаклланганлигини кўрсатиб турибди. Бу ғояда давлатни адолат таянчи деб ҳисоблаш, унга садоқатли бўлиш, ҳимоя қилиш асосий ўринни эгаллаган.

A. Navoiy nomidagi O'zR DI kutubxonasi
Milliy bibliografiya bo'limi

Мамлакатимиз ҳудудида давлатчилик миллий ғоя сифатида кейинги даврларда ҳам такомиллашиб борди. Жумладан, буюк ватандошимиз, «Шарқ Арастуси» Форобий «Фозил шаҳар аҳолисининг фикрлари» асарида ўз даврининг давлатчилик ғоясини шаҳар-давлат ва унинг бошлиғи ҳақидаги фалсафий фикрлари билан бойитди. Масалан, унинг фикрича, фозил шаҳар бошлиғи ҳақиқатни севувчи ва унинг учун курашувчи, ёлғоннинг ашаддий душмани, бойликка нафрат билан қаровчи, табиати билан адолатпарвар ва зулмга қарши ботир, жасур ва қўрқмас ҳамда қатъий бўлиши зарур. «Зеро, деб уқтиради у, — шаҳар бошлиғи бошқа фазилатларга эга бўлсаю, аммо доно бўлмаса, у шаҳарни тўғри идора эта олмайди, оқибатда шаҳар ўз фазилатини йўқотиб, инқирозга юз тутади».

Аждодларимиз сиёсий тафаккурида давлатчилик ғоясининг такомиллашиб борганлигини турк минтақасидаги йирик Салжуқийлар давлатининг машҳур вазири Низомул-мулк фаолиятида кўришимиз мумкин. Бу атоқли давлат арбоби «Сиёсатнома» асари билан давлатчилик ғоясининг ривожига улкан ҳисса қўшди.

«Сиёсатнома» асарини олимлар Салжуқийларнинг сиёсий дастури сифатида баҳолар эдилар. Асарнинг асосий ғоялари ҳам шундан иборатки, вазир Низомул-мулк шоҳ ва ҳокимларни адлу инсофга, сулҳ ва мурувватга, давлатни оқилона бошқариб, қатъий қоида ва тартиб ўрнатишга, амалдорларни виждонли, пок, ҳалол ва иймонли бўлишга, мамлакат ободонлиги, унинг аҳли фаровонлиги, тинчлиги ва тотувлигини таъминлаш учун ҳаракат қилишга даъват этади.

Адолатли давлат миллий ғоя сифатида, айниқса, соҳибқирон Амир Темур даврида ўз даврининг юксак даражасига эришди. Яъни, Амир Темур давлатчиликни сиёсий амалиётга жорий этиш билан бирга, раиятпарварлик ғоясини яратди ва ривожлантирди. Бунга унинг машҳур «Темур тузуклари» асари яққол мисолдир. Бу асар нафақат миллий давлатчилигимиз назариясини, балки ўрта асрлар даври умумжаҳон давлатчилик назариясининг ҳам ютуғи сифатида қадрланади. Амир Темур ўз «Тузуклари»да давлатни бошқаришнинг ўн икки қоидасини кўрсатиб берган. У давлат тўрт омилга — ҳокимият, хазина, қўшин ва фуқароларга таяниши лозим, давлатнинг барқарорлиги кўп жиҳатдан ана шу тўрт омилга боғлиқ, деб ҳисоблайди. Соҳибқироннинг фикрига қараганда, давлатнинг мустаҳкамлиги ва қудрати унда амалда бўлган қонунларнинг барқарорлигига боғлиқ.

Амир Темур ўз «Тузуклари»да давлат бошқарувида кенгаш, машварат ва маслаҳатнинг аҳамиятига алоҳида эътибор бериб, шундай дейди: «Гарчи ишнинг қандай якунланиши тақдир пардаси ортида яширин бўлсада, ақли расо ва ҳушёр кишилардан кенгашу тадбир истаб, фикрларини билмоқ лозим. Давлат ишларининг тўққиз улушини, — дейди у, — кенгаш, тадбир ва машварат билан, қолган бир улушини қилич билан ҳал қилдим». Тузукларда, шунингдек, жамият аъзоларининг ахлоқ-одоб қоидалари, мансабдор шахслар ва ҳукмдорларнинг бурчлари, давлат ва қўшинни бошқариш қоидалари аниқ ифода этилган.

Мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида давлатчилик ғоясининг миллий мафкурадаги ўрни ва аҳамияти янада ошиб бормоқда. Миллий давлатчилигимизнинг кўп минг йиллик тарихий тажрибаси ва анъаналарига таянувчи ўзбек давлатчилик ғояси бу тажрибани ижодий ривожлантириб, уни жаҳон давлатчилигининг илғор ютуқлари билан бойитиб, мустақил Ўзбекистон давлатчилиги тараққиётининг истиқболларини белгилаб беради.

Ҳозирги даврда миллий мафкуранинг таркибий қисми ҳисобланган давлатчилик ғоясининг асосий тамойиллари Президентимиз И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган. Улар қуйидагилардан иборатдир:

— ***ватанпарварликка асосланган мустақиллик тафаккури;***

— ***шарқона демократияга асосланган сиёсий тизим;***

— ***қонун устуворлигига асосланган ҳуқуқий давлат;***

— ***эркинликка асосланган фуқаролик жамияти;***

— ***буюк келажакка юз тутган озод ва обод Ватан.***

Шу тамойилларни жамиятимиз ҳаётига татбиқ қилиш, уларни рўёбга чиқариш мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги даврдаги энг муҳим вазифалари бўлиб қолмоқда.

Ойбек ЖУМАЕВ,
Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академиясининг тадқиқотчиси


Ҳар бир инсон маълум масканда дунёга келади. Ана шу масканни ўзи учун азиз ва муқаддас санар экан, Ватан деб атайди. Ватан ҳар бир инсон туғилиб ўсган оила, уйи, қишлоғи, шаҳридир. Зеро, шу азиз жойлардаги мавжуд муҳит таъсирида одам кўнглида қон-қардошларига, миллатдош ва элатдошларига хос этно-психологик хусусиятлар, турмуш тарзи, ўтмиш, бугунги кун ҳамда келажакка муносабат шаклланади. Ўз қондошлари, элатдошлари ёки миллатдошларидан айри ҳолда осойишта, фароғатда яшай олмаслик туйғуси инсонларга хос туйғулардандир.

Эркка, озодликка интилиб яшаш олий туйғудир. Шу боисдан Ватандан, юртидан олисда яшаш эрк, озодлик туйғусидан узоқлаштиради, бу ҳолда одам иқтисодий ва руҳан бошқаларга қарам ҳис этади ўзини. Айнан мана шундай хулосалар инсонга ўз юрти, Ватанини қадрлаш, унинг ободлиги, равнақи учун, шунингдек, унинг эрки, озодлиги, мустақиллиги учун курашга ундаб келган. Зеро, Ватан озодлиги унда яшовчи фуқаро озодлиги, ободлиги, халқнинг, миллатнинг фаровон турмуши асосидир.

Ватан — муқаддас диёр, қадимқадимдан унинг озодлиги, эрки ва мустақиллиги учун курашган ғоялари қадрланиб келинган. Ватан озодлиги йўлида курашган Маҳмуд Торобий, Жалолиддин, Темур Малик, Амир Темур каби зотлар миллий қаҳрамон сифатида улуғланган. Бундай кишилар қалбида ватанпарварлик хислати устун бўлган. Бу хислат эса асрлар давомида ахлоқийликнинг олий намунаси сифатида эътироф этиб келинган.

Аждодлар анъанасига содиқлик асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг деярли барча асарларида ватанпарварлик тушунчасига алоҳида урғу берилади: *«Ўзбекистон фуқаросининг ватанпарварлиги — бу, қайта ўзгаришлар йўлини кўрсатувчи, кўзланган мақсаддан четга чиқмайдиган йўлчи юлдуз, ишончли компасдир. Ўзбекистонга, унинг ери, табиатига, бу ерда яшаётган халқларга муҳаббат, ўлканинг тарихи, маданияти, анъаналарини теран билиб олишга интилиш, республиканинг қудрати ва ютуқларидан фахрланиш, халқимиз қисматига тушган қийинчиликлар учун қайғуриш кўп миллатли ўзбек жамиятининг муҳим жипслаштирувчи асоси ҳисобланади».*

Ватанпарварлик фазилати



Демак, ватанпарварлик — бу, туғилган оила, қишлоқ, шаҳар, маконга бўлган муҳаббат, унинг табиати, тупроғи қадр-қимматини тушуниш, халққа меҳр, унинг бахт-саодати, фаровон ҳаёти учун масъуллик, юрт тарихини мукаммал билиш, унинг ўтмиши, бугунги куни билан фахрлана олиш, истиқболининг порлоқ бўлишига ишонч, республиканинг ижтимоий, иқтисодий, маданий юксалишидан фахрланиш, юрт бошига мушкул кун тушганда унинг оғирини енгил қилишга, мушкулотларга барҳам беришга интилиш демакдир.

Ёш авлодда ана шу сифатларни қарор топтириш таълим-тарбия тизимининг асосий вазифаларидандир. Зеро, ватанпарвар кишигина мавжуд ижтимоий ҳаётнинг янада мукаммал, ҳар томонлама ривожланган бўлиши учун қайғуриб яшайди. Мазкур қайғуришнинг самараси эса Ўзбекистон Республикасининг жаҳон саҳнида ривожланган мамлакатлар билан бир қаторда жой эгаллашига замин яратади. Юртбошимиз таъкидлаганларидай, ўзини *«... Шу мўътабар заминда таваллуд ва тарбия топган шахс, ўзини айнан шу юрт фарзанди деб билгувчи инсон ўз давлати, ўз халқи олдидаги, уни катта умидлар билан тарбия этган, вояга етказган жамият олдидаги бурчини англаши керак. Бу гап менга ҳам, сизга ҳам — барчамизга бирдек тегишлидир»*. Демак, ватанпарварлик — бу аввало, жамият, халқ, миллат олдидаги ижтимоий бурчни англаш, уни бажариш йўлида фидойи бўлиш, ҳар қандай вазият ҳамда шароитда ҳам бурчга содиқ қолишда кўринар экан.

Истиқлолга эришгандан кейин ўтган вақт мобайнида халқимиз онгида, турмуш тарзида, ижтимоий муносабатлар мазмунида туб, ижобий ўзгаришлар содир бўлди ва бўлмоқда. Буни, Президентимиз айтганларидай, *«... одамларнинг дунёқараши ўзгариши, ғурур, орият, шаън ва номус туйғулари кучайиши, ҳаётга ва меҳнатга муносабати, Ватанга, юртимизга меҳри, эгалик ва масъулият ҳиссининг кучайишида кўрамиз. Истиқлол, том маънода бизга ўзликни англаш, кимларнинг авлодлари эканлигимизни тушуниб етиш, қайси юрт фарзанди эканлигимизни, қандай моддий ва маънавий меросга ворис эканлигимизни англаб етиш имконини берди»*.

Ватанпарварлик туйғусига эга бўлиш миллий хусусиятларнинг онгдаги ва амалий фаолиятдаги инъикоси намоён бўлиши тўғрисидаги назарий фикр Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларида марказий ўрин эгаллаган бўлиб, бу фикр бизнинг назаримизда жамиятшунос, ахлоқшунос, педагог ва психолог олимлар, ижодий ходимлар, тарбиячилар учун ёш авлодда ахлоқий сифатларни қарор топтиришда методологик асос бўлиб хизмат қилади. И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» асарида бу ҳақда шундай дейилади: *«Миллий туйғу инсон учун табиийдир, чунки у ота-оналаридан мерос қилиб олинган ва болаларнинг ўз ота-онасига, бутун унинг анъаналарига, тили ва маданиятига муҳаббат ва ҳурматни тарбияламасдан туриб, ўз халқининг, миллатларнинг бутун жаҳон ҳамжамиятида тенглардан бири сифатида идрок қилувчи ҳақиқий инсонни, ўз Ватанининг жонкуярини тарбиялаш мумкин эмас»*. Ушбу фикрлардан кўриниб турибдики, ватанпарварлик — аввало, ўз миллати, элати ҳамда қондошларига хос бўлган хусусиятларни, фазилатларни ўзлаштириб олиш, уларга содиқ қолиш билан шаклланади.

Бувмайрам БОШМАНОВА,
Тошкент давлат педагогика университети тадқиқотчиси

«Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар»

(Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 1-боб, 2-модда).

Абдуманноб РАҲИМОВ

Масъулият



Раҳбар шахсларнинг бурчи, масъулияти ва халқ олдидаги жавобгарлиги билан боғлиқ муаммолар қайси замонда бўлмасин ўта муҳим ҳисобланган. Ҳатто, Жаноби Пайғамбаримиз с.а.в нинг муқаддас ҳадис шарифларида «Сизни бир одамга руҳбар қилдим, икки одамга масъул қилдим» деган битиклар бор экан. Бу даъват раҳбарнинг елкасидаги масъулият ва жавобгарлик нақадар оғирлиги, охиратда нафақат ўз ҳаёти ёки фарзандлари учун, балки кўл остидаги фуқаролар тақдирига ҳам жавобгар эканлигига ишора эмасми. Бу улуғ сўзлар ҳар бир иймонли кишининг кунлик шиори бўлишга ҳам арзийди. Айниқса, раҳбарлик лавозимига ўтириб, унинг жавобгарлиги ва масъулиятини ўз зиммасига олганлар учун.

Юртбошимизнинг ҳукумат аҳамиятига молик йиғилишларда, вилоятларнинг қатор сессияларида айрим раҳбарлардаги масъулият, ташаббускорлик ва фуқаролар олдидаги жавобгарлик ҳисси етарли эмаслигини куюнчаклик билан таъкидлаши ҳар биримизни ўйлашга мажбур этади. Шунинг учун бўлса керак, кадрлар билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш Президентимиз И.А.Каримов томонидан давлатнинг биринчи галдаги вазифаси сифатида эътироф этилмоқда. Ҳақиқатан ҳам бугунги ислоҳотларимизнинг муваффақиятли ривожи жамиятимизнинг айнан ушбу қатламига кўпроқ боғлиқлигини ҳисобга олганда Миллий кадрлар тайёрлаш дастури ҳамда «Таълим тўғрисида»ги қонуннинг нақадар муҳимлигига ишонч ҳосил қиласан, киши.

Хўш, нима учун ҳозирги пайтда вазирликлар, вилоят ва туман ҳокимликларининг биринчи раҳбарларига қўйилаётган талаблар жуда улкан? Чунки, тарихнинг муайян бир даврида, айниқса, жамият тараққиётининг муҳим бир босқичида алоҳида шахслар тутган ўрни беқиёсдир. Бунга ҳар бир миллатнинг ўтмишидан кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Халқнинг бунёдкорлиги ва куч-қудратини инкор этиш ноўрин, албатта. Бу хусусда буюк шоиримиз Абдулҳамид Чўлпоннинг «Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир... Барча кучни халқ ичидан олайлик, Халқ ичига кучоқ очиб борайлик» сатрларини эслаш кифоядир. Бироқ, халқнинг куч-қудратини бунёдкорлик ишларга ундай олиш, буюк келажак сари етаклай оладиган истеъдод камдан-кам кишиларга насиб этади. Ҳамма ҳам халқ кўнглига йўл топа олмайди, халқ ҳар кимнинг ҳам ортидан эргашавермайди. Бунинг учун инсонда Яратгувчи томонидан берилган илоҳий бир қудрат бўлмоғи зарур. Узоққа бормайлик, бундан ўн йил муқаддам мамлакатимизнинг 130 йиллик мустабид тузум асоратида қутилиб, Мустақилликка юз тутишида тарихий Шахснинг тутган ўрни нечоғлик улкан бўлганлиги юқоридаги фикримизга далил бўла олади.

Республикамизнинг бош Қомусида «Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар», дейилади.

Бугунги раҳбарга берилган ваколатлар, яратилган имкониятлар ҳеч бир даврда бунчалик кўламли бўлган эмас. Сиз Ватан, миллат, халқ манфаатлари йўлида ҳар қанча меҳнат қилсангиз — марҳамат, роҳатини ҳам ўзингиз кўринг. Кечаги буйруқбозлик тузумидаги шахсий ташаббусни бўғиш, ўз миллати ва халқи манфаатлари йўлида меҳнат қилган кишига «миллатчи» деган тамғани босиб жазолаш энди йўқ. Ахир еримиз ҳам, сувимиз ҳам ўзимизники. Энг асосийси, ким учун, нима учун меҳнат қилаяпсан, яхши биласан, киши. Раҳбарга бундан ортиқ яна нима керак? Ёки бир вақтлар бизни манқуртдек ишлатиб, топган ҳалол нонимизни ҳам бошимизга муштлаб берганлари эсимиздан чиқдими? Миллат, Ватан, келажагининг пойдевори барпо этилаётган пайтда, жойларда йўл қўйилаётган хато ва камчиликларга, хўжасизликларга бепарво муносабатда бўлиб, ўзибўларчилик, боқимандачилик қабилида иш юритаётган раҳбарлар фаолиятини ҳеч бир сабаб билан оқлаб бўлмайди. Эсингиздами, давлатимиз раҳбари *«Эй, барака топгурлар, халқ йўқчиликка чидаши мумкин, лекин адолатсизликка чидай олмайди. Кадамингизни сал ўйлаб босинг, одамлар ҳамма нарсани кўриб, билиб турибди»*, деган эдилар. Бу гапнинг замирида ўзбек халқининг тантилигига, мардлигига, «Қорнимга эмас, қадримга йиғлайман» деган нақлига ишора бор. Ҳа, яшанг, тўғри англабсиз, халққа бирни берсангиз, сизга ўн баробар қилиб қайтаради. Фақат унинг кўз олдида адолатни оёқ ости қилманг, ишлаб топган ҳалол ҳақига кўз олайтирмасангиз, бас. Шунда



сизнинг молу дунёингизни ҳам, «Э, отангга балли, раис» деган номингиз ҳам бўлади. Очиқ айтиш керак, бугунги ўтиш даврининг иқтисодий қийинчиликлари ҳаммага ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Айрим нопок раҳбарлар ўзларининг «тирикчилик» ташвишларига берилиб фуқаро дардига қулоқ солмай, «ўзим — хон, қўланкам — майдон» қабилида иш юритмоқда. Бутун бир миллат тақдири, бутун бир мамлакат келажагига жавобгарликни бир одамнинг зиммасига юклаб, қўл қовуштириб туриш, янгичага ҳам, эскичага ҳам тўғри келмаса керак. Биздаги орзу-ҳавас, оиланинг ширин ташвишлари, фарзандлар даврасидаги кўнгилли суҳбат давлатнинг биринчи раҳбарига бегона эмасдир. Нима учун айрим раҳбарлар халқ олдидаги масъулиятни қалбдан ҳис қилмайди? Бугунги бўлаётган ишларга, ютуқ ва камчиликларга улар ҳам жавобгар эканлигини унутиб қўядилар? Фақат республика Президенти бу масъулиятни эсларига солгандагина ҳаракатга тушиб қолишади. Бунинг бош сабаби нимада? Очиқ айтиш керак, биздаги миллий ғурур, том маънодаги фидойилик, ватанпарварлик, ўлигим ҳам, тиригим ҳам шу элники деган ҳиссиёт етишмайди. Эл-юрт назарига тушиш, қолаверса республика Президенти ишончига кириб, раҳбарлик лавозимига ўтиришнинг ўзи катта бахт. Уларнинг ишончини Ватанга, халққа сидқидилдан хизмат қилиб оқлаш эса олий бахт десак ҳеч бир муболаға бўлмайди.

Худди шу масала бўйича халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгаши сессиясида Президентимиз яна сўз юритиб, *«Вилоятда юзага келган бундай ташвишли вазиятни таҳлил этадиган бўлсак, кўп камчиликларнинг илдизи шу вилоятни бошқарадиган раҳбарлар, мансабдорлар, аввало, биринчи раҳбарга бориб тақалиши барчамиз учун аён»*, деди.

Энди ушбу вилоят раҳбарларига нисбатан Президентимизнинг нечоғли ўринли бўлган танқидини тасдиғи сифатида қуйидаги рақамларга эътибор беринг: масалан Фарғона вилоятида пахтачилик бўйича ўртача ҳосилдорлик кейинги беш йил давомида 4 центнерга пасайган бўлса, Сурхондарё вилоятида бу кўрсаткич 5,5 центнерга тушиб қолган. Агарда Фарғонада саноат корхоналари томонидан бозор талабларини ўргамасдан ортиқча ишлаб чиқарилган ва сотилмай қолган тайёр маҳсулотлар ҳажми 1 миллиард сўмдан ортиқроқни ташкил этса, бу кўрсаткич Сурхондарё вилоятида 1 миллиард 606 миллион сўмни ташкил этади. Фарғонада кўп йиллардан бери қурилиши тугалланмаган объектлар сони 127 тани ташкил этса, Сурхондарёда улар сони 46 тадир. Фарғона вилоятида расман рўйхатдан ўтган 59 та қўшма корхонанинг 38 тасигина фаолият кўрсатаётган бўлса, Сурхондарёда 31 та қўшма корхона рўйхатга олингани ҳолда уларнинг 20 таси ишламоқда. Бу икки вилоятга тегишли деярли бир хил кўрсаткичларни кўриб «Э-э-э, отангга балли, бу раҳбарларнинг тупроғини бир жойдан олган бўлса керак» деб юборасиз, бехосдан. Биз географик жойлашуви ҳамда табиий шароити билан бир-биридан анча фарқ қилувчи ҳар икки вилоятга тегишли бундай ўхшаш мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин эди, бироқ, ўқувчи, айниқса, ҳар икки вилоят фуқаролари бу ўхшашликларни биздан олдинроқ англаб етганликларига ҳеч шубҳамиз йўқ. Минг афсуслар бўлсинким, йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар бошқа вилоятларда йўқ деб бўлмайди. Улар мавжуд. Биз уларни биламиз. Афсуски, унга қарши курашишни, вақтида бонг уришни билмаймиз, андиша қиламиз, лекин бундай йўл тутиш, юмшоқроқ қилиб айтганда, Ватан ва халқ манфаатларига хиёнат қилишдан бошқа нарса эмас. Агарда шахсий ташаббускорлик, том маънодаги фидойилик ҳар биримизнинг иш услубимизга айланмас экан, Президентимиз айтган *«Мен ҳам халқимни Европа халқларидай фаровон турмуш кечиришларини, фарзандларимизни ҳеч кимдан кам бўлмасликларини хоҳлайман»* деган сўзлари нафақат у кишининг балки, халқнинг ҳам етишиб бўлмас орзуси бўлиб қолаверади. Модомики, мақсадимиз буюк давлат қуриш ва фаровон турмуш барпо этиш экан, халқимиз нафақат кўзга кўринган ички ва ташқи рақибларидан, балки жамиятни муқаррар таназзулга олиб борувчи иллатлардан ҳам огоҳ бўлмоғи даркор.

Президентимиз томонидан матбуотни ҳақиқий тўртинчи ҳокимият даражасига кўрсатиш мақсадида қатор фармон ва қарорлар чиқарилди. Республика Олий Мажлиси матбуот ва журналистнинг фаолиятига доир қатор қонунлар қабул қилди. Сирасини айтганда, бу йўлда улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Яна бир сўз. Бугун ҳар биримиз, айниқса, раҳбарлик масъулиятини ўз зиммасига олганлар учун Президентимизнинг *«Бу дунёда ҳамма нарса ўткинчидир. Амал ҳам, молу дунё ҳам, шон-шуҳрат ҳам ўтиб кетади, фақат халқ, халқнинг хотираси доимо яшайди. Шундай экан, ҳар бир инсон ана шу халқ хотирасида ўзидан яхши ном, эзгу ва савобли ишлар қолдириш ҳақида ўйлаши керак»*, деган доно фикрларини шиор қилиб яшаш ва меҳнат қилиш фурсати етди.



Ор, номус эскирмайди

Шарқона турмуш тарзи қаноат ва шукроналик, сермулоҳазалилик ва андишалилик, анъанавийлик, табиатга яқинлик, табиий ва инсоний тамойилларга уйғунлик, қадр-қиммат, ор-номуснинг муқаддаслиги ва устуворлиги, ўзига хос жозибадор расм-русумлар, урф-одатлар барқарорлиги негизида намоён бўлади. Масалан, туркий халқларнинг турмуш тарзи хитой, корейс, рус, япон халқлариникидан фарқ қилади. Ҳатто туркий тилли халқлар оиласига мансуб миллат ва элатларнинг ҳам ўзига хос ривожланиш йўли ва асрлар оша қарор топган турмуш тарзи мавжуддир. Туркий халқлар оиласига мансуб Туркия ва Ўзбекистон туб-жой аҳолисини солиштирадиган бўлсак, уларнинг турмуш тарзида ҳам фарқлар кўзга ташланиб туради. Гарчи мазкур турмуш тарзларида тафовут аён бўлсада, улар ўртасидаги умумийлик, яқинлик мавжуд фарқлардан устунрокдир. Зеро умумтуркий руҳ, тиллар яқинлиги шарқона ва мусулмонча турмуш тарзи аломатлари икки халқни ягона бир оилада ушлаб турувчи асосий омиллардан ҳисобланади. Шу билан бирга турк ва ўзбек халқлари ўртасида маълум фарқлар ҳам борки, уларни инобатга олиш ҳар бир халқнинг ўзига хос турмуш тарзида катта аҳамиятга моликдир. Туркия шарқ мамлакати, лекин шу билан бирга, тақдирнинг тақозоси билан Ғарб таъсирини энг кўп олган мамлакатдир. Шунинг учун ҳам турк халқи турмуш тарзида Шарқ ва Ғарбнинг яшаш тамойиллари уйғунлашиб кетган.

Ўрта Осиё халқларидан ўзбек, тожик, туркман, қозоқ, қирғиз халқларининг хусусиятларини оладиган бўлсак, асрлар оша муштарак ижтимоий тузум шароитида яшашлари, иқтисодий, сиёсий, маънавий жиҳатдан яқинлиги, ундан ташқари бу халқларнинг қўни-қўшни бўлиб яшаши, уларнинг ҳаёт йўллари, тақдиридаги муштараклик, шарқона ва мусулмонча турмуш тарзидаги яқинлик уларни ҳар томонлама бирлаштириб юборган.

Шарқона турмуш тарзи бутун Шарқ халқлари маданий оламига мансублик билан тавсифланса, мусулмонча турмуш тарзи ислом динига мансуб халқлар ҳаёти билан боғлиқликни ифодалайди.

Ўрта Осиё халқлари турмуш тарзига хос умумий белгилар эса ўзбек, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман халқларининг бир хил иқтисодий-сиёсий шароитида умр кечириб, деярли бир хил жараёнларда иштирок этишлари заминида таркиб топган.

Бугунги кунда мустақиллик ва бозор муносабатлари туфайли ҳар бир халқнинг фаолиятида мавжуд иқтисодий макон талаблари доирасида ҳозирги даврга хос бўлган регионал ўзига хосликлар ҳам ривожланмоқда. Тадбиркорлик, ишбилармонлик, ҳунармандчиликнинг янги кўринишлари кенг миқёсда ёйилмоқда, натижада, уларнинг фикрлаши, ҳаракати, муносабатларида ҳам муайян ўзгаришлар юз бермоқда.

Миллий турмуш тарзининг шаклланиши иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар, маънавиятни янги унсурлар билан бойитиб бориш, миллий ва умуминсоний қадриятларни юқори даражага кўтариш асосида рўй бермоқда. Халқаро терроризм, ислом мутаассиблиги, коррупция сингари иллатлар ёшларнинг турмуш тарзига таъсир қилмаслиги учун халқимизнинг тарихий ва маънавий меросига таянган ҳолда ёшларнинг онгини, маданиятини, эътиқодини, дунёқарашини давр талаблари асосида ўзгартириш лозим бўлади.

Шунингдек, халқимиз ҳаёти ва онгига кириб келаётган ўзгаришларнинг халқимиз турмуш тарзига мувофиқлиги масаласини жиддий ўйлаб кўриш, ижтимоий-зарарли, миллатимиз менталитетига мос бўлмаган хусусиятларнинг суқулиб киришига йўл қўймаслик зарур.

Зумрад ИСМОИЛОВА,
Фарғона давлат университети ўқитувчиси, фалсафа фанлари номзоди

Давлат таълим стандартларининг бажарилишини таъминловчи ўқитиш ва тарбиялаш услубларини ишлаб чиқиш муҳим долзарб масалалардан бири бўлиб қолди. Стандартларни бажаришда янги информатик ва педагогик услубларнинг ўрни беқиёсдир.

Талабалар зарур кўникма ва малакаларни, асосан, ўзларининг мустақил меҳнатлари эвазига эгаллайдилар. Ҳамма ўқитувчилар ҳам осонгина «янги» услублар, ўқитиш усулларини топа олмайдилар. Ўқитувчилар ҳар хил эски ва янги услубларга сайқал бериб, ўзларидан нималарнидир қўшиб кутган муваффақиятларга эришиши мумкин. Бунинг учун улардан ҳар бир услуб ва усулларнинг қўлланиш шартларини, камчилик ва ютуқларини ажратиб олишлик талаб қилинади.

Ижодкорлар орасида «ҳар қандай янгилик унутилаёзган эскиликдир» деган гапюради. Ўқитиш услубларини «янги» ва «эски» деб ажратиш асоссиздир. Шуни унутмаслик керакки, анъанавий таълим-тарбия услублари ҳам вақтида узоқ илмий изланишлар, тажрибалар, синовлар асосида тажрибали педагоглар ва методистлар томонидан яратилган ҳамда маълум даражада таълим беришда кўзланган мақсадга эришилган.

Психологик, мантиқий, услубий ва техника воситаларининг жипслигига ва уларнинг мукаммаллигига асосланган ўқитиш ҳамда тарбиялаш жараёни янги педагогик услубнинг мазмунини ташкил этади. Янги педагогик услублар ҳам хоҳлаймизми, йўқми, эски анъанавий услублар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда вужудга келади. Шунинг учун имконият даражасида мавжуд анъанавий педагогик методларнинг барчасини тўлиқ ўзлаштириб, уларнинг бир-биридан асосий фарқларини, қўлланиш шартларини, маҳсулдорлик даражасини, камчилик ва ютуқларини ўрганиб, янги замонавий ахборот воситалари, дидактика, мантиқ ва бошқа инсоншунослик фанларининг ютуқларидан фойдаланиб, эришилган тажрибалар натижасидагина янги педагогик услублар топиш мумкин.

Президентимиз И.А.Каримов Ўзбекистон Олий Мажлисининг 1997 йил 29 августда бўлиб ўтган IX сессиясида сўзлаган нутқида: «Таълим-тарбия ислоҳоти ҳақида гапирар эканмиз, унинг мазмунини лўнда қилиб ифода этиш мумкин: бизга

Янги педагогик услубларни топиш

битирувчилар эмас, мактаб таълими ва тарбиясини кўрган шахслар керак», — деган эдилар. Албатта бу юксак вазифани бажариш учун биз — педагоглар масъул эканлигимизни қалбдан ҳис қилишимиз зарур. Жумладан қуйидаги муаммога эътиборни қаратайлик. Масаланинг аргументи ва модели (андозасидан) фойдаланиб, натижа олувчиларни ижрочилар деб атаймиз. Модел ижрочининг имкониятига қараб тузилади. Ижрочининг имконияти эса ҳамма вақт чегараланган бўлади. Ижрочилар, инсонлар, роботлар, ЭҲМлар ва бошқа воситалар бўлиши мумкин. Агар инсонни алгоритмнинг (технологиянинг) ижрочиси деб қарасак, унинг мияси «бошқарувчи қурилма» вазифасини бажарса, унинг оёқлари, қўллари, кўзлари, лаблари, тили, овози, методлари ва маҳорати «асбоблар» вазифасини бажаради.

Масалаларни (муаммоларни) ечиш босқичларини аниқлаш ижодий иш бўлиб, инсон томонидан бажарилади. Ҳар қандай янги масала янги ёндошувлар ва янги усулларни талаб қилади. Ҳаттоки, аввалдан маълум бўлган масалаларнинг ечиш усулларини жиддий таҳлил қилиш ҳам янги масалани ечишнинг усулини яратишга асос бўлавермаслиги мумкин.

Агар масаланинг қўйилиши «тўғри» бўлса, уни ярим ечилган деб қараш мумкин. Ўрганилаётган муаммо ҳақида берилган маълумотлар тўплами орасидан керакли натижани олиш учун зарур бўладиганларини ажратиб олиш имкониятини яратувчи шартларни, фаразларни тўғри аниқланилиб, дастлабки берилганлар билан натижа ўртасида мантиқий алоқа ўрнатилган бўлса, бундай муаммо яхши қўйилган дейилади. Масала яхши қўйилган бўлса, унинг модели мукаммал бўлади. Муаммодаги шартлар, фаразлар, дастлабки берилганлар, натижа ва улар орасидаги боғланишлар масаланинг модели дейилади.

Масалани ечишнинг технологиясини яратиш учун режа қуйидагича бўлиши керак:

1. Муаммонинг қўйилишини яхшилаш, яъни:

а) дастлабки берилганларни (аргументларни) аниқлаш.

б) талаб қилинган натижани аниқлаш.

в) дастлабки берилганларнинг мумкин бўлган имкониятларини аниқлаш.

2. Масаланинг моделини тузиш.

3. Ечиш методларини, мумкин бўлса, ечиш алгоритмларини аниқлаш.

Технологияларни яратишни уларнинг қуйидаги базавий элементларини ўрганишдан бошлаш керак.

I. Хом ашё: 1. Ўқувчилар. 2. Талабалар. 3. Инсонлар гуруҳи.

II. Ижрочи: 1. Ўқитувчи. 2. Тарбиячи. 3. Мутахассис.

III. Ташкиллаштириш: 1. Бошқариш. 2. Иқтисодий. 3. Сиёсий.

IV. Воситалар: 1. Дарслик ва қўлланмалар. 2. Синфхона ва кутубхоналар. 3. Техник воситалар.

V. Кафолат: 1. Иқтисодий. 2. Сиёсий. 3. Ҳуқуқий.

VI. Манфаат: 1. Қизиқиш. 2. Рағбатлантириш. 3. Имтиёз. 4. Фойда. 5. Эҳтиёж.

VII. Имконият: 1. Савия. 2. Соғлиқ. 3. Иқтисодий-сиёсий. 4. Маънавий.

VIII. Натижа: 1. Камида давлат стандартини эгаллаш. 2. Комил инсонни тарбиялаш. 3. Белгиланган кўрсаткичга эришиш.


Шу саккизта базавий элементлар ўртасидаги мантиқий ва оптимал алоқани ўрната олиш ўқитиш-тарбиялаш технологиясининг ўзидир.

Бизнингча таълим-тарбия соҳасидаги дастурларимизни муваффақиятли амалга ошириш учун янги ўқув услублари яратилиши керак. Бундай услубиятни ўқитувчилар, методистлар, психологлар, педагоглар, олимларнинг фаол ҳаракатлари ва илмий-тадқиқот институтлари билан халқ таълими, олий ва ўрта махсус таълим вазирликларининг биргаликдаги илмий-услубий анжуманларини ташкил этиб, уларнинг илмий-таҳлилий хулосалари асосида яратилиши керак.



А.БЕКМУРОДОВ,
Самарқанд вилоят халқ таълими бошқармасининг бошлиғи;
А.АРЗИҚУЛОВ,
Самарқанд давлат университети механика-математика факультети катта ўқитувчиси

Матёқуб ҚЎШЖОНОВ



XX аср рассом кўзгусида!

1999 йилнинг баҳор кунларидан бири эди. «Уста Ширин» кўчасидан чап томон қайрилиб Аваз Ўтар кўчасида жойлашган уйнинг эшигини қоқдим. Ҳаво булут, ёмғир савалаб турибди. Уйдан ҳадеганда садо чиқавермади. Умидсизланмадим. Уйнинг эгаси шу ерда бўлишига шубҳам йўқ эди. Деразалардан бирини қоқдим. Жим-жит. Иккинчисини қоқдим. Учинчи деразага ўтгунча шифер этагидан оқиб тушаётган ёмғир бош, ёқамдан ўтиб белимгача борди. Учинчи деразадан ҳам садо бўлмади. Ҳайрон бўлдим. Қайтиб кетишни ихтиёр қилдим-да, катта кўча томон бироз юрган эдим ҳамки, уй ичидан бўғиқ овоз чиқди. Исмимни такрор-такрор чақирди. Эшик томон қайтдим. Зулфин жаранг-журунг бўлди-да, эшик очилди. Бўсағa ичкарисида уй эгаси турарди. Бели бироз букилган, кўзлари киртайган, юзлари анчагина ажинлашган ёлғиз одам эди у.

— Ие, бормисиз, кўришмаганимизга ҳам юз йил бўлди, — деди у очиқ чеҳра, ўзига хос юз-кўзни ёритадиган табассум билан. — Мен Сизни бутунлай йўқотиб қўйдим деб ўйладим, хайрият бор экансиз, — деди у сўзларини давом қилиб.

Бу одам машҳур рассом Абдулҳақ Абдуллаев эди. Мен киргач эшикни занжирлади-да, ичкари томон йўл бошлади.

Қачонлардир цементдан қуйилган, эндиликда у ер-бу ери бузила бошлаган бетон йўлак. Торгина ҳовли, тўғрироғи ҳовлича. Бир вақтлар бу ерда катта бир туп гилос бўлгувчи эди. Энди у гилос ҳам кўзга ташланмади.

— Гилосни кесдириб ташладим, қариди, тепадан қурий бошлади, — деди у менинг гилосни излаётганимни сезгандек.

Уй томон бурилдик.

Ҳовлидан очиладиган эшик ҳам омонатдек кўринди менга. Уйга кирдик. Абдулҳақ ака гапдан ўзини тўхтата олмасди. Мени кўп кутгани, эндиликда кўп ишлай олмаётгани, икки-уч марта жарроҳларга иши тушгани сингари гапларни тез-тез гапирар, гўё мен барча гапларни эшитмасдан чиқиб кетаману кўнглидаги гаплар айтилмай қолаётгандек.

Илгаридан менга таниш бўлган кичик хонага разм солдим. Хона жиҳозлари анча эскирган. Кичкина эски услубда ясалган диванча, бундан ўттиз-қирқ йил олдин модада бўлган, қаттиқ ёғочдан ясалган стуллар. Уларнинг ўтиргич қисмлари бироз қирилган бўлиб, ўз умридан дарак бериб турибди. Полда у ер-бу ери қирилган палос.

Стулларга ўтириб улгурмасданоқ суҳбат авж олиб кетди. Ҳаётда рўй берган, рўй бераётган ўзгаришлар, ўтиб кетган улуғлар, ҳаёт бўлган ижодкорлар, уларга хос айрим хислатлар, ниҳоят ижод, кейинги пайтларда яратилган асарлар — булар ҳаммаси суҳбат мавзуси эди.

Мен Абдулҳақ Абдуллаевни навқирон йигитлик чоғларидан буён биламан. Аввало, у ҳақда, унинг рассомлик санъати ҳақида кўп фикрлар эшитганман. Учрашувимиз унинг етук ижодкор даражасига эришган пайтига тўғри келган. Бунга шогирдим, бугун етук файласуф, санъатшунос, ёзувчи, ўша пайтлар университет талабаси Тилаб Маҳмудов сабаб бўлган. У орқали 1957 йили Абдулҳақ Абдуллаевни уйимга таклиф қилган эдим. Уни меҳмон қилиш учун алоҳида тараддуд ҳам кўрдим. Бозорга чиқиб қўлда сўйилган қора кўчқорнинг гўштидан олиб келиб қайнатма шўрва қилдим.

Абдулҳақ Абдуллаев уйга қадам қўйиши билан суҳбат қизиб кетганди. Суҳбатнинг мавзуси адабиёт, санъат, умуман ҳаёт, айниқса, ҳаётдаги эрксизликлар бўлган эди. Абдулҳақ Абдуллаевнинг адабиёт ва санъатда ўртамиёначиликка қарши эканини, фақат қаршигина эмас, умуман ўртамиёначиликни кўришга кўзи, эшитишга қулоғи йўқлигини сездим ўшанда.

— Ҳайронман, — деган эди у. — Ёзувчи ва рассомлар орасида истеъдодлисидан истеъдодсизи кўп. Шундай одамлар борки, қўлига кетмон олиб ер чопса, тоғни талқон қилиши мумкин; бирор завод ё фабрикага кириб хизмат қилса, бинойидек иш кўрсатиши турган гап, нимагадир улар адабиёт, санъат соҳасига кириб олиб жилд-жилд асарлар ёзишади, бироқ уларни ўқиб лаззат ололмайсиз. Полотноларни тўлдириб бўёқ сарф қилади, бироқ уларни кўриб роҳатланмайсиз!

Суҳбат шу йўсинда узоқ давом қилди. Вақт ўтганини ҳам сезмасдик. Шу суҳбатдаёқ ҳаётга, адабиётга ва санъатга қарашларимиз ўхшаш эканлигини, ҳамкорлик қилсак, бир-биримизга фойдамиз тегишини англадим. Москвада 4 йил мутолаа, илмий изланишлар билан банд бўлиб, қаламни қай томонга юритишни ҳали тўла аниқлаб ололмаган, Тошкентга қайтган пайтларимда, бу одамга дуч келиб қолишим мен учун бебаҳо топилма, фақат топилмагина эмас, балки катта омад эди.

Бир маҳал керагазда қайнаб турган шўрва пишиб етилди шекилли, ҳали ёш, энди келин бўлиб тушган рафиқам Раҳимахон шўрвани сузиб келди. Бироқ нимагадир меҳмонимиз шўрвани хуш кўрмади. Нимanidир баҳона қилиб, бир чимдим гўштни олди-да, шу билан қаноат ҳосил қилганини билдирди.

Унинг бу хислатидан мен кўп ҳам ажабланмадим. Хафа ҳам бўлмадим. Фақат битта хулосага келдим: «Ўзига хос одам эканда, ҳаётдаги ўз тамойилларини бузмас экан-да, демак шахс сифатида унинг барча хусусиятлари билан ҳисоблашиш лозим!»

Шундан кейин Абдулҳақ Абдуллаев билан учрашиб, ўша бошланган суҳбатни давом қилдирадиган бўлдик. Бир неча гал устахонасида бўлиб, унинг иш услублари билан танишдим, расмларини кўздан кечирдим.

Суҳбатлардан бирида унинг рассомчилик санъатига кириб келгани билан қизиқдим. У саховат билан, ҳатто мароқ билан бу ҳақда гапириб берди.

— Мен рассом бўлиб туғилган бўлсам керак, — сўз бошлади у. — Биринчи расмни қачон чизганимни эслолмайман, жуда ёш бўлсам керак. Нимаики кўрсам расмини қоғозга туширишни ўйлардим. Расмларимдан чексиз завқланардим. Завқ мени рассом қилди.

Абдулҳақ Абдуллаев сўзини тўхтатиб менга синчковлик билан назар ташлади. Мен унинг фикри тамом бўлган ҳисоблаб, саволимга тўла жавоб олганимни билдирдим. Бироқ у гапини яна давом қилдирди.

— Оддий нарсаларни чизишдан мен мураккабликка интилдим. Онамнинг сигир соғиш жараёни менга чексиз завқ берарди. Шу манзарани қоғозга туширишга интилдим. Кўп уриндим, бироқ чизган нарсам ўзимга ёқавермасди. Яна-яна такрорлайвердим. Ҳар гал сигир соғиш жараёнидан нималардир топгандек бўлар эдим. Қувонч билан қўлимга қалам олардим, бироқ муродим ҳосил бўлавермасди. Кейин рассомлик сирини бироз англаганимдан сўнг билдимки, бирор нарса ёки бирор жараённи қоғозга кўчиришнинг ўзи ҳали расм эмас, унинг ички моҳиятини очиб бериш керак экан, — деди у.

Одатдаги узундан-узоқ чўзиладиган суҳбатимиз бошланиши эди бу. Унинг ўзидан ҳаёти, ижодга кириб келиш йўллари хусусида қуйидагиларни билиб олдим:

«20-йилларнинг охирларида мен Тошкентда интернатда, 30-йилларда Самарқанддаги бадиий техникумда ўқидим.

— Тўғрисини айтсам, бу менинг бахтим эди, — дея сўзини давом эттирди, — интернатда рус тилини ўзлаштириб олдим, ҳар хил болалар жамоасида бўлиб ўзлигимни англай бошладим, техникумда домлалар асосан рус рассомлари эди. Биласиз, бизда кейинги асрларда миллий рассомчилик тараққий этмаган, дарс бериши мумкин бўлган маҳаллий мутахассислар йўқ эди».

Ижод сирларининг кўпини менга маълум. Ўнлаб-юзлаб асарлар яратила бериши мумкин. Бироқ жамоатчилик кўригига чиққан биринчи асар завқи ва шавқи бошқача, бир умр эсда қолади у лаҳзалар. Ўша завқ ва шавққа шерик бўлгим келди шекилли, суҳбатдошимнинг биринчи асари хусусидаги эсдаликларига қизиқишимни билдирдим.

— Оҳ, бу жуда қизиқ, дўстим, — деди мезбон бир лаҳза жим қолиб, ўзгина ўйга толди-да, бошини кўтариб. — Биринчи асарим — манзара, бир фабриканинг ёрдамчи хўжалигидаги ферма тасвири. Сув тўла ҳовуз, ҳовуз бўйида бир болача ўтирибди. Шу ерга ярашиб тушган эди у болача. Бир томонда ферманинг пастак айвончаси, айвончада боғлаб

қўйилган бир неча сигирлар... Биласизми, бу манзара Московда «Ижод» номли журналда эълон ҳам қилинди. Бироқ бироз нохуш жойи ҳам бор. Бу манзара журналда бошқа одам номи билан чиқиб кетган. Аммо барибир ўша манзарани ҳанузгача ўзгача завқ билан эслаб юраман.

Абдулҳақ ака мен томон бир назар ташлаб:

— Мен беэътибор мезбонман, ҳозир, — деди-да, эҳтиёткорлик билан ўрнидан туриб ошхона томон йўлланди. Разм солдим, қадамлари майда, оёқларини бироз судраб босар, кўпроқ ўтириб қолганиданми, бели ҳали эшик олдида кўрганимга нисбатан ҳам анча букилгандек.

Ўйлаб кетдим: бу одам билан биринчи танишган пайтларим у энди ёши қирқлардан ошган қирчиллама йигит эди. Озғин, чайир, ҳаракатчан... Кўпсувлар оқиб ўтди. Ҳаётнинг бисёр алғов-далғовларини кўрди. Бироқ тинимсиз меҳнат қилди. Ўйланди, изланди. Мана бугун унинг ёши тўққизинчи ўн йилликка қараб кетаяпти. Бунга етганлар бор, етмаганлар...

Бироздан кейин яна ўша оҳисталик билан чойнак кўтариб кириб келди.

— Мана дўстим, чой, аччиқ қилиб дамладим. Биламан, чойни аччиқ ичасиз, мен эса бир умр қайнаган сув ичаман, — деди.

Аччиқ чой дикқатимни тиниқтиргандек бўлди. Суҳбат яна қизиди.

— Сиз портретчи рассомсиз. Сизни шу жанрнинг Ўзбекистондаги асосчиси сифатида билишади. Ҳатто ўзбекнинг Рембрандти деб ҳам аташади. Нега Сиз шу жанрни танладингиз? — қизиқдим. Сўзларимни у диққат билан эшитди. Эшитаётганда унинг юзида ўзига хос маънодор табассум ўйнаб ўтди. Кейин жиддийлашди. Менинг сўзларим унда қаноат ҳиссини уйғотдими, ё ошириб юборяпсиз, деган фикр хаёлдан ўтдими, билолмадим. Жавоб бериш учун шошилмади.

— Биласизми, — гап бошлади у, — санъатнинг барча турларида ҳам марказда одам туради. Бироқ рассомчиликнинг портрет жанрида одам бевосита кўрсатилади. Шу бевositалик мени банд қилган, — деди у.

Бу жавоб мени мушоҳадага тортди. Бир зумда у билан бўлган суҳбатлар калавасини хаёлимдан ўтказдим. Абдулҳақ Абдуллаевни биринчи галда одам қиёфаси ўзига ром айлаган, шунинг учун болалик чоғларидаёқ ўзининг қиёфаси, ўзининг бошқалардан фарқи, ўзи ҳақидаги бошқалардан фикр эшитишни ёқтирган. Отаси чақалоқ Абдулҳақни тиззасига олиб ўтириб, «Боламнинг боши катта, бизнинг уруғ-аймоғимизнинг беиз ўтиб кетмаслигига сабаб бўлади бу бола», деган экан. Ҳамма нарсаларда, жону-жонивorларда, уни ўраб олган одамларда, у аввало шаклни кўрган. Ҳатто интернат ва техникумда ўқиб юрган пайтларида ўқитувчининг лекцияси эмас, унинг юз-кўзлари, қош-қовоқлари, гапираётган пайтдаги юз пайларининг ҳаракатлари кўпроқ қизиқтирар экан уни.

Портрет яратишни Абдулҳақ Абдуллаев ўзидан бошлайди. Адабиёт тарихида бу ҳодисанинг намунаси бор. Лев Толстой ижоди ўзининг болалиги ҳақидаги қиссадан бошланади. Абдулҳақ Абдуллаев ҳам ёшлигиданоқ ўз шахсияти билан кўпроқ қизиққан санъаткор. Унинг учун ўз шахсияти бошқалар сиймосини ўрганиш учун бош восита, бошқалар ҳаёти билан боғловчи кўприк, яна ҳам аниқроқ айтганда тажриба майдони. Шу боисдан у яратган биринчи эътиборга сазовор асар автопортрет бўлган.

— Мен ўзимга нисбатан бешафқат одамман, — дейди у доим. Дарҳақиқат у ўзида қанчалик фазилат кўрса шунча камчилик кўради ва бу ҳолни ошкор айтишдан тортинмайди.

Портрет яратиш ҳунарининг ўзига хос қийинчиликларини ҳам ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Дафъатан бирор одам олдига бориб палитрани пеш, мўйқаламни кўз-кўз қилиб, «Келинг мен сизнинг портретингизни чизай» дея олмайсиз. Бунинг учун ишонч керак, ишонч учун ном керак. Ҳеч бир жойда ёш рассом пешонасига «бу бўлажак улуғ рассом» деб ёзиб қўйилмаган-да.

Шундай бир пайтда Абдулҳақ Абдуллаевга қўл келган бир вазият рўй беради: иккинчи жаҳон уруши йиллари ҳар томонлама — ҳам моддий, ҳам руҳий қийинчиликда қолиб кетган қишлоқ меҳнаткашларининг кўнглини кўтариш мақсадида вилоят ва туманларга, ҳатто бевосита колхоз, совхозларга ёзувчи ва санъаткорлар тез-тез сафарбар қилиниб турилади. Булар сафида Абдулҳақ Абдуллаев ҳам бўлган. Табиий, қишлоқ меҳнаткашлари учун марказдан келган ҳамма ҳам эъзозда. Портретчи рассом учун эса бу сон-саноқсиз манба эди. Абдулҳақ Абдуллаев у пайтларни эслаб дейди:

— Ҳар бир сафарда турар жой, ейиш-ичишлар муҳайё, иззат-икром доим жойида. Ўзингиз биласиз, бизнинг халқ ўзи емаса емайди, бироқ меҳмоннинг қорнини тўйғизади, устини бут қилади. Ярим умрим шу хилдаги сафарларда ўтди ўша йиллари.

Ўйлайман: урушнинг оғир йиллари устни бут, қоринни тўқ қилиб иззат-икромда кун кечириш ўз йўлига. Бироқ Абдулҳақ Абдуллаевга ўхшаган кўнгли ҳис-туйғуларга тўла одам учун қишлоқларда юриб уруш оқибатларини — қора хат олиб додфарёд кўтариб, кўз ёш тўккан оналар, оёқдан ё қўлдан, баъзан кўзлардан ажралиб ногирон қайтган йигитларни кўриб азоб тортган элдошлар аҳволидан хабардор бўлиб юриш азоб эди. Бироқ нима бўлса ҳам бу давр рассом учун катта мактаб бўлди. У, эътирофига кўра, ўша йиллари 200 дан кўпроқ портретлар яратган. Улар ҳар хил кўргазмаларга қўйилиб юқори баҳоланган...

Суҳбат борган сари қизиб борарди. Мен бир маромда чой хўплайман, Абдулҳақ Абдуллаев эса ўз ҳаёт йўли, рассомчилик сирини эгаллаш тажрибалари хусусида гапириб чарчамасди.

— Э-э, дўстим, айтдим-ку, Сизга, мен ёмон мезбонман, — деди-да яна оҳиста ошхона томон чиқиб кетди. Бир неча дақиқадан кейин йирик-йирик тўртта олма қўйилган тарелкани олиб келиб олдимга қўйди.

— Ейсиз шу олмаларни, гапираверириб Сизни чарчатиб қўйдим. Иккаламиз ҳам дам олайлик, — деди табассум билан менга боқиб.

— Хўш, Абдулҳақ ака, кейин нима бўлди? Уруш йилларидаги тажрибангиз Сизга ишонч олиб келдими, рассомчиликнинг катта йўлига чиқиб олдингизми?

— Албатта, албатта, — деди алоҳида жонланиш билан у. Дўстимнинг юз-кўзларида табассум, кайфиятида хушҳоллик белгилари бор эди. — Бироқ бундан кейин ҳам ишларим кўнгилдагидек ривожланиб кетавермади. Машҳур шахслардан биринчи бўлиб уста Олим портретини ишладим, — деди у.

Бу иш ҳақидаги унинг ҳикояларидан шуни англадимки, уста Олим портрети унинг ижодида бир босқич бўлган. Кўргазмаларда, ҳатто Москва кўргазмаларида ҳам ёмон баҳоланмаган. Бироқ унинг бугунги эътирофига кўра бу улуғ санъаткор портрети ўртамиёна, композиция жиҳатдан зерикарли асар эди. Аммо бу ишнинг хизмати шу бўлдики, у



рассом учун машҳур шахслар томон йўл очиб берди.

«Машҳур кишилар» сериясидаги рассомнинг биринчи чинакам ютуғи Ойбек ва Аброр Ҳидоятовлар портретларини чизиш билан боғлиқ бўлди.

Ҳали мўйқалами унча машҳур бўлмаган рассомнинг Ойбекдек улуғ сиймо олдига бориб «Ўтиринг, сизнинг расмингизни чизаман» дейишининг ўзи жасорат эди. Бугун Ойбек шахсиятини яхши билган мунаққид сифатида шундай хулосага келаман: Ойбек бир жиҳатдан юксак маданиятли, бошқаларнинг эрк-ихтиёри билан ҳисоблашишни ўзига ор билавермайдиган, иккинчи жиҳатдан беҳад соддадил, бу жиҳатдан вилоятларда юриб Абдулҳақ Абдуллаев портретларини чизган оддий меҳнаткашлардан фарқ қилавермайдиган одам эди. Шу боисдан ёш рассомнинг Ойбек олдига бориб ўз ниятини билдириши у даражада қийин бўлмаган кўринди. Бошқа жиҳатдан шахс ва характер, тип жиҳатидан Ойбек рассом учун бир дунё эдики, бу ҳам ёш рассомнинг омади эди. Бугун ўша дамларни эслаб Абдулҳақ Абдуллаев деди:

— Инсон гўзаллиги аввало унинг кўзларида акс этади. Кўзлар борки, унда инсоният куч-қудрати булоқдек жўш ураётгандек кўринади. Ойбекнинг йирик кўзларида — одамнинг жон-танини тешиб ўтадиган нимадир бордек эди. Ойбек катта истеъдод, шунинг учун табиийки, унинг қарашлари бошқаларникига ўхшамасди. Мен Ойбекни биринчи гал кўрганимда одамни эмас, бургутни кўргандек бўлдим. Асрлар пардасига бекилган улуғ мутафаккир Навоий образини яратишда унга худди шу бургут кўзлар керак эди.

Ҳа, ёш рассом Ойбекни шу тарзда кўрди ва шу тарзда портретини яратди. Барча томошабинлар ҳам Ойбекни шундай тушунади. Бунга далил: 1973 йили Москвада ташкил қилинган кўргазма қатнашчиларидан бири ўз таассуротларини ёзади:

«Мен ёзувчи Ойбекни кўрмаганман. Энди мен уни кўраяпман. Назаримда у аниқ, беқиёс, қудратли шахс. Пешонаси кенг, кўзлари ўткир, лаблари бўртиқ, ўз ўйлари билан банд ижодкор. Катта ижодий қудрат эгаси.

Билмадим, ҳаётда Ойбек шундай бўлганми, йўқми. Бироқ мен уни худди шу тарзда кўрдим».

Абдулҳақ Абдуллаев ижодида «Уста Олим» йўл очиб берди, «Ойбек» санъат шоҳсупасига чиқарди.

Менинг тараддудга тушганимни кўриб:

— Кетмоқчимисиз, вақтингиз бўлдими? — деб қолди.

— Эртага бугун келган пайтимда келаман, — дедим-да ўрнимдан тура бошладим.

Эртаси айтган пайтимда етиб келдим. Бугун об-ҳаво бошқача! Ҳаво очиқ. Куёш чарақлаб турган, майин шабада эсиб юз-кўзларни силагандек бўлади.

Эшикни қоқдим.

— Очиқ, кираверинг! — деган майин овоз эшитилди.

Эшикни очдим. Абдулҳақ Абдуллаев тор ҳовлининг девор томонида темир каравотда омонатгина ўтирганига кўзим тушди. Устида хатиб-домлаларникига ўхшаш ҳаворанг сукнодан тикилган кенг халат, бошида сунъий теридан тайёрланган, атрофлари қирилиб, тикув иплари кўриниб қолган ҳаворанг телпак.

— Келдингизми? — деди у. Унинг юз-кўзларида табассум чексиз эди. Гўё у узоқ-узоқ йиллардан буён йўқотиб қўйган яқинларидан бирини топиб олгандек.

Уйга кирдик. Кечаги хона. Бугун вазият бошқача эди: столда дамланган чой, ликобчада сара олмалар, биттасида қоврилган тухум. Мезбонликни ўрнига қўймоқчи шекилли, деган фикр хаёлимдан ўтди.

Суҳбатнинг қолган жойидан бошланиши табиий эди.

Нима бўлганда ҳам суҳбат қизиди. Ҳатто бугун фикр олишувлар кечагига нисбатан ҳам қизиқарли эди.

ХХ аср ўзбек маданиятининг юксалиш даврида ҳали бу ёш рассом бахтига иккинчи бургутсифат сиймо бор эди. Бу — Аброр Ҳидоятов. 30-йилларда Шекспирнинг «Гамлет», «Отелло» драмаларида бош ролни ижро этиб шуҳрат қозониб, донг таратган бу актёр улуғ санъаткор эди. Бироқ у шахс сифатида Ойбекдан фарқ қилар эди. Бургутсифат Ойбекнинг бутун борлиғи, куч-қудрати ичида эди. Ундаги бор ботиний куч-қудратни, ички маънони юзага чиқариб томошабинга «мана ҳақиқий Ойбек» деб кўрсата билиш керак эди. Абдулҳақ Абдуллаев шу вазифани бажара олди. Аброр Ҳидоятовни бургутсифат бор куч ва қудрати унинг ташқи қиёфасида эди. Рассом бу улуғ шахснинг образини яратишда унинг ички дунёсига, ташқи куч ва қудратини таъминлаб турган ички манбаларга назар ташлаши керак эди. Абдулҳақ Абдуллаев бу вазифани бажаришга тайёр ҳисоблади ўзини.

Бироқ Аброр Ҳидоятов характер жиҳатдан мураккаб эди. Иш бошланиб маълум бир нуқтага етганда Аброр Ҳидоятов рассом олдида ўтиришдан бош тортади. Не умидлар билан бошланган иш ўлда-жўлда қолиб кетади. Рассом учун бундан ҳам оғир ҳолат бўлмаса керак. Фақат яна бир неча йил ўтгач, рассом Аброр Ҳидоятовнинг ишончини қозонишга муваффақ бўлади. Расмда биз Аброр Ҳидоятовни Отелло кийимида, яъни эндигина роль ўйнаб ҳордиқ чиқаришга, саҳна ортига чиққан ҳолда кўрамиз. Ўша қудратли важоҳат, ўша безовталик билан қаерларгадир тикилган ваҳимали кўзлар.

Аброр Ҳидоятов хусусидаги ҳаяжонли фикр олишувлардан кейин худди портретни эндигина тугатгандек тинчланди. Оғир ишдан кейин нафасини ростлаб олмоқчидек ўзини бўш қўйиб берди, бир-икки марта чуқур нафас олиб ўх тортиб ҳам қўйди. Билдимки, бу хилдаги фикр олишувлар ҳам азоб, ҳам роҳат! Ижодкор тақдири шу, ўзгача бўлиши мумкин эмас!

Абдулҳақ Абдуллаев янги ролга

кирмоқчи бўлган актёрларга ўхшаб тараддудланди. Бирор нарсани излагандек хона ичидаги ашёларни бирма-бир кўздан кечиргандек бўлди ва гапбошлади:

— Шоир Шайхзодани яхши биласиз, ўта маданиятли, саводхон одам! Навоийни сувдек ичган! Икки халқ маданияти мужассамланган унинг сиймосида. Мен уни жуда ҳурмат қилар эдим, — рассом яна бир пас жим қолди ва — биласизми, бир воқеа рўй бердию, ўз касби-коримдан хафа бўлиб кетдим, — деди.

Мен нима бўлгани билан қизиқдим. Менга айнан шу хилдаги воқеалар кераклигини ҳам билдирдим суҳбатдошимга. Воқеа бундай бўлган экан.

— Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йиллар бир гуруҳ маданият арбоблари — ёзувчи, рассом ва артистлар Хоразмда сафарда бўлишган. Бўш вақтларимизда Шайхзода ва Миртемир ака ўчаламиз Урганч кўчаларида сайр қилардик. Пайтини пойлаб Шайхзодага мурожаат этдим, унинг портретини чизиш ниятим борлигини билдирдим. Не ажабки, рад жавобини олдим. Ўсал аҳволда қолдим. Нима дейишимни ҳам билмадим. Ўз ҳунаримдан далил келтирмоқчи бўлдим.

— Ойбек портретини ишлаганман. Третьяков галереясида кўргазмада кўрсатилган ушбу портрет, — деб сўзимни тугатган эдим ҳамки, тезкорлик билан жавоб бўлди.

— Ойбекнинг обрўйи туфайли.

Шу билан суҳбатимиз тугади. Мен яна бир гал ўзимни ўсал ҳис қилдим. Ҳатто нафсониятим ҳам хийла оғринди. Гапимиз олишавермади. Сайримиз шу тарзда тугади.

— Йиллар ўтди. Фақат умрининг охирларида Шайхзодада менга нисбатан ишонч ҳосил бўлди шекилли, унинг портретини ишладим. Яхшигина портрет бўлди, — деб воқеа тафсилотини тугатди Абдулҳақ Абдуллаев.

Ҳар бир ҳунарнинг ўзига хос мураккабликлари, машаққатлари бор. Адабиёт ва санъатда бир сидра ёзиб эълон қилиш ва ёки кўргазмага қўйиш ҳоллари кам учрайди. Бор маълумотларга қараганда Абдулла Қодирий «Ўтган кунлар»ни бир сидра ёзиб эълон қилган экан. Бироқ бундай ютуққа ҳамма ҳам муяссар бўлавермайди. Адабиёт оламида кўпларга маълум маълумотлар бор: Лев Толстой ҳар бир асарини саккиз мартагача қайта кўчирар экан. Абдулла Қаҳҳор айрим бетларни 18 бор кўчирганини ўзи эътироф этган.

Хўш, рассомнинг иши-чи? Унинг қандай мураккабликлари ва машаққатлари бор?

Бу хусусда мен кўп маълумотларга эга эмасман. Бироқ кўрган-билганларим ҳақида қисқача маълумот беришни зарур кўраман.

Мен ҳам Абдулҳақ Абдуллаев рўпарасида кўрсатилган нуқтага тикилиб ўтириш бахтига муяссар бўлганларданман. Бу воқеа 1976 йили рўй берган. Унинг таклифи билан қарийб 3 ой давомида ҳафтада 3-4 кун устахонага қатнаганман. Ҳар кун 1,5-2 соат қилт этмасдан ўтириш керак бўларди. Аввало рассом оёқ устида туриб бўёқ тайёрлар, кейин мўйқалам учига бир томчи сувдек бўёқни илиб олиб бўёқдонда унга керак ранг берар ва билинар-билинмас бўёқни мато томон олиб бориб маълум бир шаклга келиб қолган расмнинг зарур жойига суртар, аксарият ҳолларда хиёл тегизиб дарров мўйқаламни олиб қочар, қарийб икки соат давомида иш шу тарзда борарди. Жисмоний ҳаракатлардан ташқари бу ишнинг бошқа мураккабликлари ҳам кўзга ташланарди. Қўлда мўйқалам баъзан 2-3 қадам орқага тисарилар, ўз ишига бир назар ташлаб яна олға қадам босар, айрим ҳолларда қош-кўзлар жиддий чимирилар, юз мускуллари ҳаракатга келгандек бўлиб, мураккаб бир масалани ечаётган одамнинг қиёфасига кирарди.

Бу ҳам майли! Узоқ муддатга мўлжалланган бу иш муваффақиятли чиқадими, йўқми буни на Сиз биласиз, на рассом. Шу тарзда кунлар, ойлар ўтади. Муваффақиятли чиқса хўб яхши, муваффақиятсиз чиқса 2-3 ойлик меҳнат бекорга кетди деган гап. Менинг портретимда худди шу ҳол рўй берди.

Иш охирлаб борган эди. Эрта-индин портрет тайёр бўлади деган сўзларни ҳам эшитган эдим. Шу аснода бир воқеа рўй берди. Одатдагидек устахонанинг бир бурчагида,



зарур йўсинда ўтирган эдим. Абдулҳақ Абдуллаев мўйқаламни ишга солаётиб, нима ҳақидадир мендан фикр сўраётганда ҳовлидан таниш овоз эшитилди. Бу менинг эски оғайним ва ҳамшаҳрим, профессор Аҳмад Сафоевнинг овози эди. Бир зумда биз ишлаётган ҳовли томон очиладиган деразага етиб келди. Ичкарига назар ташлади шекилли, мен уни кўрмадим, у — мени. Фаҳмладимки, биринчи галда у портретни кўрди ва ўзига хос баланд овоз билан деди:

— Ие, нима гап, Ҳамид Олимжон портретини қайта ишлаяпсизми?

Бу рассом учун, жумладан мен учун ҳам мусаффо осмонда момақалдироқ гулдираб, чақмоқ чаққандек гап эди. Аҳмад Сафоев деразанинг ўрталарига келди-да, менга кўзи тушди:

— Ие, ие, сенмидинг?! — дея мен билан сўраша кетди. Сўрашиб бўлгач «Бу сенинг портретинг экан-да, мен Ҳамид Олимжон деб ўйлабман», — деди. Иккаламизни ҳам ўнғайсизликдан чиқариш учун «Ўзинг ҳам ўхшайсан Ҳамид Олимжонга» деб қўшиб қўйди. Унинг охирги сўзлари шунчаки кўнгил учун айтилгани сезилиб турарди.

Абдулҳақ Абдуллаевнинг бу пайтдаги ҳолатини тасвирлашдан мен ожизман. Қўлида мўйқалам, гоҳ олға босиб, гоҳ орқага тисарилиб тўхтов-

сиз ишлаётган рассом бир зум ҳайкалдек қотиб қолди, портрет томон мўлжалланган қўл мўйқалам билан бирла муаллақ тўхтаб қолди. Шиддат билан гоҳ менга, гоҳ портретга тикиладиган ўткир кўзлар маъюслашиб мужмал ҳолатдан жонсизланган-дай бўлди. У энди мен 2-3 ой давомида кузатган моҳир рассом эмас, касби-кори номаълум бир кимса қиёфасида эди.

Шу билан бугунги иш соатимиз тугади. Эртасига айтилган соатга етиб келдим.

— Портретни тугатдим, уйингизга обориб чиройли жойга осиб бераман, — деди оқ матога ўраб қўйилган портретни олиб кўча томон йўл бошлади. Мен унга эргашдим. Бу портрет ҳанузгача меҳмонхонанинг тўрини безаб турибди.

Кунлар ўтди. Балки ойлар ҳам ўтгандир. Кунларнинг бирида уйга қўнғироқ бўлди. Абдулҳақ Абдуллаевнинг овозини танидим. Учрашиш истаги борлигини билдирди. Эртасига ишга келаётиб йўл-йўлакай уникига кириб ўтдим.

— Вақтингизни аяманг! Портретни янгидан ишлаймиз. Ишламасам кўнглим тинчимайдиганга ўхшайди, — деб қолди.

Яна иш янгидан бошланди.

Мана Сизга рассом ишининг мураккаблигию машаққатлиги. Қанча изланмасин, қанча меҳнат қилмасин, қилаётган иши бирор сабаб билан кўнгилга ўрнашмаса ундан воз кечиб юбориши ҳеч гап эмас! Бундай ҳолларда ҳеч нарса кўзга кўринмайди, на меҳнат, на ижод машаққати!

Бугунги суҳбатда бундан чорак аср муқаддам рўй берган бу воқеаларни эсладик. Гап орасида Абдулҳақ Абдуллаев эндиликда хиёл хорғин кўзларини менга қадаб:

— Ўша Ҳамид Олимжонга ўхшаш портретингизни соғиндим, бир кўрсам дейман, у ҳам менинг фарзандим-да! Умуман муваффақиятсиз ҳисоблаб тарқатган портретларимни йиғиб олсам яхши бўлар эди. Бироқ бунинг иложи йўқ-да, — деб нолигандек бўлди. Бугунги суҳбатимиз ҳам охирига етай деб қолган эди. Абдулҳақ Абдуллаев бирданига жонланиб юз-кўзларидан нур ўйнагандек бўлди-да: — Юринг Сизга бир нарса кўрсатаман, — деди ва ўрнидан туриб портретлар сақланадиган хона томон йўл бошлади. Бориб деворга осиғлиқ оқ пардани тортди. Бу «Она» портрети эди. Мен бу асар тарихидан хабардор эдим. Эллигинчи йилларнинг охирлари, олтмишинчи йилларнинг бошларида рассом бу ишни битказиш учун қарийб 10 йил вақт сарф этган. Расмдаги онанинг тарихи билан ҳам бироз танишман.

Рассомнинг отаси Абдуллахожи бадавлат одам бўлган экан. Қандайдир сабабларга кўра иккинчи бор уйланишга қарор қилган ва атроф қишлоқлардан қиз излаган. Қиз ақлли оиладан бўлиши керак. Токи бўладиган иккинчи жуфти ҳалоли унга ақлли, ўқимишли фарзанд ато этсин. Излаб-излаб Икон номли қишлоқдан мулла Бинямин деган одамнинг қизига назари тушган ва шунга уйланган. Ўша иккинчи жуфти ҳалолидан Абдулҳақ туғилган. Афсуски у 3 ёшга етар-етмас ота вафот этади. Бола етим қолади. Ёш жувон бошқа оила қуради.

«Она» портретини мен илгари ҳам кўрганман, томошабин сифатида, албатта. Бугун мени бу портрет маъноси, рассом маҳорати қизиқтирди.

Ҳаётнинг аччиқ-чучугини обдон тотиб кўрган, аср бошларида рўй берган чексиз азобларни бошидан ўтказган муштипар она қиёфаси олдимда турарди. Бошида эркин ташлаб қўйилган оқ рўмол, устида гуллари кўзга ташланавермайдиган кўйлак, тиззалари букик, улар устида қон томирлари бўртиб турган озғин қўллари устма-уст, юзлари сержажин, ўйчан кўзлари пастга қараган...

Бу XX асрнинг ўрталарида яшаган, тўғриоғи, кечаю кундуз тинмай меҳнат қилиб, нималарнидир орзу қилиб кўп ниятларига эриша олмаган ўзбек онаси. У ҳозир ўз ўйлари билан банд. Ким билади у нималарни ўйлаяпти. Бу маъюс қиёфа, ғамгин нигоҳ тагига яширинган дардлар сонсиз-саноқсиз! Портретни кўрган киши онанинг ғам-ғуссалари, қайғуаламларига шерик ҳисоблайди ўзини.

«Она» портрети олдида туриб она ва оналар хусусида анчагина фикрлашдик. Фикр олишувлар бир нуқтага бориб етди шекилли Абдулҳақ Абдуллаев иккинчи томондаги деворларга осиғлиқ қоғозлар томон ишора қилди. У ерга борди-да шеър шаклида ёзилган сўзларни кўтаринки оҳангда ўқий кетди... Мен уни жўнроқ шаклда кўчиришни лозим кўрдим. «Она шундай улуғ зотки, замонлар ва маконлар ичра ҳокимадир у. Гоҳ чароғон қуёш сингари бошимизга меҳр билан нур сочади, гоҳ ой каби жаҳоний дардлар ичра мунгли кезади».



«Она» портретига бағишланган муаллиф изоҳи, яна аниқроғи, портрет билан бирга пайдо бўлган она мадҳи эди бу сўзлар.

Деворда онага бағишланган шеър билан ёнма-ён катта портрет осиғлиқ турибди. Бу — автопортрет. Расмда Абдулҳақ бутун бўй-басти билан тасвирланган.

Юқорида биз «тажриба майдони» деган иборани ишлатган эдик. Бу муаллифнинг автопортретлари эди. Шу нарса характерлики, 60 йилдан кўпроқ ижодий биографиясида рассом бир дақиқа ҳам ўзини, ўз қиёфасини унутган эмас. Рассом сифатида ўз ютуқларини, энг муҳими, сабоқ бўларлик ўз камчиликларини ўз портретларидан излаган. Катта форматда нашр қилинган «Гўзалликка чанқоқлик» китобининг жилдида бошида хиёл қия турган дўппи, ўзига хос табассум билан сизга боқиб турган Абдулҳақ Абдуллаевга кўзингиз тушади. Бу ҳам етмагандек китобнинг орқа томонида жилднинг биринчи сиртидагидан тамом фарқ қиладиган расмни кўрасиз. Бу ерда у жиддий. Катта, ўйчан кўзлар портрет эгасининг чуқур ўй ва хаёлларидан дарак бериб турарди. Ёқаси очиқ, устида қизил рангли жакет, чапқўлида таёқча. Бу ҳол портрет яратилишидаги шакл эркинлигидан дарак. Китобнинг бошқа бир жойида муаллиф очиқ ёқа, қизил жакетда, ўша кўз қарашлар, сочлари ярми тўкилган тепакал шаклда. Китобнинг бошқа бир



жойида у қиш кийимида, устида пальто, бошида қоракўл телпак. Рассом умр бўйи ўзига «маҳлиё». Ўзини ҳар хил ҳолатда, ҳар хил кийимда кўргиси келади. У ўзини сомбреро шляпасидан ташқари гоҳ қирғиз телпакда, ҳатто саллада ҳам кўради. Уларнинг барчасида кўз, назар теран! Айрим ҳолларда уни биз қўлида мўйқалам, кимгадир тикилиб — нималардир излаётган алпозда кўрамиз. У расмларда гоҳ навқирон ёш йигит, гоҳ ҳаётда анча тажриба орттирган, ёшулли. Бироқ рассом ҳаётининг қайси фаслида бўлмасин, уни биз қайси ҳолатда, қайси миллат кийимида кўрмайлик кўз, назар бир хил — жиддий, теран, ўткир. Шу кўзлар ҳар хил шаклдаги автопортретларни бирлаштиради, умумлаштиради. Автопортретларнинг барчасида ўз ишига, санъатига берилган, мўйқаламига садоқатли инсон — рассомни кўрамиз. Автопортретга ёнма-ён бутун бўйича акс эттирилган бошқа бир портрет ҳам бор. Бу рассомнинг шоҳ асари — Алишер Навоий портрети. Навоий — хийла бўйдор, хушбичим сиймо бўлиб кўзга ташланади. Бошида оппоқ салла, устида енги калта ҳаворанг чакмон, шоирнинг ҳасса устига эркин қўйилган икки қўли кўксида. Ўзига ярашиб турган, унча ўсиқ бўлмаган мош-гуруч соқол-мўйлов, кўзлар маънодор, узоқ-узоқларга назар ташлаб бутун борлиқ — ҳаёту коинот сирларини билиб олишни ўзига мақсад қилиб қўйган одамдек. Бу улуғ сиймони рассом шу тарзда кўрарди ва бошқаларга ҳам шу тарзда кўрсатади.

Бу беназир асар тарихи билан қизиқмоқчи бўлсангиз рассом мароқ билан гап бошлайди:

— Бу асар учун мен умримни бағишладим. Қарийб ўттиз йиллик меҳнатим бу. Ўнлаб чизмалар, нусхаларга вақт сарф қилганман. Сарф қилган вақтларимга ачинмайман. Бу иш менга доим илҳом бағишлаган, кайфиятимга кайфият қўшган.

Алишер Навоийнинг мазкур портретини кўрган одам ҳар гал завқ ва шавқ билан тўлиб-тошиб, бу улуғ аждодимиздан фахрланиши турган гап.

Бу портрет таассуротини сусайтирмаслик мақсадида ўтирган кичик хонага қайтдик. Мақсад архив титиб кўриш эди. Абдулҳақ Абдуллаев эскириб кетган бир папкани очди. Ундан ранги сарғайиб кетган бир неча газета бўлагини топиб олди-да, олдимга қўйди.

— Мана, ўқиб кўринг! — деди у.

Мен газета парчасини кўздан кечирдим. Унда бошида салла, тим қора кўз, қора соқолли Алишер Навоий портретига кўзим тушди. Эгнида тўғри ёқали чакмон — тагидан доира ёқали оқ кўйлакнинг юқори қисми кўриниб турибди. Абдулҳақ Абдуллаевнинг «Совет Ўзбекистони» (1968 йил, февраль сонларидан бири) газетасининг мухбири Юсупов билан қилган мулоқотида қуйидагиларни баён қилган.


— Навоий сиймосини яратишни бундан саккиз йил аввал бошлаганман, шундан бери қатор эскизлар яратдим. Шоир образини турли вазиятда талқин этиб кўрдим. «Навоий ижод устида», «Шоир хаёл сурмоқда», «Навоий сокин тунда», «Ҳирот тонги», «Устоз ва шогирдлар...»

Мақолада Алишер Навоийнинг бизгача етиб келган бирдан-бир портрети мавжудлиги ва Маҳмуд Музаҳҳиб мўйқаламига тегишли бўлиб, шоирнинг барча ҳолатларига ўша расм таянч бўлганини айтган экан.

— Қани ўша портрет? — Нимагадир овозим одатдагидан баландроқ чиққандек кўринди ўзимга.

— Сиз ҳам менга ўхшагансиз-да, зарур нарсаларни қўл билан тутиб кўз билан кўрмагунча қўймайсиз, — деди ўрнидан кўзғалаётиб рассом.

(Давоми бор)



Ўрта Осиё халқларининг бадиий ҳунармандчилиги қадимий анъаналарига эга. Айниқса зардўзлик, гиламдўзлик, кулолчилик, мисгарлик, заргарлик, ёғоч ўймакорлик, сангтарошлик ва кўнчилик кенг ривож топган.

Металлга ишлов беришда бронзадан буюмлар яратиш — ҳунармандчилик турлари ичида алоҳида ўрин эгаллайди. Ушбу ҳунармандчилик тури Бухоро ва Самарқандда кандакорлик, Фарғона водийси ва Тошкентда рихтагарлик деб аталади.

Мисгарлик ҳам металлдан ишланган ҳунарлар ичида муҳим ўрин эгаллайди. XIX аср ўрталарида Хивада 200 та мисгар, Бухорода 400 та мисгар-ҳунармандлар бор эди. Мисдан тайёрланган буюмлар учун қизил ва сариқ мис-биринжидан фойдаланишган. Ундан чойдиш, кўза, чойнак ва самоварлар, коса, шарбат-коса, лаган ва товоқлар; баркаш, лаъли, саври, кашкул ва сатиллар; чўмич, сарҳуми, дўлча ва капгирлар; ювиниш учун офтоба, обдаста ва қумғонлар; дастшўй, чилопчин ва селобчалар; туфдон, довул ва ғалладонлар, қутича ва сандиқчалар; мис чилим ва қаламдонлар ҳамда кўпгина буюмлар яратилган.

Туркистонда бадиий ҳунармандчилик

XIX аср охири XX аср бошларида қимматбаҳо металларга ишлов бериш — заргарлик-ҳунармандчиликнинг ривожланган турларидан бири эди. Заргарлик буюмлари асосан кумушдан ишланарди. Қашқардан маржон, Польшадан кумуш, турли ранг ва шаклдаги шиша ва феруза тошлари сотиб олинарди.

Заргарлик буюмлари турли-туманлиги билан ажралиб турарди. Аёлларнинг бош безаклари — тиллақош Бухоро ва Тошкентда, пешона безаги — осмадўзи Хоразмда, тиллабарғак — Бухоро, Тошкент, Самарқанд, Фарғона водийсининг баъзи ҳудудларида кенг тарқалган. Билакузуклар ҳам кўплаб тайёрланарди. Уларнинг катта, ҳажмдор ва оғирлари Хоразмда, бурма шабакалар Бухоро, Самарқандда, нозик ўйма нақшли енгил қоратмир билакузуклар Тошкент ва Фарғона водийсида ишланарди.

Зираклар — энг севимли безаклардан бири. Тошкент зираклари катта ва нафис айланага бириктирилган осмалардан иборат бўлиб, Самарқандники фақат шаклан фарқланарди. Бухоро олтин зираклари «шибирмак»лар япроқсимон шаклда бўлиб, марказдаги катта ёқут тоши марваридлар билан ўралган. Фарғона водийсида олтин ва кумуш зираклар, қашқар балдоқлар, ой шаклидаги балдоқлар кенг тарқалган эди. Олтин зираклар — «булоқи» билан аёллар ўзини безатардилар.

Кулолчилик Ўрта Осиёнинг энг қадимги ва кенг ривож топган ҳунармандчилик туридир. XIX асрда кулолчилик буюмларидан шаҳар ва қишлоқ аҳолиси фойдаланарди. Бу эса кулолчиликнинг яхши ривожини белгилаб берди. Асосий марказлар Бухоро, Риштон ва Самарқанд бўлиб, Қўқон, Андижон, Наманган, Қарши, Тошкент, Денов ва бошқа шаҳарларда ҳам ишлаб чиқарилларди.

Кулолчилик сирланган ва сирсиз турларга бўлинарди. Идиш-товоқлардан кўза, кўзачалар, хумлар, тоғоралар, ҳурмалар, гулдонлар ва ҳоказо буюмлар ясаларди. Четдан фабрика буюмлари олиб кирилиши кенгайгандан сўнг кулолчилик тушкунликка юз тутади. Бу хусусият бадиий жиҳатдан услуб софлиги йўқолиши билан белгиланади.

Ҳунармандчиликнинг яна бир тури — тўқимачилик жуда бой тарихий анъанага эга бўлиб, унинг юксак намуналари XX асрнинг 20-йилларигача халқ ижодиётининг энг ривожланган соҳаси эди. Унинг ашёлари Ўрта Осиё ташқарисида ҳам катта шуҳрат қозонди. Бу ҳунар билан Туркистон уста-ҳунармандларининг энг кўп қисми шуғулланарди. Мато ишлаб чиқариш ҳунармандчилиги 2 асосий турга бўлинади: энг кўп тарқалган чит матолар ва қимматбаҳо, ҳашаматли ипак матолардир. Чит матоларни асосан аёллар ишлаб чиқарарди. Ипак ва яримипак матолар билан эркаклар шуғулланарди. XIX аср охирида Фарғона водийсининг ипакчилик ҳунари энг йирик марказ бўлган. 1896 йилда Марғилон, Наманган ва Қўқонда 600 та ипакчилик устахонаси мавжуд бўлиб, уларда 3165 та уста фаолият кўрсатган.

XIX аср ўрталари XX аср бошларида Туркистон халқлари турмушида каштачилик кенг тарқалди. Кўпгина мамлакатларга ҳашаматли сўзаналар, дўппилар, жияклар, каштачиликнинг ҳар хил майда турлари экспорт қилинди. Кашта билан уй-жой, кийим-бош, рўзғор буюмлари безатилди.

Туркистон ҳудудида каштачиликнинг бир неча турлари шаклланди. Ҳар бир ҳудуд, яъни мактаб ўзининг алоҳида безаклари ва чокларига эга бўлган. XIX аср охирида анилин бўёқлар ёрдамида ранг бериш кенг тарқалди. Бу эса ўз ўрнида каштачиликнинг сифатини ёмонлашувига олиб келади.

XIX асрда зардўзлик санъати гуллади. Зардўзлик ҳунари билан асосан сарой аҳли кийим-боши ҳамда аҳолининг юқори табақасининг уй-рўзғор буюмлари безатиларди. Бу санъат турида калобатун деб номланган олтин ёки кумуш иплар ёрдамида ажойиб асарлар яратилади. Бу давр каштачилигида зардўзи заминдўзи, XX асрда эса зардўзи гулдўзи тури ривожланиб, унда нақш бўлаклари олтин иплар ёрдамида қуба шаклида тикилади.

Туркистон халқларининг гиламдўзлик анъаналари бой ва хилма-хилдир. Унинг 3 та асосий тури маълумдир: гилам, жулхирс, палос.

XIX аср ўрталари XX аср бошларида Бухоро гиламлари нақшларининг бойлиги ва ранго-ранглиги, катта ҳажми ва узун патлилиги билан ажралиб турарди. Самарқанд ва Сирдарё вилоятларида гиламлар содда нақшли, қизғиш, қора-кўк ранглардан бўларди. Самарқанд гиламларининг бир неча турлари мавжуд. Марказида бир хил нақшлар билан тўлдирилган саккиз бурчакли медальон жойлашган қалин гиламлар диққатга сазовордир. Қалқон нусха медальонлар энг кўпучрайдиган безак бўлган. Нурота тумани учун ўрта ҳажмдаги юмшоқ жулхирс гиламлар хос бўлган. Фарғона водийсининг баъзи қишлоқларида қизил ва кўк ранглардаги гиламлар тўқилган.

Бадиий ҳунармандчиликнинг юқори ўринларидан бирини ёғоч ўймакорлиги эгаллайди. Ёғоч нақш ўймакорлиги ёғоч чиқаришнинг юқори ривож топган қисмидан иборатдир. Ёғоч нақш ўймакорлиги турли рўзғор анжомлари: сандиқчалар, тахмон, қутича, хонтахта, стол, курсилар ва бошқа буюмларни безатади. Ўсимликсимон-ислимий ва ҳандасавий (геометрик) нозик безаклар анъанавий ажойиб композицияларга айланади. Ёғоч ўймакорлиги учун қайрағоч, ёнғоқ, арча, тут ва бошқа маҳаллий дарахтлар ишлатилади. Нақш ўймакорлигининг асосий уч тури мавжуддир: бағдоди, ислими ва паргори.

XIX аср ўрталари XX аср бошларида Туркистон бадиий ҳунармандчилиги ишлаб чиқаришнинг ўрта аср усуллари ва қўл меҳнатига асосланган эди. Аммо истеъдодли халқ усталари ва ҳунармандларининг ижоди туфайли тезкор равишда ривожланди. Ҳунармандлар қадимда шаклланган анъаналарни асраб-авайлаб бугунги кунгача давом эттирдилар ва давом эттирмоқдалар.

Мунира ЖАМИЛОВА,
Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти ходими

O'z R D kutubxonasi
Milliy bibliografiya bo'limi

ФАЛСАФА ВА ФАЙЛАСУФЛАР ЁХУД ФИКРЛАШ АЗОБИ

Донишмандлар – муҳим файласуф,
файласуфлар – гоҳо донишманд.
Лао Цзи



Донишманд файласуф олдин фикр излайди, кейин ёзади. У гоҳо ёзмаслиги ҳам мумкин, лекин ҳикмат излашдан тинмайди. Ҳожатманд файласуф олдин ёзади, кейин фикрлайди. У гоҳо фикрламаслиги ҳам мумкин, аммо ёзишдан тўхтамайди.

* * *

Донишманд файласуф заҳмат чекиб, ўзини топади, ҳожатманд файласуф эса унвон излаб, улуғлик истаб ўзини йўқотади. Инсон тафаккурининг ҳайратомузлиги шундаки, ўзини топган ҳам доноликка даъвогар, ўзини йўқотган ҳам.

* * *

Ҳожатманд файласуф ўрнини жамиятшунос, ахлоқшунос, ҳатто табиатшунос ҳам босиши мумкин, аммо донишманднинг ўрнини фақат донишманд босади.

* * *

Диссертация ёқлаб ҳаким бўлганни учратганим йўқ, лекин диссертация ёқлаб ҳоким бўлганлар, ҳакамлик қилганлар сонсиз-саноқсиз.

* * *

Мантиқсизликдан мантиқ, маънисизликдан маъно, ғофилликдан оқиллик қидириш жамиятни айнитади.

* * *

Фалсафага оид бўлмаган олам ҳам йўқ, одамлар ҳам йўқ. Мавзу ҳам йўқ, мазмун ҳам йўқ. Аммо ҳамма сир улардан ҳикмат топишда.

* * *

Пифагор фалсафани донишмандлик илми деб атаган эди. Шундан буён баҳс тинмайди. Фалсафа донишмандликми, илмми?

* * *

Фалсафа нима? Жавоблар кўп. Таърифлар ҳам кўп. Лекин хеч биридан кўнглинг тўлмайди. Балки шунинг ўзи — жавоб, шунинг ўзи таърифдир?

* * *

«Аввал яша, кейин донишмандлик қил» (Қадимги ҳинд ҳикматларидан). Э-воҳ, қани ўша чегара?

* * *

Фалсафанинг икки қудратли қаноти бор: бири — руҳият ва бадиият, иккинчиси — амалият ва ақлият. Руҳият ва бадиятдан узоқ курумсоқ ақл ўткинчи амалиятга банди бўлиб қолади; амалият ва ақлиятга бегона руҳият бадиятга ҳам бегонадир. Шунинг учун, деб маслаҳат беради Албер Камю, «файласуф бўлишни истасангиз романлар ёзинг».

* * *

«Фалсафа фан эмас. Фан бўлмаслиги ҳам керак... Фан заруриятга итоаткорликдир. Фалсафа эса заруриятга инсон руҳи бандлигининг аксидир. Ҳақиқий файласуф-донишмандлар ҳеч қачон заруриятга банди бўлмаганлар» (Н.Бердяев). Эҳе, ушбу ҳикматлар моҳиятига етиш учун бир кун, ҳеч бўлмаса бир соат серғалва ва серғавғо ҳаёт зарурияларидан ҳоли яшаб кўриш керак.

* * *

Фаранг қироли Спинозага дебди: — Бирор асарингни менга бағишласанг умринг охиригача нафақа тайинлайман.
Донишманд жавоб берибди: — Мен асарларимни фақат Ҳақиқатга бағишлайман...

* * *

Эрк ва ҳурфикрликнинг илк қурбонлари донишмандлар бўлган.

* * *

«Бир фикрга таянган, бир фикрга эргашган, бир шахс фикрлари маъқулланган жойда бир фикр ҳукмрон бўлади. Бир фикр эса адашиши турган гап» (Форобий). Боқийлик сўқмоқларида адашмаслик, ўзгаларнинг фикрига банди ва ўзгаларнинг найрангларига қурбон бўлмаслик учун ҳар кимга бетакрор руҳий қудрат, бетакрор тафаккур ва шижоат берилган. Фалсафа ана шу бетакрор имкониятлардан дурдоналар топишга қодир жисму вужудингдаги илоҳий сифатларни сийқа даъватларга қарши чархлаб туради.

* * *

Фалсафанинг юраги — муаммо, савол. Шуур нима? Ақлу тафаккуримизнинг ранг-баранглиги қайдан? Боқийлик тимсоли — ҳаёт, умр ўлим олдида ожиз. Нега? Менга азоб берадиган ўйлар, туйғулар бошқа бировларга шоду хуррамлик бахш этади. Хўш, бунинг сири нимада? Агар ҳар нарсадан Огоҳ, ҳар нарсага Қодир, ҳар нарсадан Қудратли бор бўлса, ўйлаб ўйининг тубига етолмайдиган, яратиб кўнгли тўлмайдиган, йиғиб нафси тўймайдиган «менга» не ҳожат? Мураттабни номураттаб, боадабни беадаб, донишмандни эса жоҳил доимо мағлуб этиб келади. Акс ҳолда Исо алайҳиссалом: «Ўликни тирилтиришга қурбим етди, лекин нодоннинг даъвосига ожиз қолдим» деб тан олар-

миди? Ушбу муаммо ва саволларни кимдир одам вужудига жо этиб, унинг устидан кулишга ахд қилган.

* * *

Фалсафада торкўчалар, айланма-кўчалар, жинкўчалар, берк кўчалар кўп. Унда шоҳ кўча йўқ. Агар бор бўлса, унда юриш донишмандларга насиб этмаган.

* * *

Гоҳо фикрлашдан, ёзишдан, ҳатто яшашдан ҳам безаман. Қандай бераҳм куч фикр излаш азобига дучор этаётганини топмоқ истайман. Бефойда, тополмайман. Ўзимни ожиз сезиб кимсасиз саҳрогами ёки беғам тентаклар дунёсигами бош олиб кетгум келади. «Ҳаёт — бемаънилик» (А.Камю), деб ишонтирмоқчи бўламан ўзимни. Минг оҳим, тўрт дақиқа ўтмай, руҳимга яширин ўша бераҳм куч мени тағин ўйлашга мажбур этади. О, фикрлаш азоби! Бу қандай азоб?! Ҳанузгача тополмайман — мен фикрларимга бандиманми ёки фикрларим менга? Ким кимга муҳтож — мен фикрларимгами ёки фикрларим менга? Ким кимга мададкор — мен фикрларимгами ёки фикрларим менга?...

* * *

Ўз-ўзимга ўгитларим: 1. Ҳикмат изла! Ҳикмат топмаган куннинг абас кетгай, абас! 2. Олдин фикр изла, кейин ёз. Фикри ғализнинг сўзи ғализ. 3. Ҳамма бир-бирига шогирд, бир-бирига устоз. Фақат сен ҳаммага шогирд бўлиб яшашга маҳкумсан. 4. Қувонч ва ўкинчдан қочма. Қувончни умр они бил, ўкинчни ижод жони. 5. Муҳтожликдан қўрқма. Аламли ўйларгина боқийликка талпиниб яшашга ўргатади. 6. Ҳақни ёз, адлни ёз. Куйиб ёз, кулиб ёз. Ҳасрат билан ёз, ҳайрат билан ёз. Бироқ унутма: ҳаёт устидан ҳукм чиқариш ҳуқуқи сенга берилмаган. 7. Маддоҳларга эргашма, лекин улардан қандай яшамасликни ўргансанг арзийди. 8. Кўп тингла, кўп ўйла, кўп изла. Топганларинг бари ўзингники бўлгач, дод-фарёд сол. Шунда ҳам додинг, фарёдинг фақат ўз қалбингдаги дардчил ва нафис туйғуларни уйғотишдан бошқасига умид қилма.

* * *

— Донишмандликни кимдан ўрганиш мумкин? — деб сўрашибди шогирдлари Конфуцийдан.

— Ким кўп ва хўб яратган бўлса ўшандан, — деб жавоб берибди донишманд.

Виктор АЛИМАСОВ

ЗАРДЎЗЛИК

тўгаракларини ташкил этиш

Ёш авлоднинг ҳар томонлама камол топишида эстетик ва бадиий тарбия алоҳида ўрин тутади. Бу тарбияни амалга оширишда мактаблар ва мактабдан ташқари муассасаларда халқ амалий санъатининг кенг тарқалган турларидан наққошлик, кулолчилик, мисгарлик, ганчкорлик, ёғоч ўймакорлиги, каштачилик қатори миллий зардўзлик ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Халқимизда шундай нақллар бор: «Ҳунардан унар», «Ҳунари йўқ кишининг, маъзаси йўқ ишининг».

Республикамизда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг асосий омили бўлган мутахассис кадрларни тарбиялашнинг асосий йўриқномаси 1997 йил Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида қабул қилинган «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»да касб-ҳунар таълими тизимини янгилашга катта эътибор берилди.

Ҳозирги кунда халқ амалий санъатининг энг оммавий турларидан бири бўлиб бораётган зардўзликдан умумтаълим мактаблари, ўқувчилар уйлари ва саройларидаги тўгаракларда иш олиб борилмоқда, лекин ҳозиргача умумтаълим мактаблари ва мактабдан ташқари муассасаларда зардўзлик тўгараклари ишини режали амалга ошириш учун ҳатто махсус дастурнинг йўқлиги айрим қийинчиликларни келтириб чиқармоқда.

Зардўзлик санъатига бўлган муҳаббатни уйғотиш, ўқувчиларга зардўзлик санъати ва унинг турларини, ҳар хил композициялар чизишни ўргатиш, уларда санъатга хос кўникма ва малакаларни шакллантириш, гўзалликни ҳис қилиш, меҳнатга муҳаббатни тарбиялаш ва келгусида уларнинг касб танлашига ёрдам беради.

Зардўзлик тўгараги машғулотлариы ўқувчиларнинг ёши, қобилияти ва билим даражасини ҳисобга олиб, кичик, ўрта ва катта гуруҳга бўлиб ўргатилади.

Бир йиллик машғулотлар учун кичик гуруҳда 144 соат, ўрта ва катта гуруҳларда 216 соатдан вақт ажратилади.

Машғулот ўтадиган хона ёруғ ва тоза бўлиши керак: синф тахтаси, ҳар хил стендлар, кўргазмали тайёр либослар, керакли материал — хом ашёлар бўлиши лозим.

Зардўзлик тўгарагини тасвирий санъат ўқитувчиси, зардўзи усталар олиб бориши мумкин. Қатнашувчиларни гуруҳларга бўлишда ҳар бир гуруҳда 5-6 та ўқувчи бўлгани маъқул. Ўқувчиларни зардўзликда ишлатиладиган нақш композициясини ишлашда нақш унсурларини чизишга ўргатиш орқали уларнинг мустақил нақш тузиш, ижодий қобилиятларини ривожлантириш, маънавий гўзалликни ҳис қилиш ва олдинги машғулотларда олган билимларини мустаҳкамлашга эришилади.

Зардўзи нақш композициясини ишлаш учун бир неча нақш композицияси чизиб машқ қилинади ва энг яхшиси танлаб олинади. Юпқа қоғоз ёрдамида картонга ёки чармга туширилади. Сўнгра гулбўри қилиниб, ёни қирқилади. машғулот савол-жавоб, суҳбат шаклида ва амалий иш тарзида олиб борилади, тўгарак раҳбари синф тахтасидаги нақшни ўқувчиларга тушунтириб, улардан камида 4-5 тасини хоҳишига қараб нақш элементларини чиздириб кўрилади. Камчиликлар тўгарак раҳбари томонидан тўғриланади ва маслаҳат берилади.

Ўзбек халқ амалий санъати ҳам санъат, ҳам ҳунардир. У асрлар давомида сайқалланиб ота-боболаримиз, момоларимиз томонидан кўз қорачиғидай асраб-авайлаб келинди. Бугунги ёш авлод эса зардўзлик санъатидан баҳра олиб, турмушларини гўзал қилишга ҳақлидирлар.

Лола АБДУРАҲИМОВА



Яхшидан боғ қолади

Халқимиз эркинлик ва мустақилликка эришгач, дунёдаги кўплаб ривожланган мамлакатлар Ўзбекистонни тан олмоқда. Хориж билан иқтисодий ва маданий ҳамкорликни ривожлантириш, замонавий алоқа воситаларини бошқариш учун чуқур билимга эга маҳаллий кадрлар зарур эканлигини ҳозирги кунимиз талаб этмоқда. Ўзаро ҳамкорликни алоқа тизимисиз, яъни телефон, телеграф, телевидение, почта ва бошқа энг замонавий алоқа воситаларисиз амалга ошириб бўлмайди.

Муаттар Асқарова — Тошкент Электротехника алоқа институтининг доценти, техника фанлари номзоди, «Шуҳрат» ордени билан мукофотланган, ўзбек аёллари ичида биринчи муҳандис-алоқачи олима эди. Муаттар опа 1952 йилда Москва алоқа электротехника институтининг телефон-телеграф алоқаси факультетига кириб, уни 1957 йили имтиёзли диплом билан якунлади. Тошкентдаги марказий телеграфга навбатчи-муҳандис этиб юборилди. У Ўзбекистонда биринчи дипломли муҳандис-алоқачи маҳаллий қизлардан эди. Хабар-алоқа одамзод учун ижтимоий зарурат эканлиги тарихдан маълум. Бобомиз Амур Темур ўз «Тузуклари»да хабар тўғрисида бундай дейди: «Амр қилдимки... мингта чаққон сипоҳийни чопар этиб тайинласинларки, турли мамлакатлар, сарҳадларнинг хабарларини билиб, ҳузуримга келиб хабар қилсинлар, токи бирор воқеа, корҳол юз бермасидан бурун чора ва иложини қилайлик».

Ўлкамизда алоқа тизимининг ривожланиши чоризм ва коммунистлар ҳукмронлиги даврида, кўпроқ уларнинг манфаати йўлида хизмат қилганлиги, алоқа тизими соҳасида асосан русийзабон кадрлар турганлиги маълум. Истиқлол бизга ўзлигимизни қайтариб берди. Айниқса, алоқа тармоғини ривожлантиришга кенг имкониятлар очди. Илгари хорижий давлатлар билан телефон, почта ва бошқа алоқаларимиз фақат Москва орқали амалга ошириларди. Мустақилликка эришгач, энди бу юмушлар ўзимизда эркин амалга оширилмоқда. Шу боисдан, мустақил Ўзбекистонимиз алоқа тизимларига келтирилаётган чет эл технологияларининг айрим намуналарини ўрганиш, уларни алоҳида ва қўшма корхоналарда ишлатиш ҳар бир алоқачи-мутахассисдан чуқур билим ва тажрибани талаб этади. Мамлакатимиздаги энг иқтидорли ёшларнинг Финляндия, Франция, Германия, Туркия ва Япония каби давлатларда ўқиши, тажриба ўрганиши ва илмий савиясини ошириши таҳсинга сазовордир, деган эди Муаттар Асқарова.

Илгарилари ўқув жараёнлари асосан рус тилида олиб борилганлиги учун вилоятлардан келган кўплаб иқтидорли ёшлар институтни ташлаб кетишга, бошқа соҳаларда ишлашга мажбур бўлишарди. Бунинг устига ҳамма кўрсатмалар марказдан келарди. Рус биродарларимизнинг кўрсатмаларисиз бирор ўқув жараёнини бажара олмасдан қийналаётганлигимизни тушуниб етган Муаттар Асқарова маҳаллий кадрларга ўз она тилимизда қўшимча дарс ва амалий машғулотлар ўтарди.

— Президентимиз томонидан берилаётган катта эътибор, «Таълим тўғрисида»ги қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талабларига мос ишлашимизни талаб қилаяпти. Мана, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига қуриб берилаётган жаҳон андозаларига жавоб берадиган янги замонавий бинолarни кўринг. Ўқувчи-талабалар шуларга жавобан билим эгаллаши, тил ўрганиши, жаҳонни кўришга интилишлари керак, — дейди Муаттар Асқаровaнинг собиқ талабаси, ҳозирда Тошкент Электротехника алоқа институтининг телеинформатика тизимлари кафедраси катта ўқитувчиси Тамара опа Турсунхўжаева.

Мустақиллик натижасида кўпгина чет давлатлар билан замонавий алоқа хизматини ўрнатувчи Ўзбек-Америка қўшма корхонаси очилиши, Туркиянинг почта, телеграф, телефон тармоқлари ва Фарангистоннинг «Аепопател» ширкати ўртасида имзоланган шартномага биноан қурилган «Турксат» Туркия сунъий йўлдоши тайёрланиши натижасида 12 та телевизион каналда Оврўпо ва Марказий Осиё кўрсатувларини кўриш, 20 та стерео-каналларнинг эшиттиришларини тинглаш, бошқа мамлакатлар билан телефон алоқасини ўрнатиш имкониятига эга бўлдик.

— Муаттар Асқарова 35 йиллик илмий-педагогик хизмати мобайнида 30 дан ортиқ ўқув-услубий қўлланмалар, алоқа техникалари учун илмий ишланмалар, шу соҳага керакли илмий кадрлар тайёрлашда ўз билим ва кучини аямади. 21 та янги илмий ишланмалар муаллифи, юзлаб диплом ишларига илмий раҳбарлик қилган ёшлар мураббийси эди, — деб эслайди унинг собиқ талабаларидан бири, Тошкент Электротехника алоқа институтининг лаборатория мудири Мунира опа Раҳмонбердиева.

М.Асқарова талабаларни жуда ҳам яхши кўрарди, улар билан мутахассислик, қадриятларимиз ва маънавиятимиз тўғрисида соатлаб суҳбатлар ўтказарди. Мен ҳам шу институтда ўқиганлигимдан, устозимиз Муаттар Асқарова қўлида таълим олганлигимдан фахрланаман. Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги бош директорининг биринчи муовини А.Орипов опани шундай хотирлайди: «Муаттар опа талабаларга нисбатан ўта талабчан, билимдон устоз эдилар. Олима опамиздан алоқа касбининг ўта мураккаб қирраларини ўргандим. Эндиликда ўша олган билим ва тажрибалар менинг раҳбарлик иш фаолиятимда катта ёрдам бермоқда».

Яхшидан боғ қолади, деганлари ҳақиқат экан.

Султонхўжа ОРИФХЎЖАЕВ,
Мирзо Улуғбек номли Ўзбекистон миллий университети доценти

Сатторхон ва унинг тарихий асари

Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудидаги хонликлар даврида кўпгина тарихий шахслар, таниқли давлат ва жамоат арбоблари фаолият кўрсатганлар. Мана шундай машҳур кишилардан бири Сатторхон Абдулла Ғаффор ўғлидир.

Сатторхон 1843 йилда Қўқон хонлигига қарашли бўлган Чимкент шаҳрида таваллуд топди. Унинг отабоболари ўқимишли, билимдон ва обрўли кишилар эдилар. Сатторхоннинг бобоси Ҳожи Мўминхон эшон умрининг охиригача Чимкент шаҳрининг бош қозиси лавозимида ишлаган. Бобоси вафотидан сўнг бош қозилик лавозимига Сатторхоннинг отаси Абдулла Ғаффор тайинланади.

Сатторхон ўз билимини аввал бобоси Ҳожи Мўминхон эшондан олади. 1856 йилда эса ўн тўрт ёшли Сатторхонни отаси Тошкентдаги «Шукурхон» мадрасасига ўқишга юборади. Мадрасада Сатторхон олти йил таълим олиб, 1862 йилда Чимкентга қайтади. Бу ерда йигирма ёшли олий маълумотли Сатторхон мадрасада олган билимидан ташқари Оврупо маданияти билан танишишга интилиб, рус тилини ҳам ўргана бошлайди. Бундан ташқари Сатторхон форс тилини ҳам яхши билар эди.

1864 йили Чимкент шаҳри, кейинги йилда Тошкент шаҳри «Оқ подшоҳ» Россияси қўшинлари томонидан ишғол қилинади.

Воқеаларнинг бундай бориши Сатторхон каби маърифатпарварларга катта таъсир кўрсатди. Кейинчалик Сатторхон ўз мақолалари билан чор амалдорларини инсофга чақиради. Сатторхон бу мағлубиятларнинг асосий сабаби Шарқнинг тараққиётда, илм-маърифатда орқада қолганлиги деб ҳисоблади. Шу туфайли у маҳаллий аҳолини билимга қилишга интилади. Туркистон ўлкасида турли жадид мактаблари очила бошлаган эди. 1873 йилдан бошлаб Сатторхон Чимкентда мана шундай мактаблардан бирида муаллимлик қилади. Бу йилларда унинг чуқур билими ва Туркистон ўлкасидаги обрўси чор маъмуриятининг эътиборини тортади. Бунинг натижасида Сатторхон 1876 йилда чор маъмурияти томонидан Қўқон шаҳрига қози вазифасига тайинланади. Бу вазифада у то 1881 йилгача фаолият кўрсатди. Сатторхоннинг шариат илмидан ташқари Оврўпо, шу жумладан, рус маданияти билан ҳам танишлиги ва ўз халқини бу маданиятни эгаллашга чақириши, оврупача илғор дунёқарашларни тарғиб қилиши ўша давр учун нодир ҳодиса эди. У нафақат Туркистон ўлкасида, балки турли сафарларда ҳам янги илмларни, маърифатни тарғиб этади. Жумладан, у Қўқон қозиси лавозимида ишлаган пайтида Петербургда очилган III халқаро шарқшунослар кенгашида ватандошлари генерал Жўрабек, Шермуҳаммад ва Абдулла Ниёзлар билан бирга иштирок этади. Унинг бу кенгашда сўзлаган нутқи дунёнинг йирик шарқшунос олимлари орасида катта таассурот қолдиради. Сатторхоннинг ўзи ҳам чет эл олимларининг сўзларини эшитиб, бир дунё таассуротлар билан ватанига қайтади.

1881 йилдан бошлаб, Сатторхон яна маориф соҳасидаги ишларини давом эттиради. Маълумки, 1870 йилдан бошлаб Туркистон ўлкасида рус ва ўзбек тилларида бир қанча рўзномалар чиқарила бошланган эди. Сатторхон 1883 йилдан бошлаб «Туркистон вилояти газети»да шоир Фурқат, Шоҳимардон Иброҳим ва Муҳаммад Ҳасанлар билан биргаликда фаолият кўрсатади.

Сатторхон умрининг охирида Тошкентда истиқомат қилди. У ҳозирги Амир Темур кўчасидаги 47-уйда яшаган. Сатторхон 1901 йил 22 декабрда вафот этган. Унинг уч ўғли Акмалжон, Азимхон ва Искандархонлар оталари сингари маданият ва маориф соҳаларида фаолият кўрсатганлар. Икки невараси иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳалок бўлишган. Сатторхоннинг икки қизи — Саодат ва Хосият яқин йилларгача Тошкентда яшаганликлари ҳақида маълумот бор.

Сатторхон қаламига мансуб «Истило арафасида Қўқон хонлигининг ички аҳволи ҳақида лавҳа» асари тўрт бобдан иборат бўлиб, Қўқон хонлигидаги маъмурият, қуролли кучлар, халқ таълими ва адлия ишлари ҳақида маълумот беради.

Бу асар Сатторхоннинг ўз кўзи билан кўрган ва гувоҳи бўлган воқеалар ҳамда маълумотларни кенг ёритгани туфайли катта аҳамиятга моликдир. Асарда ўзбек халқининг хонликлар давридаги жонли тарихидан муҳим воқеалар ва маълумотлар ўрин олган. Унда Қўқон хонлигидаги аскарларнинг қурол-яроғи, кийим-кечагигача, ҳатто уларнинг қайси матодан ва қайси рангда эканлигигача маълумотлар бор. Бундан ташқари асарда бек ва амалдорлар ҳаёти, мадраса таълими ҳақида ҳамда талабаларнинг кийим-кечаги, ейиш-ичишигача маълумотлар берилган.

Сатторхон бу асарида рус тарихчиси В.П.Наливкиннинг 1886 йилда Қозонда босилган «Қўқон хонлигининг қисқача тарихи» асарида келтирилган баъзи маълумотларга танқидий кўз билан қарайди. Агар В.П.Наливкин ўз асарида хонликлардаги ўзаро урушларда каллалардан тепалар ва миноралар ясалар эди, деб ёзган бўлса, Сатторхон аксинча, унинг бу ёзганларини «шарқона бир афсона» деб ҳисоблайди. Бу асардан биз халқимиз маданияти ютуқларини, ватандошларимизнинг Арабистон, Туркия ва бошқа мамлакатларга бориб, мударрислик қилганликларини, улар томонидан ёзилган рисолаларнинг бутун дунёга машҳур эканлигини билиб оламиз.

Нурали СИДДИҚОВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети тадқиқотчиси

ПОЛИМОНОДИЯ — ЎЗБЕК БАСТАКОРЛИГИ МАҲСУЛИ

Тўхтасин ҒОФУРБЕКОВ,
санъатшунослик фанлари доктори, профессор

Кириб келган XXI аср наинки янги юз йиллик, балки бутун инсоният умид билан кутаётган навбатдаги минг-йиллик, яъни тарихан улкан бир довонни бошлаб беражаклиги, биз — бадиий тафаккур билимдонларидан узоқ ва яқин ўтмиш санъатимизга яна бир бор холисона кўз ташлаб, ундаги одимларни қайтадан кўриб чиқишимизни, у ёки бу даврда яратилган асарларни бошқатдан мезонлашимизни тақозо этмоқда.

Сир эмас, сўнгги деярли 150 йил (Марказий Осиёни Россия босиб олган давр) мобайнида, айниқса, яқин 75-80 йиллар ичида мусиқа санъатимиздаги мавжуд 4 қатлам — фольклор, мумтоз мусиқамиз, бастакорлар ижоди ва композиторлар асарларидан фақат охиргисига урғу бериб келинди. Оқибатда ота-боболаримиз нафаси, бутқул фикру зикри, донишмандларча мушоҳадаларини бирма-бир мужассам эта олган халқ куйлари, муаллифлари атайин ва ҳануз «муаллифсиз» дея саналаётган ўнлаб, юзлаб асарлар, қарийб 15 аср (!) янграб келаётган буюк ислом маданияти тенгдоши бўлган бастакорларимиз мероси бир чеккага суриб қўйилди. Минг таассуфки, асрлар довони ва синовидан омон қолиб бизгача етиб келган сехргўй чолғу ва ашула йўллари — бир неча ўн йилликлар мобайнида сунъий равишда сингдирила бошлаган етти иқлим наридаги кўповозли мусиқа андозаларига ўрин бўшатишга мажбур бўлди. Бу ҳам етмагандек, мазкур 4 қатламнинг учтаси — сўнггиси, яъни композиторлик ижодига тобе бўлиб, бунинг туганмас «хом ашё»сига айланди.

Энг ачинарли томони шундаки, мана йигирма биринчи асрга ҳам етиб келибмиз, ана шу қатламларнинг гултожи бўлмиш монодиязамин муаллифларнинг ҳатто касбига, ҳайратомуз ижодига яраша мантиқий атамалар топилганича йўқ. Бунинг ўрнига осонгина йўл тутиб, мусиқашунос олимларимиз «мелодиячи-композитор» (Ўзбекистон, Тожикистон), «кюйши-композитор» (Қозоғистон) ва шуларга ўхшаш оврупоча ясама терминларни қўллаб келишмоқда.

Фикримизча, аввало узоқ ўтмиш ижодиёти ва амалиётида тан олинган **бастакор** (Ўзбекистон, Тожикистон, Озарбайжон, Туркия, Эрон), **ғанний** (Миср ва бошқа араб мамлакатлари), **оқин** (Қозоғистон, Қирғизистон), **бахши** (Ўзбекистон, Туркманистон, Қорақалпоғистон), **ошиқ** (Озарбайжон, Туркия) сингари бири биридан аниқ ва халқчил атамалар тикланиши зарур. Қарангки, буларнинг ҳар бири у ёки бу миллат маданиятининг муайян, баъзан ўзигагина хос ижодий тафаккур белгиларини очиб бераётгандай жилваланади.

Шу билан бирга, мазкур ижод йўналишлари ниҳоятда катта миллионлаб эмас, балки миллиардлаб саналадиган халқлар маданиятини ўзида мужассам этган ҳолда тараққий топиб, XX асрга келганда оврупоча тафаккурдаги композиторлар ижоди билан «беллашишига» тўғри келди. Очиғини айтганда, кураш осон кўчмади, ютуқлар қатори йўқотишлар ҳам бўлди. Лекин, ўзаро ижобий ва ҳақиқатан ижодий таъсирларни бу жараёнда изчил учратиш мумкинки, бунинг самарасини ҳар иккала, яъни монодиязамин ва кўповозли тафаккурни асримиздаги ўзбек (ва ўзга) мусиқа ижодиёти тимсолида кузата бориш қийин эмасдир. Эътиборли тарафи шундаки, бирламчи (монодик) ижод анъаналари кейинги композиторлар мусиқасига мазмун ва мусиқий мавзу (тематик), жанр ва шакл, баён ва тараққий услублари, бошқа ифода йўналиш ва воситалари жиҳатдан асос, изланишлар жараёнида ҳар бир муаллиф учун «ахиллес таянчи» вазифасини бажарди. Хулоса қилиб айтганда, композиторлар ижодида бирорта жанр йўққи — Ўзбекистонда унинг сингдирилиши мусиқий фольклор, анъанавий мумтоз мусиқа ёки узоқ ва яқин ўтмиш бастакорлари яратган куйларсиз тасаввур этиш амри маҳолдир.

Табиий савол туғилади, бунинг акси, яъни кўповозли тафаккур монодиязамин ижодга таъсир кўрсата олганми? Бу таъсир аслида қай даражада бўлган? Ушбу оддий туюлаётган саволларга аниқ жавоб топиш ҳам осон иш эмас, зеро, айнан шу аснода композиторлардан фарқли ўлароқ ҳамкасблари учун бастакорлик ижодини кузатиш, таҳлил қилиш ва хулосалар келтириш бирмунча қийинроқ кўринади.

Агар композитор асарида у ёки бу куйдан фойдаланилганлиги яққол эшитилиб, баъзан замонавий услуб, энг сўнгги йўналишлар ва ижодий техникалардан иборат «баланд-паст тўлқинлар» қаъридаги ялт этиб турган «оролча»дек эътирофланса, бастакор яратган чолғу ва ашула йўлларида бундай аниқлик деярли учрамайди. Шу боис бирламчи тезис тариқасида оврупоча композиторлик санъатидан — ўзбек бастакорлари ижодига айрим (сюита ёки бўлмаса марш каби) жанрий йўналишлар, полифоник услуб аломатлари, тембрал безаклар юққан. XX аср ўзбек мусиқасига салмоқли ҳисса қўшган бастакорларимизнинг аксарияти даставвал созанда сифатида тан олинганликларидан сўнггина, ижод соҳасида тан олинганлар. Шу сабабли маълум хонандаларга тааллуқли жўрсадолар, айниқса, ифодалаш имконлари, етук бадиий кайфиятларни гавдалантириш кучига эга сон-саноқсиз миллат чолғуларига мўлжалланган якка (соло) ва турлича ансамбллар учун ижод этилган асарлар яратиш жараёнида тембрал полифония анъаналарига таянилганини кўрамиз.

Ҳозирги кунга келиб, борган сари одат тусига кираётган мазкур йўналиш шаклланишига албатта ўзбек чолғулари ва чолғу мусиқа меросимиздан ўрин олган, ҳануз «примитив кўповозлик» ёки «монодик кўповозлик» деб келинаётган маҳаллий анъаналар ҳам муҳим роль ўйнаган, албатта (торли созлар садосидаги бирикмалар).

Миллий бастакорлик санъатимизда XX асрнинг ўрталарида юзага кела бошлаган бу янги йўналиш аввало атоқли созанда (чангчи, дуторчи) ва нозиктаъб бастакор Фахриддин Содиқов номи билан боғлиқ. Унинг «Ўзбекча вальс» сингари чолғу асарлари, айрим қўшиқ ва ашулаларида дикқат-эътиборни ўзига дарҳол тортадиган бир мўъжиза — ҳар бир сознинг ўзигагина хос садо безагини қайд этиш, уни ўзга созлар садолари мажмуида бетакрор да-

ражада кўрсатиш ва шу йўл билан овозлар тарамига нозик хосиятлар ато этиш анъанаси пайдо бўлди. Бу анъана аввало Ф.Содиқовнинг ўзи ва Комилжон Жабборов, Набижон Ҳасанов, Муҳаммаджон Мирзаев каби тенгдош бастакорлар изланишларининг самарасидир. Лекин изланувчан бастакор Тошкент давлат консерваториясининг Шарқ мусиқаси кафедрасида ёш созандаларга айнан ансамбль ижрочилигидан сабоқлар бериши жараёнида мазкур тембрал полифония аломатлари мақомлар талқинига, айниқса чолғу йўлларига изчил сингдирила бошланди.

Натижада Абдуҳошим Исмоилов, Ўлмас Расулов, кейинроқ Аҳмаджон Дадаевга ўхшаш моҳир ғижжакчи, бўлажак бастакорлар ана шундай том маънодаги ижодий-амалий, кўп жиҳатдан ибратли сабоқлар туфайли ижро сирларигина эмас, монодик тафаккурнинг янгича йўналишларидан ҳам бохабар бўлишди.


Табиийки, янги авлод ижодкорлари устоз-бастакор тажрибасига таянган ҳолда уни бойитиш ва кенгайтиришга астойдил интилдилар. Бугунга келиб, деярли ярим аср аввал шакллана бошлаган анъана — тембрал полифоник баён ва унинг тараққий йўллари борган сари такомиллашиб бормоқда.

Лекин, минг афсуски, на Ўзбекистон ва на Марказий Осиё мусиқашунослиги, на хорижий Шарқ мусиқа илми мазкур, муайян бир ижодий феномен даражасига кўтарилган монодик тафаккур намуналарини ҳатто бирламчи таҳлилдан ўтказганича йўқ.

Шу боис, биз аввало ана шу феноменга алоқадор табиий атама топишга интилдик. Ҳозирги пайтга қадар йўл-йўлакай истифода этилган бирорта истилоҳ ёки ибора бизни қониқтира олмади. Чунки булар катта бир ижод жараёнидаги мавжуд нарсанинг ўзини ифодалай олмайди. Шундай экан, феномен моҳияти маълум даражада оврупоча полифоник йўналишга, иккинчи томондан, монодик тафаккурнинг асл кўринишларига бориб тақалишини инобатга олиб, уни полимонодия деб аташни ўринли кўрдик.

Яна бир нуфузли нашр — Венгрия Фанлар Академияси тайёрлаган «Семиязычный словарь музыкальных терминов» (1978) да эса мавжуд атамалар — полихорал, полистрофа, полиссоир, политематика, политекст кабилар билан тўлдирилган.

Мисол тариқасида Абдуҳошим Исмоиловнинг ғижжак ва анъанавий ўзбек созлари ансамбли учун яратган «Ҳолим сўрма» («Ойбулоқ» тўпламига қаралсин) номли асари эътиборга моликдир. Унда, хусусан, энг мукаммал миллий созларимиздан бирининг техник имкониятлари эмас, балки ўта нозик ифода воситалари, муайян мазмунни тўлақонли ифодалашдан унумли фойдаланилган. Натижада лирик-драматик муқаддимада ва тантанавор асосий қисмда бадиий теран образлар силсиласи юзага келган. Ишончим комилки, полимонодиянинг жуда кўп ибратомуз намуналарини бизга тилдош, маданиятдош узоқ ва яқин халқлар мусиқа ижодиётида ҳам учратиш мумкин.



Имом Абу Мансур ал-Мотуридий ва Бурҳониддин ал-Марғиноний ҳақида

Бу табаррук заминда ўрта (IX-XII) асрларда ўз кашфиётлари ва таълимотлари билан жумлаи жаҳонни лол қолдирган юзлаб улуғ зотлар самарали фаолият кўрсатганлар. Мана шундай машҳур сиймолар силсиласида калом илмининг асосчиларидан бири имом Абу Мансур ал-Мотуридий ҳазратлари алоҳида ўрин эгаллайди.

Самарқандниинг Мотурид деган мавзеида 870-йилда илоҳият илмининг ёрқин юлдузларидан бири, имом Абу Мансур ал-Мотуридий дунёга келган. У дастлабки маълумотни ўз отасидан, сўнгра Самарқанддаги Ғозийлар масжиди қошидаги мадрасада таълим олган. Мотуридия деб аталмиш таълимотнинг тараққий этишига ул зотнинг шогирдлари ўз ҳиссаларини қўшган. Абу Мансур ал-Мотуридийнинг калом ва фиқҳ илмлари соҳасидаги қарашлари унинг икки — «Китоб ат-Тавҳид» ва «Китоб таъвилот аҳл ас-Сунна» номли асарларида баён этилган. Имом ал-Мотуридий яшаган давр — IX асрнинг иккинчи, X асрнинг биринчи ярми — калом илмий гуллаб яшнаган, айтиш мумкинки, ушбу илмнинг олтин асри бўлган эди. Алломанинг асосий асари қўлёзмалари ва уларга ёзилган баъзи шарҳлар нафақат республикамиздаги қўлёзмалар хазинасида, балки Миср, Туркия, Ҳиндистон, Англияда ҳам сақланади.

Фарғона водийсининг энг қадимий шаҳарларидан бири бўлмиш Риштондан йирик сиёсатдонлар дунёвий ва диний алломалар етишиб чиққан. Булар орасида Шайхулислом Бурҳониддин ибн Абул Ҳасан Али ибн Абу Бакр Абдул Жалил ал-Марғиноний ар-Рошидоний алоҳида ўринга эга. Ул зот кўпгина манбаларда милодий 1123 йил 23 сентябрда туғилган деб кўрсатилади. У киши Қуръон, ҳадис, фиқҳ илмларини мукаммал эгаллаб, шариат аҳкомларини чуқур билганлар. Дастлабки таълимни Риштонда ва Марғилонда олган бўлиб, кейинчалик Самарқандга кўчиб бориб, умрларининг охирига қадар ўша ерда яшаган. Мавлоно Бурҳониддин ал-Марғиноний ар-Рошидоний «Бидоёт ал-Мубтадий» (Қонунни ўрганишга кириш), «Ал-Мазид» (Илмни зиёда қилувчи китоб) ва «Ҳыидоя» китобларини ёзган. Биргина «Ҳидоя» асари бутун мусулмон дунёсида ҳуқуқ бўйича асосий манба ҳисобланади.

Ўзбекистон Бадиий Академияси Санъатшунослик институтида бу алломалар тўйига атаб ташкил этган кўргазмада Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институти фондида сақланиб келинаётган буюк алломалар қўли билан битилган қўлёзмаларнинг рангли фотосуратлари, Хайрулло Солиевнинг хаттотлик намуналари, Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтининг Археология музейида сақланаётган IX-XI асрларга оид бронза, сопол ва шиша буюмлар намойиш этилди.

Пиримқул ҚОДИРОВ



«Ёлғиз бир ўчиб, яна ёниш бор...»

(Чўлпон ҳақида бадиа)

Йигирманчи асрда фан ва техникада улкан тараққиётлар, даҳшатли урушлар, мисли кўрилмаган ўзгаришлар юз берди. Бутун одамзод ҳамжамияти қатори ўзбек халқи ҳам асримизнинг барча фожеаларини бошдан кечирди. Айни вақтда, йигирманчи аср Ўзбекистонда озодлик учун курашлар асри бўлди. Халқимиз орасидан етишиб чиққан буюк сиймолар бугун бизга насиб қилган истиқлол учун жон фидо қилдилар.

Халқ бахти учун курашда ҳалок бўлган сиймолар орасида Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпоннинг алоҳида ўрни бор.

Чўлпон шўролар даврида халқни уйғотадиган, озодлик учун курашга чорлайдиган, мустабид тузум кишанларини парчалайдиган асарлар яратди. 1921 йилда битилган «Халқ» шеърида юртимизни қонга ботириб қайтадан босиб олган большевиклар ҳокимияти қора кўланкага ўхшатилади.

Халқ истаги: озод бўлсин бу ўлка!
Кетсин унинг бошидаги кўланка!

Оқ подшонинг мустамлакачилик сиёсатини янада шафқатсиз тарзда давом эттирган большевиклар халқ бошига фожеа келтирувчи кўланка деб баҳоланиши шоирнинг буюк журъатидан далолат эди.

Чўлпон ўз асарлари билан мустабид шўро тузумининг жиноятларини фош қилади. Ҳақиқатни ёзгани учун большевик жаллодлар 1938 йилда уни отиб ўлдирадилар.

Орадан ўн саккиз йил ўтгандан кейин 1956 йилда Чўлпоннинг бегуноҳ ўлдирилгани шўроларнинг ўзи томонидан тан олинади. Лекин шундан сўнг яна ўттиз тўрт йил давомида унинг асарлари халқдан бекитиб сақланади.

Мен 1956 йили Москвада ўзбек адабиёти бўйича маслаҳатчи бўлиб ишлар эдим. Чўлпон асарларини Москвадаги Марказий кутубхонанинг «ёпиқ фонд» деб аталадиган бўлимига яшириб қўйилган жойидан олиб ўқидим. Ўшанда бутунлай янги бир оламга киргандай бўлдим.

«Уйғониш», «Булоқлар», «Тонг сирлари», «Яна олдим созимни» деб аталган шеърий тўпламлардан ўзимга энг кучли таъсир қилган сатрларини ён дафтаримга ёзиб олган эдим.

Бу сатрларни қайта-қайта ўқиганим учун ҳаммаси ёд бўлиб кетди. Мана, қирқ тўрт йилдирки, мен Чўлпон шеърларини ёдимда такрорлаб юраман, улардан руҳий мадад ва бадиий завқ оламан.

Шукурлар бўлсинки, истиқлол шарофати билан Чўлпон ўз Ватанида юксак эъзоз топди. Унинг юз йиллик юбилейи мамлакат миқёсида жуда кенг нишонланди. Шоир туғилиб ўсган Андижонда унинг ҳайкали ўрнатилди, Чўлпон боғи ва музейи ташкил этилди. Чўлпон ижоди ва фаолияти мактаб дарсликлари орқали ёш авлодлар қалбига йўл топмоқда. Буюк шоирнинг асарлари қайта-қайта чоп этилмоқда. Адабиётшунос олимларимиздан Озод Шарафиддиновнинг «Чўлпонни англаш» номли яхши рисоласи босилиб чиқди. «Маънавият» нашриётида Чўлпон ҳақида яна бир яхши китоб нашр қилинди. Бу ҳаммаси жуда қувонарли ҳодисалардир.

Лекин Чўлпоннинг ҳаёти ва ижоди ёркин воқеаларга шу қадар бой, шу қадар ибратли ва кўпқирралики, юқорида айтилган ишлар бу улуғ сиймони чуқур ўрганиш, талқин қилиш, идрок этиш ва бутун фазилатларини халққа етказиб бериш йўлидаги дастлабки дадил қадамлар деб саналиши мумкин.

Чўлпоннинг озодлик учун кураш йўлида қирқ бир ёшида — қирчилламa йигит ёшида — қаҳрамонларча ҳалок бўлганлиги ҳеч қачон ёдимиздан чиқмаслиги керак. Шаҳидлар хотирасига улкан ёдгорлик бунёд этилди. Халқимиз озод, мустақил ҳаёт кечириши учун ва бизни қизил империя қатағонларидан халос қилиш учун ўз жонини қурбон қилишдан қайтмаган довюрак, мард шоиримизнинг руҳини шод этиш йўлида нимаики қўлимиздан келса қилишимиз керак...

* * *

Бадавлат оилада туғилган Абдулҳамид Чўлпон ўн беш-ўн олти ёшида Андижонда яшаб туриб, ҳатто узоқ Ҳиндистонда чиқадиган тараққийпарвар нашрларни олади. Қримда Исмоил Гаспирали чиқарган «Таржимон» газетасига обуна бўлади. Қозон ва Уфадан Муллонур Воҳид ва Закий Валидий нашр этган китобларни сотиб олиб ўқийди.

У замонларда жадидларга эргашган ёшларни икки томонлама хавф-хатар кутиб турарди. Бир томондан, оқ подшо жандармлари жадидларнинг халқни уйғотиш йўлидаги ҳаракатларини миллий озодлик ҳаракати сифатида таъқиб этар ва тазйиқ остига оларди. Иккинчи томондан, жаҳолатга берилган маҳаллий ақидапарастлар Бухоро амири Олимхон бошчилигида жадидларга душман кўзи билан қарарди, уларни йўқ қилишга интиларди. Жадид бўлиб кураш майдонига кириш бир эмас, икки тарафдан қонли қиличларнинг орасига кириш билан баробар эди.

Чўлпоннинг жасорати шундаки, у ўн беш ёшидаёқ мана шу хавф-хатарлардан тап тортмай, маърифатпарварлик йўлига киради. Жадидларнинг пешвоси Маҳмудхўжа Беҳбудий билан алоқа боғлайди. Уфадаги машҳур маърифатпарвар Закий Валидийга оташин мактуб билан му-



рожаат қилади. Чўлпон ўз мактубида Закий Валидийни Андижонга таклиф этади. Бу мактубнинг таъсир кучи шунчалик баланд бўладики, Закий Валидий Чўлпон билан яқиндан танишиш учун 1913 йилда Андижонга келади. Қараса, Чўлпон энди ўн олтига кирган ёш йигит экан.

Шу ёшдаёқ унинг етук зиёлилар даврасидан ўрин олганини Закий Валидий ўз хотираларида ёзиб кетган. Чўлпоннинг «Доктор Муҳаммадёр» номли илк асари босилиб чиққанда у ҳали ўн етти ёшда эди.

Чўлпон Ғарб маданиятини ҳам ўрганиш учун рус-тузем мактабини битиради. Оламни билиш, ўрганиш учун Туркияга ва Озарбайжонга сафар қилади. Бу мамлакатлардаги тараққийпарвар ёзувчилар билан дўстлашади, уларнинг ижодий тажрибаларини ўрганади.

Бу даврда ижодкордан энг катта маҳорат ва жасорат талаб қиладиган муаммо — мумтоз адабиётимизнинг мураккаб тили билан халқ қўшиқлари, халқ достонларидаги жонли тилни бир-бирига уйғунлаштириб, янги адабий тил яратиш муаммоси эди. Ҳиротда Навоий, Италияда Данте, Францияда Рабле, Англияда Шекспир, Россияда Пушкин янги адабий тилни яратган улуғ сиймолар сифатида шуҳрат қозонганлар.

Оламшумул адибларгина амалга ошира олган шундай улуғ ишни ўзбек адабиётида Абдулла Қодирий билан Чўлпон қандай амалга оширганларини биз ҳали атрофлича таҳлил ва тадқиқ қилганимиз йўқ.

Етмишинчи йилларда мустабид мафкурачилар тилимизни камситадиган сиёсат юргизган кезларда камина «Тил ва дил», «Халқ тили ва реалистик проза» деган рисолалар орқали юқоридаги ҳақиқатни айтишга интилиб кўрган эдим. Абдулла Қодирийнинг янги адабий тилимизни шакллантиришдаги хизматларини «Ўтган кунлар», «Калвак маҳзум», «Тошпўлат тажанг» каби асарлар мисолида бир қадар кўрсатишга илож бўлди. Аммо Чўлпоннинг сўз санъатига бағишлаб ёзган кўпгина саҳифаларимни 1973 йилда китобнинг корректурасидан тушириб қолдирилди. Бу иш менинг зиммамда ҳамон бир қарзга ўхшаб турибди. Энди бу қарзни ҳозирги истиқлол руҳига ва Чўлпонга нисбатан қайта тикланган адолат нурига йўғириб адо этиш ниятида ушбу бадиани ёзмоқдаман.

* * *

Чўлпон йигирма уч ёшида ғазал жанрида биргина саҳифага жой бўладиган шундай бир шоҳ асар яратдики, уни сўнгги саксон йил давомида минг-минг мухлислари ёд айтиб юрадилар:

Муҳаббатнинг саройи кенг экан,
йўлни йўқотдим-ку,
Асирлик тоши янглиғ бу хатарли
йўлда қотдим-ку.
Ҳалокат бўлғусин билмай қулочни
катта отдим-ку,
Муҳаббат осмонида гўзал Чўлпон
эдим, дўстлар,
Қуёшнинг нурига тоқат қилолмай
ерга ботдим-ку!

Йигирманчи йилларда Чўлпонни Шекспир ва Пушкин даражасидаги шеърият даҳоси деб атаган олимлар бўлган. Уларнинг бу баҳолари бежиз эмас эди. Мураккаб аруз жанрида шундай бир ўзбекона тиниқ, беҳад теран, сержилва шеър ёзиб, эл-юртни қойил қилгани Чўлпон даҳосининг қанчалик қудратли эканини кўрсатиб туради. Бу асар йигирманчи асрда ўзбек адабиётида чинакам миллий руҳдаги янги бир шеърият туғилаётганидан ва жонли халқ тилига асосланган янги адабий тил шаклланаётганидан далолат беради.

Чўлпоннинг бу ердаги бадиий кашфиёти мумтоз адабиётимизда кўп учрайдиган нафис шеърий санъатларни янги миллий ғоялар билан уйғунлаштириб, ниҳоятда таъсирли асар яратганида кўзга яққол ташланади.

Шеърнинг номида ҳам теран маъно бор. «Қаландар ишқи» деган сарлавҳа бойлик ва мартабага интилмайдиган одамнинг дилини назарда тутади. Шеър Чўлпоннинг Туркияга сафаридан кейин ёзилган. Шоир буни қуйидаги сатрларда ифодалайди:

«Қаландардек юриб дунёни кездим, топмайин ёрни,
Яна кулбамга қайгулар, аламлар бирла қайтдим-ку».

Мумтоз адабиётимизда «ёр топмадим» деган радифли ғазаллар кўп учрайди. Навоийда ҳам, Бобурда ҳам бор. Ўша анъана Чўлпон шеърида янгича бир оҳанг билан Ватанидаги мустамлака зулмининг қайғу ва аламларига ишора тарзида ёзилади.

Гўзаллик денгизида сузган шоир «Ҳалокат бўлғусин билмай қулочни катта» отади.

Бу ерда миллий озодлик ҳаракатига хос жасорат билан қулочни катта отиш улуғланади.

Ниҳоят, ўзининг Чўлпон деган таҳаллусини ҳам гўзал шеърий сатрга қўшиб, қуёш чиққанда юлдуз кўринмай қолишини, яъни озодлик қуёши чиқиши учун юлдуз ерга ботиб кетишдан ҳам қўрқмаслиги кераклигини айтади.

Чўлпон миллий тилимиз ва миллий шеъриятимизни сифат жиҳатдан янги бир тараққиёт босқичига кўтарган буюк сиймолардан эканини унинг «Кўнгил» деб аталган шеърида янада яққол кўриш мумкин.

Бу шеър 1922 йилда ёзилган. Қўқонда тузилган илк миллий давлатимиз Туркистон мухторияти большевиклар томонидан қонга ботирилиб, шафқатсизларча йўқ қилинади.

Шундан кейинги қайғули кунларда қуллик кишанлари одамларимизга қайтадан кийдирилаётган пайтларда шоир гўё ўз кўнглидан норози бўлиб ёзади:

Кўнгил, сен мунчалар нега
Кишанлар бирла дўстлашдинг?
На додинг бор, на фарёдинг,
Нечун сен мунча сустлашдинг?

Ҳақорат дилни оғритмас,
Тубанлик мангу кетмасми?
Кишанлар парчаланмасми?
Қиличлар энди синмасми?

Тириксан, ўлмагансан,
Сенда одам, сен-да инсонсен,
Кишан кийма,
Бўйин эгма,
Ки сен ҳам ҳур туғилғонсен.

Бу қисқа сатрларда бутун бир миллатнинг тақдирига куйинишдан келиб чиққан улкан дард ифода этилади.

Йигирманчи йилларда Чўлпон шеъриятида ифодаланган фожеавий ҳақиқатларни улуғ Шекспир пьесаларига ўхшатганлари бежиз эмас. Аброр Ҳидоятов каби актёрларимиз Чўлпон шеърларини бор овозлари билан ўқиганда Ҳамлет ёки Отелло монологлари каби кишиларни ларзага солган.

Халқ ҳаётини издан чиқарган, ўз-

аро уруш ва вайроналиклар келтирган Октябрь инқилобининг моҳиятини Чўлпон қуйидаги ҳайқириқ сатрлар билан ифодалайди:

Эй, бугун кўкларда
қуёшлар тутилди,
Эй, бугун шамоллар,
бўронлар қутурди,
Эй, бугун чақмоқлар
чақдилар, чақдилар,
Эй, бугун тўфонлар оқдилар,
оқдилар.
Эй, бугун дўл келиб,
оламни йиққан кун,
Эй, бугун қурамиз меҳвардин
чиққан кун!

Бу мисолда янги ўзбек адабий тилининг ифода кучи ва қудратли жаранги кишини ҳайратга солади. Шеърда Шекспирлар, Пушкинлар даражасидаги буюк шоирона овоз бизни сеҳрлаб олади. Айни вақтда, бу шоирнинг довюраклиги, шўролар кўкларга кўтариб мақтаган Октябрь инқилобининг табиий офатлардан ҳам баттар бузғунчилик келтиргани тўғрисидаги ҳақиқатларни журъат билан айтганлиги ўқувчини қойил қолдиради.

Чўлпон доим бўронли ва суронли жойларда яшарди, энг фожеавий воқеаларни ўз кўзи билан кўриб тасвир этарди. Туркистон мухторияти эълон қилинганда Чўлпон ўша ерда тўрт минг киши йиғилган издиҳомга қарата оташин шеър ўқиган. Бу шеърнинг радифини майдонни тўлдирган минглаб одамлар шоирга кўшилиб такрор қилганлар.

Кейин мухторият қонга ботирилиб йўқ қилинади. Қўқон ва унинг атрофларида бегуноҳлар қони дарёдай оқизилади. Фарғона водийсини қайтадан босиб олиш учун Ленин бошлиқ большевиклар турмаларда ётган ашаддий каллакесарлар кучидан фойдаланади, қонсираган дашноқ жаллодларини ҳам ишга солади. Буни Чўлпон ўз кўзи билан Қўқонда кўрган, Бухорода яна Ленин кўрсатмаси билан самолётлардан бомбалар ташлангани, минг йиллик тарихий обидаларимиз амир қароргоҳига қўшиб вайрон қилингани ҳам Чўлпоннинг «Бузилган ўлкага» деган шеърида дард ва алам билан тасвирланган.

Октябрь инқилобининг бу каби оқибатлари қуёш тутилишига, бўрон қутуришига, дўл келиб оламни вайрон қилишига ўхшатилиши Чўлпоннинг бевосита ҳаётдан олган таассуротларига асосланган. Шоирнинг «Гўзал Фарғона, сенга не бўлди?» деган шеърини ботир курашчи Мадаминбекнинг йигитлари тоғларда куйга солиб қўшиқ қилиб айтганлар.

Чўлпон шеърларининг ёзилган жойларига қарасангиз, шоир хавф-хатарлардан тап тортмай, доим халқ тақдири ҳал бўлаётган жойларда ижод қилганини кўрасиз. «Бузилган ўлкага» шеъри Андижонда, «Кўнгил» шеъри Қўқонда, «Халқ» шеъри Бухорода ёзилган. Доим хавф-хатар билан юзма-юз олишган довюрак шоир душман ўқидан ярадор ҳам бўлади. Ярасини Уфа шаҳрига бориб, дўстлари ёрдамида даволатади-ю, яна сафга қайтади.

Кучлар тенг эмас эди. Большевиклар Туркистонни қайтадан босиб олиш учун фақат Бухоро ва Сурхондарё фронтларига марказдан 170 минг аскар юборади. Фарғона ва Тошкентни занжирбанд қилиш учун юборилган босқинчи кучлар бундан ҳам ортиқ эди.

Чўлпон гоҳо оний туйғуларга берилиб, зўравонлар муҳитига бўйин эгмоқчи ҳам бўлади. Айниқса, Андижонда меҳрибон қариндошлари уни хавф-хатарлардан асрагилари келиб, «Энди бас, замон сенга боқмаса сен замонга боқ!» деяверганлари ҳам сабаб бўлса керак, Чўлпон «Сомон парча» деб аталган шеърини «Кундалик дафтарга» деган рукн остида ёзади:

Муҳит кучли экан, эгдим бўйнимни
Чақмоқдай ялтираб, учиш йўқ энди.
На исён, на тўлқин, на тўфон, на ўт!
Кўзимда оғир бир таслим нури бор.
Муҳит гирдобида бир сомон парча
Бир похол чўпидек оқиб бораман.
Кирмайман кўчанинг боши беркига.
Чунки таслим бўлдим муҳит эркига.

Бу шеър 1923 йилда ёзилган. Орадан икки йил ўтгач, Самарқандда ёзилган «Баҳорни соғиндим» шеърида Чўлпоннинг эрксевар руҳи баҳор билан бирга янгидан уйғонади.

«Йўқ, ўлим йўқдир!..
Ёлғиз бир ўчиб, сўниб,
яна ёниш бор!
Яна баҳорлар,
яна лолалар,
Яна, яна, эй... эркин истаклар!»

Зўравон муҳитга вақтинча таслим бўлган шоир 1930 йилда ўзининг юқорида келтирилган исёнкор руҳдаги «Октябрь» шеърини ёзади. Бу шеърда Октябрь инқилобининг даҳшатли оқибатларини яна қуйидаги сатрларда ҳайқириб айтади:

Эй, бугун оловлар дунёни ёндирди,
Инсонлар оч ерни қонларга қондирди.

Октябрь инқилобини ёнғин каби бир офат деб баҳолагани, унинг натижасида қанча кўп қонлар тўкилганини баралла айтгани Чўлпон даҳосининг янги қудрат ва янги жасорат билан қураш майдонида ҳамон собит турганини кўрсатади.

Мустабид тузум малайлари Чўлпонга қарши аёвсиз ҳужумлар уюштирадилар. 1926 йилда чақирилган зиёлилар қурултойи Акмал Икромов маърузасидан сўнг «Йўқолсин Чўлпон!», «Залдан чиқиб кетсин!» деган хитоблар остида ваҳшиёна қарсаклар билан Чўлпонни мажлисдан қувиб чиқаради.

Ўша даврнинг энг буюк зиёли шоири «Зиёлилар қурултойи» деб аталган анжуманга номуносиб кўрилгани — мустабид тузум малайларининг ўзлари нақадар зиёдан маҳрум, нақадар жаҳолатга берилган ақидапарастлар эканини намоён қилади.

Шоирнинг «Бузилган ўлкага» шеърида яна ўша мажоз — қора кўланка босқинчилик ва бузғунчилик рамзи сифатида қаламга олинади:

Эй тоғлари кўкларга салом
берган зўр ўлка,
Нега сенинг бошинг узра қуюқ
булут кўланка?

Ўлкага хўжайин бўлиб олган золимлар ана шу қора булут кўланкаси сифатида фош этилади.

Албатта, бундай тасвирлар золимларнинг ғазабини келтиради. Чўлпон она-Ватанидан ва халқидан куч олишини улар ҳам тушунади. Шоирни бу куч манбаидан узоқлаштириш учун уни 1931 йилда Москвага «ишга» юборадилар. Гўё шундай истеъдодли одамга Ватанида иш топилмайди. Ўттизинчи йилларда у кўпроқ насрий асарлар ёзади. «Кеча ва кундуз» романи мана шу йилларда Чўлпон ижодининг энг юксак чўққиларидан бири бўлиб майдонга келади.

Романда асримизнинг бошидаги зулм ва жаҳолат булутларини чақмоқ каби ёриб чиққан маърифатпарварлик ва миллатпарварлик ғоялари олға сурилади. Ўша даврнинг энг ҳуқуқсиз, айни вақтда, энг латиф намоёндалари бўлган Зебихон, Энахон каби ўзбек қизлари Чўлпон тасвирида ёрқин бир жозибага тўлиб гавдаланади. Зебихоннинг гўзал овози, ашула айтишдаги нодир истеъдоди замоннинг зайли билан унга бахтсизлик келтиради. Ахлоқсиз, калтафаҳм, қўпол Акбарали мингбоши қизнинг овозига хуштор бўлиб қолади, уч хотини устига Зебихонни зўравонлик билан тўртинчи хотин қилиб никоҳлаб олади.

Кундошлик жаҳаннамида куйиб юрган учинчи хотин — Пошшахон Зебини заҳарлаб ўлдирмоқчи бўла-

ди. Аммо заҳар солинган сувни ароқдан жинниси чиққан маст мингбоши адашиб ичади-ю, жон таслим қилади.

Мустамлака даврининг чирик суд маҳкамаси ҳақиқий айбдорни қидириб топиш ўрнига, бегуноҳ Зебихонни қотил деб ҳукм чиқаради.

Бу фожеали воқеалар романда ниҳоятда ёркин бўёқлар билан тасвирланади. Айниқса, романнинг бадиий тили, муаллифнинг халқ тили бойликларидан фойдаланишдаги маҳорати кишини қойил қолдиради.

Роман воқеаларини ҳаракатга келтирувчи кучлар орасида Мирёқуб-Эпақа марказий ўринлардан бирини эгаллайди. Мирёқуб — ўша даврда қад ростлаб келаётган ишбилармон, эпчил тадбиркорлардан. Лекин у қолоқ ва жоҳил мингбошининг ёнида юриб, ўз замонасининг илғор ғояларидан бехабар қолган. Москвага поездда кетаётганда Мирёқуб бир жадид йигит билан танишади, унинг таъсирида кўзи очила бошлайди.

Бир қарашда жўн кўринадиган мана шу ҳодисанинг тасвири орқали ёзувчи шўро тузумининг мустабид мафкурасини инкор этадиган ва бугунги истиқлол даврининг руҳига мос келадиган муаммоларни кўтариб чиқади.

Тасаввуф қилайлик: «Кеча ва кундуз» романи 1936 йилда собиқ иттифоқнинг ҳамма жойида эркин тадбиркорлик бутунлай тугатилган, ҳамма завод-фабрикалар, ер-мулклар эгаларидан тортиб олинган, бой ва бадавлат одамлар хор-зор қилинган пайтда босилиб чиқади.

Шундай вазиятда Чўлпон 1915-16-йилларда поездда Москвага кетаётган бадавлат ишбилармон Мирёқубнинг ўзидан ҳам бадавлатроқ ва тажрибалироқ жадид йигит билан суҳбатини ибратли бир воқеа сифатида тасвирлайди.

Оренбургдан ўтганларида жадид йигит Мирёқубга шундай дейди:

«— Бу ерда бир мадраса бор. Номини Ҳусайния дейдилар. Уч қават, европача иморат. Унда жадид илмлари ўқитилади. Биласизми, уни ким солдирган? Жадидларнинг энг катта отахонларидан Аҳмадбой Ҳусаинов... Усули жадид мактабларига бутун бойлигини сарфлади. Миллатга қилган хизматлари саноқсиз... Қанийди бизда ҳам шундай бойлар бўлса!

— Менга қаранг, жадидлар ҳам «Бойларнинг ер-суви олинсин» дер эмиш-ку.

— Йўқ, йўқ, асло! Жадидлар «Бой бўл, завод сол, фабрика оч... Миллий саноатни ривожлантир» дейди... Мана мен, Финландияда магазиним бор... Францияда Лион, Германияда Ҳамбург шаҳарларига бораман. Тери, мўйна, маҳаллий моллардан ўтказаман. Дунёнинг пулини топаман. Фақат менинг ўғлим пул олиб қимор ўйнамайди, менинг топганимни бесоқолга, фоҳишага бермайди. Ўқийди, билим олади, одам бўлади, маданият касб этади. Бир укам Финландияда Хельсингфорс гимназиясида, бир укам Уфада, машҳур Олия мадрасасида, ўз ўғлим ҳали кичик бола. Финландияда махсус муаллим солиб берганман, ўқийди».

Мирёқуб бу гаплар таъсирида ўғлини рус мактабига бермоқчи эканини айтади.

Шунда жадид йигит бошқача фикр билдиради:

«— Ибтидоий тарбияни рус мактабидан бошлаб бўлмайди, уни миллий мактабларга бериш керак. Аввал миллий ҳиссини ўсдириб, ўз миллатини танитгандан кейин рус мактабига бериш керакки, ҳунарга, ихтисосга тегишли илмлар ўргансин... Ундан кейин Германияга, Францияга, ҳатто дунёнинг нариги чеккасидаги Америкоро юбориб ўқитиш керак...»

Бугунги истиқлол шарофати билан ўзбек йигит-қизлари чиндан ҳам Германия, Франция, ҳатто АҚШга бориб билим олиб қайтмоқдалар.

Аммо бу фикрларни қатағонлар авжига чиқиб бораётган 1936-37-йилларда роман қилиб ёзиб чиқиш учун қанчалик катта журъат ва фидойилик керак бўлганини кўз олдингизга келтиринг!

«Тадбиркор бўлинг, хусусий корхоналар қуринг, миллий саноатни ривожлантиринг!» деган даъватлар учун шўро тузуми қандай шафқатсиз жазолар беришини била туриб, ёшлик йилларида кўнглига туккан миллатпарварлик ғояларини умрининг охирги даврида мана шундай довюраклик билан ёзиб чиққан Чўлпонни чинакам қаҳрамон сиймо десак арзийди.

Чўлпоннинг ижоди, жасорати ва фидойилиги бугунги миллий уйғониш жараёнларига мос келади ва биз учун юксак ибрат бўлиб хизмат қилади.

Жаҳрий тадқиқотлар

Бир меванинг уч хил номи

"Бобурнома"да Ҳиндистоннинг бир қатор мевалари санаб ўтилади. Жумладан, банан ҳақида бундай дейилади: "Яна қайладур, араб мавз дер, дарахти хели (унчалик) баланд эмас, балки дарахт деб ҳам бўлмас". Лекин шу асарнинг ўзида бу сўз бошқа имлода ҳам келган: "Яшил коши била гирдо-гирдида тамом кела дарахтларини кўрсатибтурлар". Профессор Ҳ.Ҳасановнинг "Заҳириддин Бобур — сайёҳ ва олим" номли китобида мазкур сўз яна бошқа бир имлода ёзилган: "...банан дарахти қила (қайла) деб аталган".

"Бобурнома"нинг русча таржимасида кила деб, А.Беверижнинг инглизча таржимасида ҳам, У.Тэкстоннинг энг янги инглизча таржимасида ҳам бу сўз plantain (банан) тарзида, яъни, иккала инглизча нашрда сўзнинг асли эмас, таржимаси берилган.

Платтснинг машҳур луғатида бу сўзни ҳиндийча дейилган ва транскрипциясида kela шаклида келтирилган. Шу билан бир қаторда бу сўз асли қадимги санскрит тилидан ҳиндийга ўтгани кўрсатилган. Ҳиндий тилининг 5 жилдлик изоҳли луғатида ҳам бу сўзнинг асли санскритча экани айтилган. Бинобарин, "Бобурнома"нинг ҳиндийча таржимасида ҳам бу сўз худди шундай, яъни, мазкур луғатларда келтирилган имлода ёзилган.

Япон олими И.Камацу тайёрлаган танқидий матнда бу сўз kila тарзида ёзилган. Ушбу мевани япон олими рак (саратон) касалига даволигини айтган ва бир неча кун ичида уни халқ талаб олган, нархи ҳам ошиб кетган.

"Бобурнома" аслида ўзбек ёзувида ёзилганини ҳамма билади. Ана шу араб ёзувига асосланган алифбодаги сўзларни бошқа алифбога, хусусан, кириллга асосланган ҳозирги ёзувимизга табдил қилишда бир қатор чалкашликлар келиб чиқади. Юқорида келтирилган битта сўзнинг бир неча шакли бунга мисол. Бунга битта сабаб араб ёзувининг ўзига хос хусусиятлари, қийин жиҳатлари бўлса, иккинчиси — сўзнинг маъносини тушунмаслик, тил билмасликдир.

Ансориддин ИБРОҲИМ,
ҳиндшунос



Дилбар МАҲМУДОВА

ҲИКМАТ ОТАНИНГ ҲИКМАТЛАРИ

Суҳбатдошим — Ҳикмат ота Қорабоев етмиш бир ёшда. Касби ўқитувчи. Бўстонлиқ туманининг Хумсон қишлоғида туғилиб, Хумсон ва Чинор қишлоқларидаги ўрта мактабларда қирқ етти йил тил ва адабиётдан дарс берган. Ҳозир нафақада. Умр йўлдоши Анорхон ая билан оила қурганига ярим асрдан ошди. Бири хонадоннинг чироғи бўлса, иккинчиси шу чироқнинг пилиги... Ўртадаги меҳр-муҳаббатдан туғилган тўрт қиз, уч ўғил ота-оналари дуосини олишни ҳаётларидаги энг қувончли онлар ва яшашдан мурод-мақсад деб тушунадилар. Ҳикмат отанинг йигирма уч невара, уч чевараси ҳам ота-оналари удумини олиб вояга етмоқдалар.

Ҳикмат ота билан Анор ая уруш орқасидаги фидокорона меҳнатлари учун бир неча бор тақдирланган. Улар уруш қатнашчилари билан тенг имтиёзларга эга. Ҳикмат ота қишлоқ зиёлиси сифатида турли янгиликлар ташаббускори ва ташкилотчиси. Тўй ва турли маросимларни янгича, ихчам, тежамли ўтказиш ҳақида гапираркан, уларни қиёмига етказиб бошқаради. Қишлоқнинг ёшу кексаси бундай йиғинларда маънавий бойийдилар.

Муаллим ҳамқишлоқлари орасида биринчилардан бўлиб авлодлари шажараси устида катта қизиқиш билан иш олиб борди ҳамда икки авлод — ота ва онаси авлоди шажараларини тузиб чиқди.

— Хумсонлик машҳур ашулачи Беркинбой Файзиев тақдири ҳам мени жуда-жуда қизиқтиради, — дейди муаллим. — «Поездингни жилдирган...» ёки «Дарё тошқин, сувлар тўлқин ўтолмайманеи...» деб бошланадиган қў-

шиқларни биринчилардан бўлиб у қуйлаган эди. «Ушшоқ»ни айтганда одамни сел қилиб юборарди. Овозмисан, овоз эди... У 1942 йили Хумсондан Андижонга кўчиб кетган. Фарғона канали қурилишида қатнашган... У ёғи биз ҳамқишлоқларига қоронғу... Баъзида катта санъаткорлардан хумсонлик Беркинбой ашулачи ҳақида илиқ гапларни эшитиб қоламан. У ҳақдаги маълумотларни тўплаб, бир эсдалик яратиш биз ҳамқишлоқларининг вазифаси деб тушунаман.

Ҳикмат отанинг Қуръони Карим, Ҳадиси шариф каби мўътабар китобларнинг олтин саҳифаларини варақламаган, такрор-такрор ўқимаган куни йўқ. Отахонимиз китоб шайдоси. Ўзларининг эътирофларига қараганда ўз оғирлигичалик китоб ўқиган эмиш. У ўқиган китоблари рўйхатини тинглаганим сайин, бу ўхшатиш бир камтарлик бўлиб туюлди. Наинки, рўйхатлар ҳажми у ўз оғирлигидан бир неча баробар кўп китоб ўқиганлигини кўрсатиб турибди.

Серҳаракат, тиниб-тинчимас Ҳикмат ота яна бир режаси ҳақида гап очиб қолди. У ўзи узоқ йиллар ишлаб, нафақага чиққан Чинор қишлоғи мактабида ўқиётган қизлар учун бир мусобақа ташкил этиш ниятида экан. Ҳозир мусобақа шартлари устида ишлаётганмиш. Мусобақада ютган иффатли, энг билимдон қишлоқ қизига унинг ўз шахсий мукофоти ҳам бор. Ғолибга бир ойлик нафақа пулини совға сифатида ўз қўли билан топширмоқчи.

Нега энди қизлар мусобақаси дерсиз? Бу сир... Суҳбатимиз давомида бу мавзуга яна қайтиш ниятимиз бор. Ана шунда ҳаммасини билиб оласиз.

Қишлоқ муаллими Ҳикмат ота Қорабоев ҳақидаги гапларимни шу ерда тўхтатсам ҳам бўларди. Негаки, бир одам ҳақида озми-кўпми маълум бир тасаввурга эга бўлдингиз. Лекин унинг ўқитувчилик фаолиятидаги, оилапарварлигидаги, юртпарварликдаги ўзига хослигига доир шундай ҳаётий лавҳалар билан танишдим, ҳикоялар тингладимки, уларни, азиз журналхонлар, сизлар билан баҳам кўргим келди.

Чинор қишлоғидаги ташқи кўринишдан бир-бирига жуда ўхшаш ҳовли-жойлар, чорбоғлар оралаб Ҳикмат отаникига кириб бораяпмиз. Эшиги олдидаги супачада ўтирган қариядай сўрадик:

— ... Ҳикмат уйда бўлса керак, — деди у. — Аёли оғригандан буён кўчага кам чиқадиган бўлиб қолган, э қароғларим, Оллоҳ шифосини берсин...

Ҳикмат ота бизни очиқ чеҳра билан кутиб олди. Ичкарига бошлади. Ҳовлидан пешайвонда ўтирган ранғпар аёл кўринди. Бемор аёллари шу бўлса керак, деган ўй ўтади кўнглимдан. Беморни уринтириб қўйишдан хижолат чекиб, ичкарига киришга унамаймиз. Муаллим билан холироқ бир жойда суҳбатлашиш истагини билдирамиз.

— Анор аянгиз ҳам зерикиб ўтирибдилар. Кун бўйи шу ўтириши, — дейди хўрсиниб ота. — Сизларни кўрса кўзи қувнайди, кўнгли кўтарилади... Ахир, одам тафтини одам олади... юра қолинглар...

Анор ая кўришишга чоғланиб, ўринларидан бироз қўзғалиб биз томон ҳимралиб қўядилар...

Бундан ўттиз йиллар илгари бу аёлни қишлоқ тўйларидан бирида кўргандим. Кўриб, унга жуда ҳам ҳавасим келганди. Тим қора сочлари тақимига тушарди. Сарви қомати вақти келиб бунчалик кам ҳаракат бўлиб қолиши ўшанда кимнинг хаёлига келибди дейсиз... Хурмачадан қатиқ тўкилса юқи қолади деганларидек, шунча йиллик дард азоблари ҳам унинг табиат инъом этган ҳусни-жамолига доғ сололмабди. Ўз ёшидан ёш кўринадилар ая.

— Шунақа бўлади деб ким ўйлабди дейсиз, — дейди Ҳикмат ота ўйланиб. — Бир кечада қон босими кўтарилиб гудраниб қолди... Бир қўли, бир оёғи ишламайди... уч йил бўлади... шу алпозда ўтирибмиз... Бизга ҳеч нарса эмас, унга жабр бўлди. Уйга сиғмайди... чопиб, елиб-югуриб юрадиган одамнинг бировга мутеъ бўлиб қолишидан ёмони йўқ экан. Оғзидан чиққанини бажарамиз... Лекин у бошқаларга хизмат қилишга ўргангани учунми, ўз яқинлари хизматидан ҳам андиша қилиб туради...

Анор ая эрининг гапларидан ҳаяжонланиб, чап қўли билан ёқаларини тўғрилаган бўлади. Кўзларига ғилт-ғилт ёш олади. Шу орада бўйи етиб қолган икки қиз хонага бирин-кетин кириб келишди. Биз билан кўришиб, дастурхон ёзишди...

— Булар невара қизларим, — дейди Ҳикмат ота. — Бири катта қизимизники, иккинчиси кичик ўғилники... Ҳар куни неваралардан бирови бувисининг олдида навбатчилик қилади. Кўнгли тусаган овқатини оғзига тутишади, кир-чирдан хабар олишади. Ҳовли-жойларга сув сепиб, супуришади...

Суҳбатимиз давомида ота ўғил-қизлари, келин-куёвлари, набиралари ҳақида, уларнинг яхши хулқ-одоблари, меҳр-оқибатлари хусусида неча бор тўлқинланиб гапиради, уларнинг борлигига шукроналар айтади... Буларни тинглаб ўтирган ая эрига қўшилгандек бошини қимирлатиб қўяди...

— Бу синглимиз биз ҳақимизда ёзмоқчи бўлиб келибдилар, — дейди хотинига қараб Ҳикмат ота.

Анор аянинг катта-катта қора кўзлари чақнаб, нимадир демоқчи бўлади... Билдимки, ҳаёт йўлдоши ҳақида ёзишларини жуда истайди, буни кутган, бундан хурсанд...

Саволни нимадан бошлашни билмай бироз ўйланиб қоламан. Кейин энг охирига олиб қўйган саволимни бераман.

— Адабиёт дарси сабоқлари ҳақида ўз иш тажрибангиздан келиб чиқиб нима дея оласиз?

— Аввало ҳар қайси фандан ўтиладиган дарс соати ўзига хос сабоқ, ўзига хос кашфиёт бўлмоғи керак. Адабиёт дарсида бу талаб янада кучлироқдир. Негаки, адабиёт ўз моҳияти билан адаб-одоб дарсидир. Унинг инсон боласига таъсир кучини атомдан кучли дейдилар...

Шундай деяётиб, Ҳикмат ота бироз ўйланиб қолдилар. Кейин Анор аяга қарадилар. Ая нимадир демоқчи бўлдилар. Ҳикмат ота аёлини тушунди чоғи мийиғида кулиб қўйди...

— Бирор марта дарсга тайёргарлик кўрмасдан мактабга борманганман. Унда болалар ёш, уй юмушлари икковимизнинг зиммамизда, — дейди ота гапида давом этаркан. — Мол-ҳол, экин-тикин, боғ ишларидан тинган оқшомларда эртанги дарсга тайёргарлик кўрардим. Ёнимда янгангиз қийиқча тикиб ўтирар ва мени кузатарди. Эртасига дарсим қандай ўтганига қизиқиб сўраб қўярди. Назаримда Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романини эсимга соляпти... Негаки, уни икковимиз гоҳ йиғлаб, гоҳ кулиб, биримиз Кумуш, иккинчимиз Отабек бўлиб неча бор ўқиб чиққанмиз.

Анор аянинг чеҳрасига табассум ёйилди...

— Эсингизда бўлса Кумуш Отабекни тўй кунигина кўради ва «Сиз ўшами?!» деганида қалбида қуёш чиққандай бўлади. Дарсимни нақ шу лавҳадан бошлашимни биламан, синф сув қуйгандек жимиб қолди... Дарс тугагач, болалар «Ўтган кунлар» китобини қаердан топиш мумкин дея сўроқлаб қолишди.

Иккинчи дарсимни Ҳомид Кумуш ётган хона орқасидан ҳандақ ковлаётган энг ҳаяжонли жойида тўхтатдим. Учинчи дарсимда болаларни синамоқ учун «Эссиз, Отабекни Ҳомид ўлдириб қўйди-я» дейишимни биламан, гўё синф кўтарилиб кетгандек бўлди:

— Ҳомид Отабекни эмас, Отабек Ҳомидни ўлдирди, — дейишди бир овоздан менинг хатоимни тўғрилаган бўлиб. Билдимки, китобни қидириб, топиб ўқишибди. Мен ҳам «Ие, адашиб кетибман-ку», — деб қўя қолдим.

Бундай ўқитиш услублари адабиёт фанидан дарс беришнинг асосий омили демоқчи эмасман. Лекин адабиёт ўқитувчиси аввало ўқувчида китобга меҳр уйғотмоғи керак. Ўқувчини китоб билан учраштирмоғи, китобнинг, адабиётнинг дўстига айлантирмоғи керак. Қолгани ўқувчининг дунёқараши, қизиқиши, салоҳиятига боғлиқ.

Мен шундай кезларда ўқувчиларим кўз олдида янги бир дунё очилганидан қувонардим. Адабий соатларимни нечоғлик ўқувчи қалбига яқинроқ, унга таъсир этадиган тарзда олиб боришнинг янгидан-янги усулларини ўйлаб топардим. Мактаб кутубхоначиси аъзолари кўпайганидан қанчалик қувонмасин, ўқувчиларга китоб бериб, китоб қайтариб олишдан кўл-қўлига тегмай қолганидан баъзида нолиб ҳам қоларди.

— Агар ўқитувчи қотиб қолган шахс бўлса, у қирқ беш минут вақт давомида дарс тугашига қачон кўнгироқ чалинар экан, деган ташвишли кутиш билан яшайди, — дейди гапида давом этиб Ҳикмат ота. — Аслида ҳар бир дарс ўзига хос кашфиёт, ўзича бир янгилик. Ўқувчига билим бермоқчи бўлган устознинг ўзи билимга чанқоқ бўлмоғи даркор. Дарсликларда, қўлланмаларда айтилмаган, лекин ҳаётда учрайдиган шундай воқеалар, ҳодисалар борки, улар ана шу дарсликларни янада мукаммал, қизиқарлироқ англашга ёрдам беради. Ўқувчиларни фикрлашга, ўйлашга ўргата олиш керак. Бу фақат математика, алгебра, физика қонунларини ўргатадиган аниқ фанларга доир дарсларга дахлдор дейдиганлар янглишадилар. Адабиёт фани ҳам ўқувчини фикрлашга, чуқур фикрлашга ўргатиши шарт. Ана шунинг учун ҳам ҳаётий мисолларга, айниқса, қишлоқ ҳаёти, турмуш тарзидан келиб чиқиб, жонли мисоллар орқали дарс ўтишга интилардим.

— Шу гапингизга бирор мисол келтира оласизми?

— Мумкин, — жилмайди Ҳикмат ота. — Сизга айтсам, бир куни дарсимни куйидаги топишмоқдан бошладим: бир деҳқон картошка экибди. Мўл-кўл ҳосил олибди. Кейин уни қишга олиб қўйиш учун ўра кавлабди. Бахтга қарши кечаси билан ёмғир ёғиб, ўра сувга тўлиб-тошибди. Қани айтингларчи, ўрадан сувни қандай олиб ташласа бўлади? Ким бу топишмоққа тўғри жавоб берса, бир эмас, иккита «5» баҳо қўяман, дедим. Синф жим бўлиб қолди. Шошма-шошарлик билан жавоб бериш учун қўл кўтарганлар ҳам бўлди... Балки, бундай топишмоқнинг адабиёт дарсига нима алоқаси бор, деб ҳайрон бўлаётгандирсиз, — дейди у менга қараб. Алоқаси бор... Бу услуб ўқувчилар орасидан фикр-мушоҳадали, иқтидорли ёшларни танлаб олиш имкониятини беради. Бундай ўқувчиларни ўз қизиқиши, билимига қараб маълум бир соҳаларга йўналтириш мумкин. Ахир, ўрта мактабнинг асосий вазифаси ҳам шу-да.

— Хўш, ўрадан сув қандай олиб ташланар экан? — дейман ҳамон топишмоқ жавоби ҳақида ўйлар эканман.

— Шаҳар бердингизми?! — дейди ўқитувчи кулиб ва гапида давом этади. — Ўқувчиларимдан уч-тўрттаси топишмоққа жавоб беришга уриндию, лекин бўлмади... Ҳафсалам пир бўлиб турубди, орқада ўтирган камгап бир ўқувчим бирдан қўл кўтариб қолди. Суюниб кетдим. Гап унинг жавобида эмасди. Ҳозир у топишмоққа тўғри жавоб қиладими ёки нотўғри, бунинг ҳам менга у қадар аҳамияти йўқ эди. Ҳамма гап синфимдаги энг тортинчоқ, ўрта ўқийдиган боламнинг топишмоқ ҳақида ўйлагани, фикр юритганида эди.

— Ўрадан ковлаб олинган тупроқларни қайтариб яна ўраларга солинади ва лойга айланган тупроқ олиб ташланади... Шунда нафақат ўрадаги сув йўқолади, балки унинг ичи намланиб ҳам қолади, — деди у дадил-дадил гапираркан...

Бу энг тўғри жавоб эди. Синфимдаги энг аълочи ўқувчиларим тополмаган жавобни у айтиб берганди. Кўряпсизки, истеъдодсиз бола бўлмайди. Фақат истеъдодларни қидириш керак.

Муаллим билан суҳбатлашганим сайин унинг иш тажрибаларига қизиқиб қолдим. Унинг тарбиявий соатлари ҳам ўзига хос, ниҳоятда ранг-баранг бўлганини билиб оламан.

— Юқори синфларда дарс берганман, — дейди у, — ўқувчиларим айни балоғат ёшида, муҳаббат ёшида... Демак, мавзуни шунга яраша танлаш керак. Бу ҳақда ўйлайвериб, бошим қотиб кетарди.

«Сизни кимдир яхши кўради, лекин сиз уни хуш кўрмайсиз. Ёки сиз ёқтирган одам сизни хуш кўрмайди. Айтингчи, қай бири билан турмуш қурардингиз?» деган саволни ўртага ташладим, бир дарсимда — дейди у. — Очиғи, бунга ўзим ҳам ҳали нима деб жавоб беришни билмасдим. Ишонасизми, баҳс-мунозара уч соатдан ортиқ давом этди. Йигит-қизларимизни таниёлмай қолдим. Уларнинг фикр доиралари кенг, дунёқарашлари тиниқ эди. Муҳаббат, оила қуриш мавзусидаги бу баҳсларда, айниқса, қизларим фаол эдилар.

Бир куни қўшним чиқиб қолди. Ҳасратидан чанг чиқарди. Келини билан аразлашиб қолибди. Бир ойдан буён келини қайнонасига юзини ўгириб, салом бермай юрганмиш. Бу қайнонакелин можароларида кўп учрайдиган воқеа. Гап қайси томонда айб кўпроқ эканида ҳам эмас. Гап ёшларнинг кексаларга қайишишида, кексаларни иззат-икром қилишда, ҳар қандай вазиятда ҳам уларнинг юзига чопмасликда эди. Биз тарбиячилар ўқувчиларимизни ана шунга чақиришимиз керак. Шу воқеа сабаб навбатдаги тарбиявий соатим мавзуси келиб чиқди: «Сиз келин бўлдингиз». Қизлар аввалига уялиб туришди. Чунки бу дарсда ўғил болалар ҳам қатнашарди. Бу бежиз эмасди. Бу масалада ўғил болаларнинг фикр-мулоҳазаларини билишни истардим. Улар бўлажак қайлиқларини қандай кўришни истайдилар. Йигитларнинг хоҳиш-истаклари, орзулари қизларга бошқаларнинг гапларидан кўра кўпроқ таъсир қилишини биламан.

Ўз қайлиғини чиндан севган, ҳурмат қилган қиз унинг онасини ҳам ҳурмат қилади. Кўряпсизки, оиладаги тотувлик йигитларга ҳам боғлиқ экан. Келиннинг ҳулқ-одобида унинг йигитга бўлган иззат-икроми, меҳри ётаркан, йигитлар ҳам шунга муносиб бўлишлари керак. Яхши хулқ-одоб йигитга ҳам, қизга ҳам бирдек керак.

Мисолни ўзимдан бошладим. Раҳматли отам ҳар куни эрталаб уйғотиб, юз-қўлимни ювганимдан сўнг «Қани ўғлим бир кўчага чиқиб, учта одамга салом бериб келинг-чи, кейин нонуштага ўтирасиз», дердилар. Саҳарлаб кўчада одам камқатнов бўларди. Иккита ўткинчига салом бериб, учинчи йўловчини кута-кута кўзларим толиб кетарди. Бир куни деворимизга зўр-базўр тирмашиб чиқдимда «Ҳой, Қорабой амаки, ҳой амаки, бормисиз...» деб чақирдим. Отам: «Ҳов, ҳозир...» деганларича ичкаридан югуриб чиқдилар.

— Ассалому алайкум! — дедим бор овозим билан.

— Ваалайкум ассалом..., — дедилар, дедилар-у отам мени таниб қолиб, ҳеч бо боласи тушмагур-ей, шуниям йўлини топдингми, дея қаҳ-қаҳ отиб кулдилар.

Учта одамга қарз саломимни бериб, юзимни ёруғ қилиб уйга кириб бордим-да, масза қилиб чойимни ичдим.

Ота-оналаримиз таниш-нотаниш, кўчадан, эшик олдидан ўтган, кетган одамларга ҳам салом беришга ўргатишган. Не-не орзу-ҳаваслар билан келин туширсанг-ку, у эртасига сенга юз ўгириб юрса. Буни қандай тушунмоқ керак?! Салом — Оллоҳнинг каломи. Ундан юз ўгирган одамдан яхшилик кутиб бўладими?! Оддий саломдан бошланган баҳснинг шакл-мазмуни

тобора чуқурлашиб борарди. Келинлик фазилатлари бу ўткинчи бир ҳодиса эмас, у абадий бўлмоғи даркор. У одамнинг инсоний туйғуларидан, оиласида олган тарбиясидан андоза олади. Ким ўзидаги ўжарлик, такаббурликни енга олади? Ким андишали, ким кечирувчан, ким ширинсўз, меҳрибон... Бу хислатларнинг омили оиладан. Ҳали бўҳчаси ечилмасдан уйига қайтиб кетаётган келинларнинг фожеаси нимада? Чой ичган пиёласини тўнтариб кетадиган, уч кунлик идиш-товоғи ошхонада пашша босиб ётган уй бекаси, ишонингки, уйида ишга солинмаган, ундан озодалик, тартиб талаб қилинмаган. Саломини аяган келин, ишонингки, ота ҳовлисига саломсиз кирган, ундан саломсиз чиққан... Тўғри, қизларга осон эмас. Улар кўп нарсаларнинг уддасидан чиқа билишлари керак. Келин бўлганларидан кейин уларга талаб янада кучаяди. Оддий чой узатиш, самовар қўйиш, дастурхон ёзиш, нон ёпиш, сигир соғишдан тортиб оналик вазифасигача — у буларни қандай уддалаяпти — одамлар кўз ўнгида кўриниб туради. Назаримда ўғил болалардан кўра қизлар тарбияси оғирроқ. Биз ота-оналар аксари ҳолларда қизларимизни касб-ҳунарли бўлишлари, билим олишлари учун астойдил ҳаракат қиламиз. Бу яхши, албатта. Лекин ҳаётда бу уларга камлик қилади. Уларга яшаш, одамлар билан муомала, маданият, рўзғор тебратиш каби минг бир ҳикматдан эринмай дарс бериб бориш керакки, токи улар турмуш қургач қийналмасинлар, бизларга лаънат олиб келмасинлар. Эътиборни ўғил болалардан ҳам кўра кўпроқ қизларга қаратаётганимнинг боиси шундаки, ўғил болаларнинг тарбиячиси ҳам, онаси ҳам аёллар. Эркакларда ҳаётга, жамиятга ва, ниҳоят, аёлга бўлган муносабатни тарбиялайдиган ҳам аёлнинг ўзи. Қизлар мусобақасини ташкил этиш ниятим ҳам ана шундай фикр-мулоҳазаларнинг меваси.

Мен ўзбек хонадонлари учун бир оилавий китоб ёзилишини орзу қиламан. У ота-оналар учун ҳам, болалар учун ҳам бирдек ҳаётий қўлланма бўлса, дейман.

— Қишлоқ мактаби ўқувчиларининг шаҳарлик ўқувчилардан фарқи нимада?

— Агар қишлоқ боласи ёстиққа ёнбошлаб куни билан телевизор кўрса ёки футбол майдончасидан ҳа деганда келавермаса, дастурхон атрофига ўйлашиб ўтиради... Қишлоқ болалари меҳнаткашлиги билан шаҳарликлардан фарқ қилишади. Улар тўрт девор орасида эмас, кўпроқ далада, табиат қўйнида яшайдилар. Ўт ўриб келган, мол боққан, кетмон чопган, пахта терган, ўтин ёрган... Шаҳарга тез-тез тушиб тураман. Подъезднинг олдига ёққан қорни кураб қўйишни сансалор қиладиганларни кўрдим. Қишлоқда ўз эшиги экану йўлларгача кураб қўйишади. Шаҳар боласи эшакка минишга кўркади. Турмуш шароити, қишлоқ хаётининг ўзига хос қийинчиликлари ҳам болаларимизни чиниқтириб бораверади. Ҳеч эсимдан чиқмайди, бир куни қўшни қиз гугурт сўраб чиқиб қолди. Аксига олиб бизда ҳам гугурт тугаган экан. Шунда ўша қиз ҳовучини тўлдириб кул олди-да, устига чўғ қўйиб беришимизни сўради ва липиллаб олиб кетди... Мана уддабуронлигу, мана фаросат...

— Қишлоқ ўқитувчиларининг фазилатларини нимада кўрасиз?

— Ўқитувчи, устоз, мураббийнинг ҳамма хатти-ҳаракатларида ўрнак бўлари фазилат бўлиши керак. Акс ҳолда уни устоз деб аташмасди. Афсуски, ана шундай шарафли ном эгалари орасида ўз устида ишламай қўядиган, замондан орқада қолаётган, ҳатто китоб ўқимай қўйган ўқитувчилар бор. Ўқувчиси билан нос, тамаки чекишиб, ароқ уриштириб ичаётганлари бор. Дарсларга усти-боши кир-чир, соқоли олинмаган, сочи ўсган ҳолда келаётган ўқитувчиларимиз бор...

Улар ўқувчи ўқитувчининг ҳар бир ишидан — кийиниши, ўзини тутиши, ҳамма-ҳаммасидан ибрат олишларини унутишади. Баъзи ўқитувчилар ўз ўқувчиларининг савдо-сотиқ ишларига аралашгани учун койиш, тартибга чақириш ўрнига улардан турли-туман нарсалар сотиб олиб, яна уни-буни олиб келишни буюрадилар... Кўряпсизки, мени ўқитувчиларнинг фазилатларидан кўра нуқсонлари кўпроқ ташвишга солмоқда.

— Авлодларингиз шажарасини тузиш устидаги изланишларингизга сабаб ота-оналарингиз олдидаги бурчми ёки шу соҳага қизиқишми?

— Ҳар иккови ҳам. Ҳар бир маданиятли одам ўз келиб чиқиши, ўтган авлод-аждодлари ким бўлишган, қандай савоб ишлар қилишганини билишга ўзида эҳтиёж сезиши керак. Низомий номидаги Тошкент педагогика институтида ўқиб юрган кезларим «Дунё тиллари шажараси» мавзусида янги дарс кира бошлади. Ўшанда беихтиёр амаким Мирбува Улуғбекнинг менга қилган панд-насиҳатлари ёдимга тушди.

— Мулла Қўшоқ буванг ўтиб кетган бува-бувиларинг, уларнинг авлод-аждодлари исми-шарифи ёзилган дафтарчани кўз қорачиғидай асрарди. Уни менга ўқиб ҳам берган. Лекин шу дафтарча негадир йўқолиб кетди...; — деди у ўйланиб. — Мен ҳам ғаниматман... қўлингга қалам-қоғоз ол, эшитганларимни айтиб турай, ёзиб ол...

Ўшанда амакимдан эшитганларимга қарағанда ота-боболаримизнинг боши Шомансур эшон, у кишининг Олим, Аҳмад, Шобува исмли уч ўғли ва Қорасоч, Гулисара исмли икки қизи бўлган...

Раҳматли Мирбува амакимнинг «Худога шукур, омонатни эгасига топширдим, у ёғини сўраб-суриштириб, тўлдириб оларсан» деганлари эсимда. Дарсда ўтирибман-у хаёлимда амакимнинг шу гаплари айланарди. Омонатга хиёнат қилмайдилар. Амакимнинг куюниб айтган бир оғиз гаплари, менга бўлган ишончлари сабаб шу ишга киришиб кетганман. Очиғини айтганда авлодларимиз шажарасини тузишга 1960 йилдан қизиқа бошлаганман...

Она авлодим шажарасини тузиш устида саккиз йил изландим. Бунда қариндош-уруғларимиз менга яқиндан ёрдам кўрсатишди. Ҳамқишлоқларимдан ҳатто кексайиб қолган бўлишларига қарамай уйимга келиб авлод-аждодларимиз ҳақида билган-кўрган, эшитган гапларини эринмай ҳикоя қилиб берганлар ҳам бўлди.

Она авлодимнинг келиб чиқиши асли турк бўлиб, Масқол қози бува, улардан Файзи бува, улардан Қосимбой бува, улардан Исроил бува тарқаган экан...

Шуни ёруғ юз билан айтишим керакки, агар икки авлод шажарасини тузишга салкам йигирма йил овора бўлган бўлсам, буларни мен бирор манфаат юзасидан қилганим йўқ. Шу икки авлоднинг невара, чевара, эвараю дуварлари ўз бобокалонлари ҳаққига дуои фотиҳа қилганларида савобидан мен ҳам қилдай баҳраманд бўлсам кифоя...

— Шажара тўплаш жараёнида қариндош-уруғларингиз ҳақида сиз учун қизиқарли бўлган янги воқеалар эшитгандирсиз?..

— Эшитганда қандоқ! Бобом Мирзаахмадбойни кўрмаганман. Лекин онам орқали таний олдим. Онам ўз отасини ҳамиша кўзига ёш олиб эслардилар. Қишлоғимиз қарияларидан бирининг хотирлашича, бобом Мирзаахмадбой ўзига тўқ одам бўлган. Тўда-тўда отлари, қўра-кўра қўй-қўзилари, қора молларининг ўзи бир яйлов бўлган экан.

— Бир куни бувангнинг ҳовлисидан ўтиб қолганман, — дея эслайдилар ҳамқишлоғим. — Буванг пўстинга ўралиб ўтирар эдилар. Э, отахон шундоқ иссиқда нега пўстинга ўралиб ўтирибсиз дедим. Буванг дарахт шохларига

илиб қўйилган оппоқ кўйлак-иштонига ишора қилиб, уст-бошим қуригунча ялангоч ўтирмай дедим-да, деб жавоб берган... Бобонг бой бўлишига қарамай битта тўни иккита бўлмаган, эл қатори яшаган. Оила, рўзғор тебратишда ҳам, тўй-маросимлар ўтказишда ҳам ошиб-тошиб кетмаган...

Шарофат ўчам (бизнинг қишлоқда бувини ўча дейдилар)ни кўрганман. Шаддод аёл эди. Айтганини қилмасак зардаси қайнарди. Қариндошларимиздан бири ўчам ҳақида қизиқ бир воқеани айтиб берган: эмишки, Шарофат ўчам йўлда кетаётса олдидан бир жодугар чиқиб қолибди. Ўчам жодугарнинг сочига ёпишибдилар. Сочимни қўйиб юбор, етти пуштингга тегмайман, деб зорини қилибди жодугар. Ўчам жодугарга қулоқ солмабди, сочини юлиб олибди... Шу-шу бизнинг авлод-аждодларимизга ёмонлик дохил қилмасмиш. Туғолмай, қийналиб ётган ҳомиладор аёлнинг бошига Шарофат ўчам келиши билан унинг осонгина кўзи ёрир экан...

Бу бир ривоятми ёки бўлган воқеами, билмадим, ҳар қалай бундай ҳикоялар бувимнинг бир сўзли, қатъиятли, довюрак аёл бўлганини билдиради. Ўчам ҳақидаги иккинчи ҳикоя улар ҳақидаги хотираларимни янада бойитиб юборди. Ҳарқалай бу эшитганларим ривоят эмас, ҳақиқат эканига ишонаман. Яқин-яқинларгача қишлоғимизда ўлган аёлни ювувчи бўлмаган. Майитни ўғил-қизлари, яқинлари ювиб, кафанлаб сўнгги йўлга кузатишган. Айтишларича Шарофат ўчам қишлоғимизнинг қаерида бирор аёл оламдан ўтса тезда ўша ёққа етиб бориб, ўлик эгаларига «агар менга ишонсангизлар, майитни ювиб, кафанлаб берай» дея ўз хизматларини таклиф этар эканлар. Дарёда оқиб, дарёга чўкиб кетган, ириб-чириб қолган мурдаларни ҳам ҳеч сесканмай, ирганмай ювиб-тараб, кафанлар эканлар. Хизматларига бирон нарса беришмоқчи бўлса қаттиқ оғринар, олмас эканлар. Мен Оллоҳ йўлига, савоб учун қилдим, деб кўя қолар эканлар. Ўчам бойвучча аёл бўлиб, ҳеч нарсага муҳтожлик сезмай яшаб ўтган эканлар. Демак, майитга бирор манфаатни ўйлаб эмас, балки кўнгилдан чиқариб хизмат қилган эканлар. Бу ҳикоя ўчамнинг нақадар сахий, инсонпарвар, ўлик-тирикка бирдек меҳр-шафқатли, камтар инсон бўлганидан дарак беради. Мен авлод-аждодларимнинг ҳар бири билан шундай фахрланаман. Уларнинг ҳар қайсиниси ҳақида фақат ибратли ҳикоялар эшитдим.

Ҳикмат ота Қорабоев билан суҳбатимиз қизигандан қизиб борарди. Анор аяни чарчатиб қўймадикмикан, дея хижолат билан у кишига қараб-қараб қўяман. Ая эса ҳамон ёстиққа суянмасдан, қоматларини тик тутиб ўтирар эдилар. Ҳикоялардан таъсирланганда кўзларига ёш олиб рўмоллари учи билан кўз милкларини босиб-босиб қўярдилар.

— Аянгизнинг кўнгиллари жуда бўш, — дейди отахон жилмайиб. — Ҳеч эсимдан чиқмайди, ўғлимиз Тошкентда ўқишга кириш учун имтиҳон топширганди. Имтиҳон натижаларини билгани эр-хотин ўғлимизни олдимизга солиб шаҳарга тушиб бордик. Ўқув даргоҳи ёшлар, ота-оналар билан гавжум. Радиокарнайдан ўқишга кирган ўқувчиларнинг исми-шарифлари эълон қилиб турилибди. Ўғлимизнинг исм-шарифи ҳам ўқилди. Ҳаяжонланганимдан дўппимни қўлимга олиб бир қоқиб, яна бошимга кийдим... Биров хурсанд, биров хафа...

Бундоқ қарасам янгангиз хўнг-хўнг йиғлаб ўтирибди. Аввалига севинч ёшлари бўлса керак, деб ўйладим. Қарасам, йиғидан тўхтамаяпти.

— Ўғлингиз ўқишга кириб олган бўлса, йиғи нимаси онаси, — дедим ҳайрон бўлиб, — туринг, уйга кетамиз...

— Кетармиз, — деди Анор аянгиз хомуш бўлиб. — Бир дам шошманг, отаси, мана бу синглим... У ёнидаги тиззаларига бошини қўйганча пиқ-пиқ йиғлаб ўтирган қизга ишора қилганди. — Шуларнинг қаторида худойим шу қизни ҳам ярлақолса нима қилардия.., — деди ич-ичидан ачиниб...

— Ўксик қизни кўрганда ўз оиласи қувончи ҳам татимаган аянгизга. Буёғини айтсам, шажара тўплаш жараёни ҳам осон кечмаган. Бирор янгилик, хушхабар эшитишим билан биринчи бўлиб янгангизга айтардим. У қаттиқ таъсирланар, ишни бўшаштирманг, фалончига учрашинг, ундан сўранг, бундан маслаҳат олинг, деб ҳоли-жонимга қўймасди...

Шу орада кўзликкина жувон кириб келди. У мен бир вақтлар тўйда кўриб ҳавасим келган Анор аянинг ёшлигига жуда ўхшаб кетарди. Ҳиссиётларим алдамабди.

— Бу энг катта қизимиз, тўнғичимиз Ҳабибахон, — дейди Ҳикмат ота қизига ёнидан жой кўрсатар экан. — Ҳар куни ишдан чиқиб, бизлардан бир хабар олмай, уйига кетмайди... ҳали Лобарим, Зебо ёки Заҳройим кириб келади, ҳали Зоир билан Нозим телефон қилади. Келинларнинг ҳам бир оёғи уйида бўлса, бир оёғи бизникида... Ҳаммасининг кўнгли онада... Онаси яхши ухлаган, иштаҳаси бўлган кун улар ҳам хотиржам. Онаси безовта бўлса, болаларимиз ҳам ҳаловатларини йўқотишади. Ота-она тинч бўлмаса болаларнинг ҳам ини бузилар экан. Борига шукур. Бегона бир хабар олади, икки хабар олади... Болаларимиз онаси оғриганига уч йил тўлган бўлса шундан буён елиб, югуришади. Барака топишсин, орқамизда қолишсин...

Ҳикмат ота бизни кузатиб ҳовлига чиқадилар. Ҳовли саҳнидаги гуллар қийғос очилган, нақ ерга гилам тўшалган дейсиз. Гуллардан узиб, отахон менга узатадилар.

— Булар аянгиз ўз қўллари билан экқан гуллар, — дейди у. — Ўн олти хил гулимиз бор. Аянгиз бетоб бўлганидан буён бу гулларга фақат ўзим қарайман. Гулларни Анордан ҳам зиёда парваришлагим келади. Мана уч йилдан буён бир тупгул ҳам бежо бўлгани йўқ...

Эшитимча, Ҳикмат ота Анор аяни унинг гулларидан ҳам ортиқроқ эъзозлар эмишлар. Аяни гулзорга олиб чиқар, қўлтиқтаёқ бўлиб атак-чечак юргизар, китоб ўқиб берар, бемор кўнгил чигалларини ёзишга ҳаракат қилар экан... Бу ҳақда отахоннинг ўзлари ҳеч нарса демадилар. Буни қўни-қўшнилар, ҳамқишлоқларидан эшитдим. Яна Ҳикмат отанинг шаънига улар илиқ сўзларни айтишди. Айвон бурчагидан иккита қалдирғоч учиб чиқиб, ҳавога кўтарилди. Ҳикмат ота уларга қараб ўзимизнинг қалдирғочлар, дейди. Шу ерга кўчиб келибмизки, улар биз билан. Ҳар йили келишади, бола очишади...

Бувимдан қалдирғочлар ахил-иноқ, меҳр-шафқатли хонадонларга ин қўяди, деб эшитгандим.

Хайр-хушлашаётиб Ҳикмат отага, унинг оиласига сабр-тоқат, яхшиликлар тилайман.

— Сабрга фақат дарахт чидаркан, — дейди ота синиқ жилмайиб. — Оллоҳ таоло бандасига дард бериб, ғам бериб обдон синаб кўраркан. Бизнинг оила ҳам ҳозир синовда.

Яқинда қаердадир ўқиб қолдим, бир онаизор шол бўлиб қолган қизини, ўн олти йил оқ ювиб, оқ тараб боқибди. Сабр таги олтин деганларидек, ўн олти йилдан сўнг ўша қиз ҳеч нарса бўлмагандек оёққа туриб кетибди. Шояд, бизга ҳам ўшаларнинг йўлини берса...

Ҳикмат отани чинорга ўхшатгим келади. Чинорнинг ҳар илдизи, ҳар шохи, ҳар бутоғида ҳикмат бордай. Бу ҳикматлар дашту биёбонда ҳориб, толиб бораётган йўловчининг ташвишини қондирадиган чашма, сўқир кўзга ёруғ жаҳон бағишловчи нур, қалби муз одамнинг ҳам кўнглини эритувчи, денгизда чўкаётган одамга Хизр таёғидек халоскор бўладиган хилқатдай туюлди менга.

Пушкин шеъридаги Қуръон оятлари



Жаҳон шеърияти даҳоларидан Александр Сергеевич Пушкиннинг қуйидаги мисраларини ўқиган ўзбек китобхонлари ажабланади ва ҳайратланади:

Мардона бўл, ёв бил ёлғонни,
Ҳақ йўлидан дадил юр, марғуб,
Етимларни суйиб, Қуръонни
Қулларимга айлагил тарғиб.

Бу сўзлар Пушкиннинг «Подражания Корану» шеърий туркумидан олинган. Пушкин Қуръони Каримни, ислом маънавий оламини яхши билганми?

Бу саволга атоқли мутафаккир Н.Г.Чернишевскийнинг «Шоирлар жамият ҳаётига фаол таъсир кўрсатганми?» мақоласидан қисман жавоб топиш мумкин: «Қуръондан айрим парчаларни А.С.Пушкин таржимасида ўқиганимизда ҳам ундаги оташин сўзлар қалбларни ёндиради» (Дарвоқе, 70 йил давомида собиқ СССР ва Ўзбекистонда ҳам «Музлаган қалбларни сўз билан ёндир» деган ҳикматни Пушкин сўзлари деб, шиор қилиб ёзиб келинган эди, аслида эса, бу Қуръон сўзидир).

А.С.Пушкин ижоди ва ҳаётига оид ҳанузгача очилмаган сирлардан бири шоирнинг Қуръони Каримга ижобий муносабатидир.

Пушкин ўзининг сафар хотиралари ва бадеалари, тарихий роман ва қиссалари, турли миллат сўз усталари асарларига хилма-хил жавоб намуналари билан адабиёт мухлислари диққат-эътиборини ўзига жалб қилиб келган. Зеро, у Шарқ адабиётининг буюк сиймолари Ҳофиз Шерозий, Саъдий Шерозий, араб шеърияти намуналаридан хабардор бўлгани ҳам маълум.

Пушкин 1824 йилда «Қуръонга тақлид» шеърини ёзади. Бу асарни Абдулла Шер юксак маҳорат билан ўзбекчалаштиради.

Манзуманинг иккинчи бандида Пушкин Қуръони Каримнинг «Нур», «Нисо», «Аҳзоб» суралари мазмунидан илҳомланган. Мазкур суранинг айрим оятларида Пайғамбар алайҳиссаломнинг аҳли аёллари тўғрисида ҳамда уларнинг зиммаларидаги вазифалари ва ҳақ-ҳуқуқлари борасида ҳам сўз юритилади:

Эй, Расулнинг пок аёллари,
Устуворсиз жамъи аёлдан:
Сизга даҳшат-фисқ хаёллари,
Сиз оромбахш гўша ичра шаън.
Масъум яшанг: сизгадир мерос
Биби Марям ёпинган либос.
Садоқатли қалбни асрангиз
Ҳалол оғуш, қутлуғ ишқ учун.
Осийларнинг назари бу кун
Юзингизга тушмагай ҳаргиз!
Сизлар эса, эй саҳобалар,
Муҳаммадга бўларкан меҳмон, –
Зинҳор уни ғайри йўл томон
Бошламоқдан қилинг тавбалар.
У илоҳий ваҳийга шайдо –
Яшар экан, боқмагай асло
Мадҳиялар, ҳиссиз сўзларга:
Шукур дея, эъзозлаб базмин,
Пок дил билан қилингиз таъзим
Уйидаги ёш канизларга.

Дарвоқе, Пушкиннинг катта бобоси Иброҳим Ҳанбал (1697-1781) асли Ҳабашистоннинг шимоли-шарқидаги Мариб дарёси бўйида жойлашган Логун шаҳридан, унинг отаси Усмонли турк Империясига вассал бўлган шаҳар ҳокими эди. Унинг оиласи исломий ёки масиҳий бўлгани ҳақида аниқ маълумотлар мавжуд бўлмаса-да, ўша даврга келиб, Африка қитъасининг мазкур ерларида истиқомат қилувчи аҳолининг талай қисми исломни қабул қилганликлари ҳақидаги далиллар етарлича. Иккинчидан, мазкур империя ўрамида ғайри исломий ҳоким бўлиши ҳам шубҳали туюлиши мумкин. Шу далилларга асосланиб айтиш мумкинки, Иброҳим Ҳанбал ҳам мусулмон оилада дунёга келган ва дастлабки тарбияни олган.


А.С.Пушкиннинг онаси Надежда Осиповна ўша ҳабаш Иброҳим Ҳанбалнинг неварасидир. Адибнинг отаси Сергей Львович эса қадимий рус дворянларидан, гвардия зобити эди.

Айрим пушкиншуносларнинг фикрича, буюк шоирни Шарқ шеъриятига, араб поэзиясига, айниқса, Қуръони Карим оятларига қизиқтирган асосий туртки, унинг аждоди Иброҳим Ҳанбалдан суяк суриб ўтган бўлиши мумкин, деб тахмин қиладилар.

Пушкин ўзининг «Қуръонга тақлид» асарини ёзган даврда Қуръони Карим Русияда биринчи марта тошбосма йўли билан асл арабий Қуръон билан биргаликда 1787 йилда босилиб чиққан эди. Демак, Пушкин мазкур асарни ёзишдан аввал юқоридаги нашрлардан озми-кўпми хабардор бўлган ва уларни мутолаа қилиб, ўзига таъсир қилган жойларини қаламга олишга уринган.

Маҳкам Маҳмуд АНДИЖОНИЙ,
Шокиржон ШОДМОНХЎЖА ўғли

Кутубхона — хазиналар оролн



Маълумки узлуксиз таълим тизимида асосий босқичлардан бири мактаб бўлиб, ёш авлод тарбиясида муҳим ўрин эгаллайди. Мактабдаги таълим-тарбия жараёнини эса мактаб кутубхонаси фаолиятисиз тасаввур этиш қийин. Негаки, мактаб кутубхонаси, нафақат, ўқув адабиётлари билан таъминлаш маркази, балки ўқувчиларнинг ўз билимларини ҳар томонлама ошириш масканн сифатида ҳам алоҳида мавқега эга. Айниқса, бозор муносабатлари қарор топаётган, китоб савдоси ишлари мушкуллашиб, китоб дўконлари камайиб бораётган бир даврда мактаб ўқувчиларининг ягона нажоткори мактаб кутубхонасидир. Шу сабабли ҳам мактаб кутубхонаси имкониятларидан тўлиқроқ фойдаланиш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Аввало, мактаб кутубхонаси фаолиятида ватанпарварлик тарбияси етакчи ўринни эгаллаши керак. Чунки она Ватанимиз тарихи, маданий мерос, маънавий қадриятларимиз акс этган китоб, кўлланма ва рисолалар мактаб кутубхонасида мавжуд. Гап ана шу мавжуд адабиётлардан оқилона фойдалана билишда.

Муқаддас ҳадисларда қайд этилишича, Ватанни севмоқ иймондандур. Демак, ўқувчи онгида Ватан туйғусини шакллантиришнинг муҳим воситаларидан бири ўзи туғилиб ўсган ернинг тарихини, шу заминдан етишиб чиққан таниқли кишилар фаолиятини ўрганишдир. Кутубхонада эса худди шундай имкониятлар бор. Масалан, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Имом ал-Бухорий, ат-Термизий, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор ва бошқа юртдошларимиз ҳаёти, фаолияти билан боғлиқ суратлар, тарихий маълумотлар ўқувчида она юрти ҳақида маълум бир тасаввур уйғотади.

Ҳозирги пайтда республикамизда ҳуқуқий-демократик давлат қуриш сари дадил қадамлар ташланмоқда. Янгидан-янги демократик тузилмалар пайдо бўлиб, фуқароларимиз онгида ижобий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Айни шу жараёнда ёш авлоднинг ҳуқуқий билимини ошириш талаб қилинади. Бу борада ҳам мактаб кутубхонасининг ўрни беқиёс. Чунки мактаб кутубхонасида ҳуқуқий тарбия беришнинг бир қатор имкониятлари мавжуд. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳақида зарур маълумотлар ҳар бир мактаб кутубхонасида бўлиши табиий. Кутубхонада Ўзбекистоннинг давлат қурилиши, маъмурий-ҳудудий бўлиниши, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд органлари тўғрисида анжуманлар ўтказиш мумкин. Бизнингча, ўқувчиларда вилоят ва туманлар ҳақида, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тўғрисида, Олий, Хўжалик ва Конституцион суд фаолияти бўйича муайян тушунчалар ҳосил қилишда кутубхонадаги жонли тадбирлар самарали бўлади. Айниқса, ўқувчилар ўзлари яшаб турган ҳудудлардаги бошқарув органлари: маҳалла, қишлоқ, фуқаролар йиғинлари, туман, шаҳар, вилоятлар ҳокимликлари, уларнинг кенгашлари ҳақидаги маълумотлар билан қизиқиб танишадилар. Олайлик, ўқувчи матбуот орқали Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессияси ҳақидаги материал билан танишмоқда. Бу ўринда ўқувчида парламентимиз — Олий Мажлиснинг таркибий тузилмалари, қўмита ва комиссиялари, сиёсий партиялар ва депутатлар фракциялари тўғрисида маълумотлар тўпланади. Натижада, ўқувчи сессия материалларини мунтазам кузатиб боришга одатланади, сиёсий онг ва ҳуқуқий билими ошиб боради.

Айни пайтда таъкидлаш жоизки, ўқувчилар аста-секин халқаро ташкилотларнинг фаолиятига ҳам қизиқиб борадилар. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 март куни БМТга аъзо қилиб қабул қилиниши, ўша кундан бошлаб БМТ минбарида давлатимиз байроғининг ҳилпираб туриши ёш ўсмир қалбига жиддий таъсир қилади. Ўқувчи дарҳол БМТ ҳақида маълумот олишга киришади. Табиийки, ҳар бир мактаб кутубхонасида БМТ, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ каби халқаро ташкилотлар тўғрисида етарли маълумотлар тўпланган бўлиши керак. Бундан ташқари ўқувчини давлатимиз рамзлари, суд-прокуратура тўғрисидаги маълумотлар, шахс эркинлиги ва бурчлари каби муаммолар қизиқтиради. Демак, мактаб кутубхонаси ўқувчиларда ҳуқуқий онгни тарбиялашда жуда катта имкониятларга эга масканлардан бири ҳисобланади.

Экологик тарбия масалалари ҳам ҳозирги таълим-тарбия жараёнида муҳим аҳамиятга эгадир. Аслида, экологик тарбия масалалари ўқув жараёнида кўриб чиқилади. Мактаб кутубхонаси эса илмий-бадиий, илмий-оммабоп адабиётлардан фойдаланган ҳолда ўқувчиларни табиат оламига киришига ёрдам беради. Табиат инсоннинг маънавий дунёси, ахлоқий-эстетик эҳтиёжларига таъсир кўрсатади, уларни табиатни севишга, ундан оқилона фойдаланишга ўргатади. Мактаб кутубхонаси атроф-муҳит тозалигини сақлаш, ерости ва ерусти бойликларини асраш, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва шу кабилар ҳақида ўқувчиларга тушунча берадиган адабиётларни тарғиб этиши мумкин. Назаримизда, кутубхонада «Табиат ошиғи», «Жонзотлар дўсти» каби тўгараклар, «Марказий Осиёнинг ўсимликлар дунёси», «Табиат тадқиқотчилари», «Табиатни муҳофаза қилувчилар» каби клуб ва бирлашмалар ташкил этиш мумкин.

Ёқут ҚАЮМХЎЖАЕВА,
А.Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти катта ўқитувчиси

Халқчил шоир эди



Акмал Пўлат ҳаёт бўлганларида, ҳозир 91 баҳорни қаршилар эдилар. Лекин у кишига хос қизиқ хислатлардан бири ёшларини ҳам, туғилган кунларини ҳам кўпинча билдирмасликка ҳаракат қилар эдилар. Акмал Пўлат қатор қўшиқларнинг муаллифи сифатида ҳаммага маълум ва машҳур бўлишига қарамай, ниҳоятда камтар, соддадил, самимий инсон эди. Республикамизнинг кўпгина ирригация қурилишларида қурилиш бошлиғи, вилоят, республика газета ва журналларининг муҳаррири, «Ўзбекфильм» киностудияси директори, Муаллифлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш агентлиги Ўзбекистон бўлимининг бошлиғи ва умрининг охиригача Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси бадиий адабиётни тарғиб қилиш бюросининг директори лавозимларида кўп йиллар меҳнат қилди ва халққа танилди. У эллик йил давомида 27 китоб чиқарди.

Шоир шеърларининг аксарият қисмини яратилиши халқимиз ҳаётида рўй бераётган тарихий воқеалар билан боғлиқ эди. Жумладан, 30-йилларда Катта Фарғона каналининг қурилиши муносабати билан ёзилган, Муҳаммаджон Мирзаев куй басталаб Ҳалима Носирова ва Фотима Бўруховалар ижро этган «Меҳнат аҳли» қўшиғи жафокаш халқимизнинг меҳнатини улуғловчи мадҳия бўлиб қолди. 60-йилларда ёзилган ва таниқли санъаткор Фахриддин Умаров томонидан куй басталаб ижро этилган «Севмасмидинг» қўшиғи эса Мирзачўлни гулистонга айлантираётган марду майдонларга бағишланган эди.

Акмал Пўлатнинг яқин дўсти, олим ва шоир Ўткир Рашид шундай деб ёзган эди: «Шоирнинг ўзи ҳам қўшиқларидай содда, камтар, кувноқ инсон эди. У билан ҳамсуҳбат бўлган киши яна унинг суҳбатига муштоқ бўлиб қолар эди. Акмал Пўлат катта йиғинларда сўзласа ҳам, шеър ўқиса ҳам барча мириқиб тинглар, унинг жиддий ва ҳазиломуз гаплари тезда китобхонлар орасида тарқаларди. У дилкаш дўст, ёшларнинг меҳрибон устози эди».

Шоир билан деярли 30 йил давомида матбуот соҳасида бирга ишлаган унинг яқин дўсти, таниқли журналист Зиёд ака Есенбоев ўз хотираларида Акмал Пўлатнинг 1955-1961 йилларда «Муштум» журналига муҳаррирлик қилиб юрган даврларда унда чиқиб турган ҳажвий асарларнинг аҳамиятига тўхталар экан, уни «замонга оҳангдош, ҳамиша кувноқ ва ҳозиржавоб журналист, эл орасида довруғи кетган, халққа таниқли, иззат-хурматли, матбуот ходимлари орасида ўз ўрни бор, сўзамол инсон, оташнафас нотиқ эди», деб эслайди.

Шоирнинг 60-йилларда ёзилганы «Туҳмат ва Илон» ҳажвий достони матбуотда, радиода эълон қилинди. Умрида каттами-кичикми туҳмат тошига учрамаган кишининг топилиши қийин бўлгани учунми, таъсирчан бадиий услубда ёзилгани учунми, бу асар халқнинг дилига тезда кириб борди.

Акмал Пўлат ҳаёти ва ижодининг асл моҳияти ҳам, мақсади ҳам улуғлаш ва одамларга доимо яхшилик қилишдан иборат бўлган:

«Яхшилардан қолар доим яхши ном,
Яхшиларнинг номи дилларда мудом,
Яхшиларга ҳурмат, олқиш, эҳтиром,
Эл ичида яхши инсон яхшидур».

Вафотларига 21 йил ўтган бўлишига қарамай, шоирнинг инсон гўзаллигини, меҳнатини, муҳаббатини, қадр-қимматини, Ватан туйғусини тараннум этган қўшиқлари шу кунгача машҳур санъаткорларимиз билан бир қаторда ёш истеъдодли қўшиқчиларимиз томонидан ижро этиб келиняпти.

Дилдор ПЎЛАТОВА

АВЕСТО

(Давоми. Бошн ўтган сонларда.)

Еттинчи бўлим

35

Раюманд ва фарриҳманд Тиштар юлдузини олқишлаймиз. У Аҳура ва Амшосипандлар хоҳиши билан порлоқ субҳидамдан бод тўла олис йўлларга, маъбудалар амр этган сероб манзилларга йўл олади.

Мен уни фарру фурўғи учун намоз ва баланд овоз ҳамда завр билан алқайман.

Сут билан ийланган ҳавм, барсам, ақл тили, мансаралар; эзгу андиша, сўз, амал; завр ва ҳаққоний нутқ билан Тиштар юлдузи — раюманд ва фарриҳманд Тиштарни шарафлаймиз.

«Йингҳи ҳотам...»

Саккизинчи бўлим

36

Раюманд ва фарриҳманд Тиштар юлдузини олқишлаймиз. Йил ибтидо топган чоғдан одамлар, донишманд ҳукмдорлар, тоғларнинг озод жониворлари, биёбон паррандалари — ҳамма-ҳамма унинг чиқишига кўз тутадилар.

У ўзининг зуҳури билан ўлкага ё яхши, ё ёмон йил олиб келади.

Барча сарзаминлар яхши йилдан огоҳ бўла оладиларми?

Мен уни фарру фурўғи учун намоз ва баланд овоз ҳамда завр билан олқишлайман.

Сутга ийланган ҳавм, ақл тили, мансаралар; эзгу андиша, сўз, амал; завр ва ҳаққоний нутқ билан олқишлайман.

«Йингҳи ҳотам...»

Тўққизинчи бўлим

37

Раюманд ва фарриҳманд Тиштар юлдузини олқишлаймиз. У қудратли тирандоз Оршнинг ёй ўқи Арйў Хшуса тоғидан Хунвант тоғи сари шиддат билан учиб боргани каби, Фароғ Карт дарёси томон шитоб қилади.

38

Шу он Аҳура Мазда намоён бўлди. Амшосипандлар ва кенг яйловлар соҳиби Меҳр ўққа йўл очдилар.

Улуғвор ва эзгу Аша ҳамда учқур гардунали (арава) Поринд биргаликда ўқ ортидан равона бўлдилар. Улар ўқ токи Хунвант тоғига етиб бориб, заминга тушгунга қадар кузатиб қолдилар.

Мен уни фарру фурўғи учун намоз ва баланд овоз ҳамда завр билан олқишлайман.

Сут билан ийланган ҳавм, барсам, ақл тили, мансаралар; эзгу андиша, сўз, амал; завр ва ҳаққоний нутқ билан Тиштар юлдузи — раюманд ва фарриҳманд Тиштарни олқишлаймиз.

«Йингҳи ҳотам...»

Ўнинчи бўлим

39

Раюманд ва фарриҳманд Тиштар юлдузини олқишлаймиз. У парилар устидан ғолиб келди ва уларга шикаст берди. Аҳриман у париларни сув гавҳарини асрагувчи тамомий юлдузларни маҳв этиш мақсадида қўзғаган эди.

40

Тиштар уларга шикаст берди ва Фароғ Карт дарёсидан узоқлаштирди. Шунда булутлар тўп-тўп бўлиб келдилар ва хайрли йилдан дарак бериб, сувлар равон бўлдилар.

Сершитоб ёмғир селлари — етти иқлимга пароканда бўлгувчи жўш-хурушли сувлар ана шу булутлардадир.

Мен уни фарру фурўғи учун намоз ва баланд овоз ҳамда завр билан олқишладим.

Сут билан ийланган ҳавм, барсам, ақл тили, мансаралар; эзгу андиша, сўз, амал; завр ва ҳаққоний нутқ билан Тиштар юлдузи — раюманд ва фарриҳманд Тиштарни олқишлаймиз.

«Йингҳи ҳотам...»

Ўн биринчи бўлим

41

Раюманд ва фарриҳманд Тиштар юлдузини шарафлаймиз. Ўлик ва равон сувлар; чашмалар; анҳор, қор ва ёмғир — ҳамма унга орзуманд ва интиқ.

42

— Қачон раюманд ва фарриҳманд Тиштар бизга томон юз буради?

— Қачон чашмалар яна тулпор қудрати билан равона бўладилар?

— Қачон чашмалар кўркам экинзорлар, хонумонлар, даштлар сари равон бўлади ва гиёҳлар илдизини ўз намлигидан баҳраманд айлайди.

Мен уни фарру фурўғи учун намоз ва баланд овоз ҳамда завр билан олқишлайман.

Сут билан ийланган ҳавм, барсам, ақл тили, мансаралар; эзгу андиша, сўз, амал; завр ва ҳаққоний нутқ билан Тиштар юлдузи — раюманд ва фарриҳманд Тиштарни олқишлаймиз.

«Йингҳи ҳотам...»

Ўн иккинчи бўлим

43

Раюманд ва фарриҳманд Тиштар юлдузини олқишлаймиз. У ўзининг туғёнли суви билан жамийки мавжудот кўнглидаги қўрқув ва саросимани ҳайдаб юборади.

Агар уни — куч ва қудрат соҳибини — алқасалар, иззат қилсалар, хушнуд ва эҳтиром айласалар дармон бахш этади.

Мен уни фарру фурўғи учун намоз ва баланд овоз ҳамда завр билан олқишлайман.

Сут билан омухта қилинган ҳавм, барсам, ақл тили, мансаралар; эзгу андиша, сўз, амал; завр ва ҳаққоний нутқ билан Тиштар юлдузи — раюманд ва фарриҳманд Тиштарни олқишлаймиз.

«Йингҳи ҳотам...»

Ўн учинчи бўлим

44

Раюманд ва фарриҳманд Тиштар юлдузини олқишлаймиз. Аҳура Мазда уни барча юлдузларни асраши учун рад ва паноҳ қилиб яратди. У, шунингдек, Зардуштни одамларга рад ва пушт-паноҳ айлади.

Аҳриман, жодулар, парилар, жодугар кимсалар ва барча девлар биргалашиб унга зиён ва заҳмат етказолмайдилар.

Мен уни фарру фурўғи учун намоз ва баланд овоз ҳамда завр билан олқишлайман.

Сут билан омухта қилинган ҳавм, барсам, ақл тили, мансаралар; эзгу андиша, сўз, амал; завр ва ҳаққоний нутқ билан Тиштар юлдузи — раюманд ва фарриҳманд Тиштарни олқишлаймиз.

«Йингҳи ҳотам...»

Ўн тўртинчи бўлим

45

Раюманд ва фарриҳманд Тиштар юлдузини олқишлаймиз. Аҳура Мазда унга минг турли ғайрат ва эпчиллик бахш этди.

У сув гавҳарини асрагувчи юлдузлар ичида энг қудратлидир.

У сув гавҳарини асрагувчи юлдузлар билан биргаликда фароғат оғушида парвоз қилади.

46

У оқ тусли кўркам, заррин қулоқ, зарнишон жиловли тулпор жисмига кириб қудратли, хуш дийдали ва суви замин кенгликлари баробаридаги Фароғ Карт дарёсининг барча шохоблари, дарёлари, сой ва жилғаларига назар ташлайди.

47

— Эй, Сипийтмон Зардушт!

Ўшанда покловчи ва дармонбахш равон сув Фароғ Карт дарёсида туғёнга келади.

Бу сувни забардаст Тиштар ўлкаларга бахш айлайди. У ернинг одамлари Тиштарни алқайдилар, иззат-эҳтиром ва хушнуд қиладилар.

Мен уни фарру фурўғи учун намоз ва баланд овоз ҳамда завр билан олқишлайман.

Сут билан омухта қилинган ҳавм, барсам, ақл тили, мансаралар; эзгу андиша, сўз, амал; завр ва ҳаққоний нутқ билан Тиштар юлдузи — раюманд ва фарриҳманд Тиштарни олқишлаймиз.

«Йингҳи ҳотам...»

48

Раюманд ва фарриҳманд Тиштар юлдузини олқишлаймиз. Жамийки Сипандмийну хилқати унинг дийдорини бир кўришга муштоқ:

Замин остида яшовчилар ҳам;

Замин устида яшовчилар ҳам;

Сувда ва қуруқликда яшовчилар ҳам;

Паррандалар ва хўрандалар ҳам;

Эркин куном эгалари; олий жаҳонда яшовчилар ва Ашаҳ — Ҳақиқатнинг ибтидо-интиҳосиз хилқатидан огоҳлар.

Мен уни фарру фурўғи учун намоз ва баланд овоз ҳамда завр билан олқишлайман.

Сут билан ийланган ҳавм, барсам, ақл тили, мансаралар; эзгу андиша, сўз, амал; завр ва ҳаққоний нутқ билан олқишлайман.

«Йингҳи ҳотам...»

Ўн бешинчи бўлим

49

Раюманд ва фарриҳманд Тиштар юлдузини олқишлайман.

У ғамларни аритгувчи қудрат соҳиби, кордон ва фармонраво; минг орзу билан зийнатланган. Кимда-ким уни хушнуд этмакка ружъу қилса, кимдаким унга хуштор бўлса, унга зиёда фаровонлик бағишлайди.

50

— Эй, Сипийтмон Зардушт!

Мен Тиштар юлдузини олқиш ва ибодатга лойиқликда, улуғлаш ва хушнуд айламакда ўзим, яъни Аҳура Мазда даражасида яратганман...

51

Қурғоқчилик офатини келтиргувчи, аммо нодонлар хайрли йил келтгувчи деб тасаввур қилгувчи пари қаршисида пойдорлик; унинг устидан ғолиблик ва душманлигини ўзига қайтармоқ.

52

— Эй, Сипийтмон Зардушт!

Агар мен Тиштар юлдузини олқиш ва ибодат, назру ниёз ва хушнудлик ва соҳиби қудратликда ўзим баробаримда, яъни Аҳура Мазда даражасида яратган бўлсам...

53

Нодонлар хайрли йил келтиради, деб гумон қилган қурғоқчилик париси қаршисида пойидор бўлмоқ, уни мағлуб этмоқ ва душманлик ҳамда хусуматини ўзига қайтармоқ мақсадида яратдим...

54

Акс ҳолда, қурғоқчилик деви ҳар кун ёхуд ҳар тун гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда бош кўтариб астуманд олами тириклиги қудратига барҳам берарди.

55

Ҳа, раюманд ва фарриҳманд Тиштар ўша девни банди айлайди ва мустаҳкам занжир билан боғлаб ташлайди. Чунончи, минг нафар забардаст эр бир эрга банд солгани каби.

56

— Эй, Сипийтмон Зардушт!

Агар барча сарзаминларда раюманд ва фарриҳманд Тиштар муносиб тарзда, чунончи, Ашаҳ — Ҳақиқат одоби билан олқишланса, назр-ниёзлар билан сийланса, ибодат ва қурбонликлар билан хушнуд қилинса, Тиштар паноҳида бу сарзаминлар абадул абад ғанимлар оёғи остида топталмайди. Сел ва довуллар, гар[28], кабаст[29] ва душманнинг жанговар гардуналари у ерларда тантана қила олмайди.

57

Зардушт Аҳура Маздадан сўради:

— Ашаҳ — Ҳақиқат одоби билан раюманд ва фарриҳманд Тиштар муносиб бўлган олқиш ва дуолар нечукдир?

58

Аҳура Мазда жавоб берди:

— Одамлар унга завр ниёз келтирмоқлари лозим.

Одамлар унга барсам тузамоқлари лозим.

Одамлар унга бир тусдаги — оқ ёхуд қора ёхуд бошқа рангдаги қўйни қурбон келтиришлари лозим.

59

Ўша ниёздан қароқчи, бузуқ хотин, гоҳларни ёд этмайдиган ва тирикликка барҳам бергувчи, Зардуштнинг аҳуравий динига душман ноашаван бахраманд бўлмаслиги шарт.

60

Агар ўша ниёздан қароқчи, бузуқ хотин, гоҳлар олқишланмайдиган ва тирикликка барҳам бергувчи, Зардуштнинг аҳуравий динига душман ноашаван бахраманд бўлса, раюманд ва фарриҳманд Тиштар чора ва дармонини қатъ айлайди...

61

Бас, ногаҳон селоблар сарзаминларни қоплаб олади; баногоҳ душман сипоҳи сарзаминларга бостириб киради; сарзаминлар оёқ ости бўлади; элликлар, юзлар, юз минглар; минг-

лар, ўн минглар, ўн минглар, юз минглар...

Мен уни фарру фурўғи учун намоз ва баланд овоз ҳамда завр билан олқишлайман.

Сут билан ийланган ҳавм, барсам, ақл тили, мансаралар; эзгу андиша, сўз, амал; завр ва ҳаққоний нутқ билан олқишлайман.

«Йингҳи ҳотам...»

62

«Яса аҳу вайрю...»

Раюманд ва фарриҳманд Тиштар, Мазда яратган сув етказувчи қудрат соҳиби Сатавийсга саломлар йўллаймиз.

«Ашим вуҳув...»

«Аҳмойи раишча...»: Унга фурўғ ва фарр; тандурустлик ва тан пойдорлиги; тан фирўзлиги ва осойишталик; узоқ тириклик ва ашаванларнинг энг олий хилқати ҳамда ҳар нечук енгиллик бағишлагувчи ёруғлик...

ДРАВОСПА ҚАСИДАСИ

(Гивм яшт)[30]

Мазда яратган қудратли ашаван Дравоспага хушнудлик

Биринчи бўлим

1

Мазда яратган қудратли ашаван Дравоспани олқишлаймиз. У бўталоқларни тандуруст сақлайди. У теваларни тандуруст сақлайди. Дўст-ёрларни тандуруст сақлайди. Гўдакларни тандуруст сақлайди. Дидбонларга жуда узоқ ва...*

2

У эгарланган отлар, пурхуруш чархли жиҳозланган гардуна (арава) соҳибидир...**

Қудрат ва ҳиммати беқиёс Дравоспа дармонбахшдир ва ашаванларга мадад илкини чўзади, уларни толели айлайди ва оромгоҳлар бахшида қилади.

3

Ҳушанг Пешдодий[31] Мазда бунёд айлаган гўзал Албурз тоғи этагида юзта от, мингта сигир, ўн мингта қўй ва завр ниёз келтириб, ўтинди:

4

— Эй, Дравоспа! Эй, олийжаноб! Эй ҳаммадан қудратли!

— Менга шундай қудрат бахш айла, эй илоҳ, мен барча мозандарий девлардан ғолиб бўлайин. Девлар қутқуси ва даҳшатидан қочмайин. Улар мендан таҳликага тушиб, зулмат қаърида йитсинлар.

5

Мазда бунёд айлаган қудратли ашаванпаноҳ Дравоспа завр ва қурбонликлар келтиргувчиларнинг хоҳишини адо этади.

У Ҳушянг Пешдодийнинг ўтинчини қабул айлади.

6

Мазда яратган қудратли ашаван Дравоспани фарру фурўғи учун намоз ва баланд овоз ҳамда завр билан олқишлаймиз.

Мазда яратган қудратли ашаван Дравоспани сут билан омухта қилинган ҳавм, барсам, ақл тили, мансаралар, эзгу андиша, сўз, амал, завр ва ҳаққоний нутқ билан олқишлаймиз.

«Йингҳи ҳотам...»

Иккинчи бўлим

7

Мазда яратган қудратли ашаван Дравоспани олқишлаймиз.

У бўталоқларни саломат сақлайди.

У бўталарни саломат сақлайди.

Дўст-ёрларни саломат сақлайди.

Гўдакларни саломат сақлайди.

Дидбонларга жуда узоқ ва...

У эгарланган отлар, пурхуруш чархли жиҳозланган гардуна (арава) соҳибидир...

Қудрати ва ҳиммати беқиёс Дравоспа дармонбахшдир ва ашаванларга мадад қўлини чўзади, уларни толели айлайди ва оромгоҳлар бахшида қилади.

8

Яхши сурувлар соҳиби Жамшид Ҳунар тоғи этагида юзта от, мингта сигир, ўн мингта қўй ва завр ниёз келтиради-да ўтиниб сўради:

9

— Эй, Дравоспа! Эй, олийжаноб! Эй, ҳаммадан забардаст!

Менга шундай камёблик бахш айлагилки, Мазда яратган зотларга сурувлар парвариш қилайин. Мазда халқ қилган одамларга абадият бахш айлайин...

10

... Очлик ва ташналикни Мазда яратган зотлардан узоқлаштирай; касалик нотавонлиги ва ўлимни Мазданинг хилқатидек йироқ айлай; иссиқ бод ва совуқ бодни Мазданинг жаҳонидан минг йил нарига итқитайин.

11

Мазда бунёд айлаган қудратли ашаванпаноҳ Дравоспа завр ва қурбонликлар келтиргувчиларнинг хоҳишини адо этади.

У яхши сурувлар соҳиби Жамшиднинг ўтинчини қабул айлади.

Учинчи бўлим

12

Мазда яратган қудратли ашаван Дравоспани шарафлаймиз.

У кичик норларни омон асрайди.

У улуғ норларни омон асрайди.

Дўст-ёрларни омон асрайди.

Болаларни омон асрайди.

Кузатувчиларга жуда узоқ ва...

У эгарланган тулпорлар, пурхуруш ғилдиракли жиҳозланган гардуна (арава) соҳибидир...

Қудрат ва ҳиммат беқиёс Дравоспа дармонбахшдир ва ашаванларга мадад қўлини чўзади, уларни саодатли айлайди ва оромгоҳ манзиллар бахшида қилади.

13

Улуғ хонадондан бўлмиш Отбийн ўғли Фаридун*** тўрт гўшали Варина сарзаминида юзта от, мингта сигир, ўн мингта қўй ва завр ниёз келтириб ўтинади:

14

— Эй, Дравоспа! Эй, олийжаноб! Эй, барчадан ҳам қудратли!

Шундай куч бахш айлагилки, мен уч тумшуқли, уч каллали, олти кўзли, минг хил ҳийла-найрангли ажи даҳокни; ғоят кучли дуруж девни; жаҳонга офат келтирувчи, Аҳриман Ашаҳ — Ҳақиқат оламига шикаст бермоқ учун яратган дуруж — унинг икки йўлдоши — Сангҳавак ва Арнавакларни**** — ўлар ёвузлик хонадонининг паноҳлари ва улар уруғини кўпайтирувчилардир — астуманд оламидан йироқлаштирай.

15

Мазда бунёд айлаган қудрат ашаванпаноҳ Дравоспа завр ва қурбонликлар келтирувчиларнинг хоҳишини адо айлайди.

У Отбийн ўғли Фаридуннинг хоҳишини қабул айлади.

Мазда яратган қудратли ашаван Дравоспани фарру фурўғи учун намоз ва баланд овоз ҳамда завр билан олқишлаймиз.

Мазда яратган қудратли ашаван Дравоспани сут билан омухта қилинган ҳавм, барсам, ақл тили, мансара-

---

* Нуқталар ўрнидаги сўзни ўқиш мумкин бўлмади.

** Кейинги сўз ўчиб кетган.

*** «Вандидод» изоҳига қаранг.

**** «Вандидод» изоҳига қаранг.

лар; эзгу андиша, сўз, амал; завр ва ҳаққоний нутқ билан олқишлаймиз.

Тўртинчи бўлим

16

Мазда яратган қудратли ашаван Дравоспани олқишлаймиз.

У кичик теваларни омонликда сақлайди.

У буюк теваларни омонликда сақлайди.

Дўст-ёрларни омонликда сақлайди.

Чақалоқларни омонликда сақлайди.

Кузатувчиларга жуда узоқ ва...

У эгарланган тулпорлар, пурхуруш чархли жиҳозланган гардуна (арава) соҳибидир.

Қудрат ва ҳиммати чексиз Дравоспа дармон бағишлагувчидир ва ашаванларга мадад қўлини чўзади, уларни саодатманд айлайди ва оромгоҳлар бахшида қилади.

17

Дармонбахш Ҳавм суви, гўзал ва заррин шаҳриёр Албурз тоғининг энг буюк чўққиси пойида Дравоспага ниёз келтирди ва ўтинди:

18

— Эй, Дравоспа! Эй, олийжаноб! Эй, ҳаммадан қудратли!

Менга шундай қудрат бахш айлагилки, туронлик Афросиёбни занжирбанд айлайин ва банди ҳолатида Сиёвушнинг хундор ўғли Кайхусрав ҳузурига элтиб борайин. Токи уни Чичист дарёси кенгликларида ножавонмардларча ўлдирилган Сиёвуш хуни ва жасоратли Оғририс қасоси учун қатл айласин.

19

Мазда бунёд айлаган қудратли ашаванпаноҳ Дравоспа завр ва қурбонликлар келтиргувчиларнинг хоҳишини адо айлайди.

У гўзал ва заррин шаҳриёр, дармонбахш ҳавм сувининг ўтинчини қабул қилди.

Мазда яратган қудратли ашаван Дравоспани фарру фуруғи учун намоз ва баланд овоз ҳамда завр билан олқишлаймиз.

Мазда яратган қудратли ашаван Дравоспани сут билан омухта қилинган ҳавм, барсам, ақл тили, мансаралар; эзгу андиша, сўз, амал; завр ва ҳаққоний нутқ билан олқишлаймиз.

«Йингҳи ҳотам...»

Бешинчи бўлим

20

Мазда яратган қудратли ашаван Дравоспани олқишлаймиз.



У кичик теваларни омон сақлайди.

У буюк теваларни омон сақлайди.

Дўст-ёрларни омонликда сақлайди.

Гўдакларни омонликда сақлайди.

Дидбонларни жуда олис ва...

У эгарланган тулпорлар, пурхуруш чархли жиҳозланган гардуна (арава) соҳибидир.

Қудрат ва ҳиммати чексиз Дравоспа дармон бағишлагувчидир ва ашаванларга мадад қўлини чўзади, уларни саодатманд айлайди ва оромгоҳлар бахшида қилади.

21

Барча сарзаминлар паҳлавони, ўлкани устувор сақлагувчи Кайхусрав Чичист дарёси соҳилларида юзта от, мингта сигир, ўн мингта қўй ва завр ниёз келтириб Дравоспадан ўтинди:

22

— Эй, Дравоспа! Эй, олийжаноб! Эй, ҳаммадан қудратли!

Менга шундай камёблик бағишлагилки, мен — хундор Сиёвушнинг ўғли Чичист дарёси соҳилида ножавонмардларча ўлдирилган Сиёвуш ва Оғририс қасоси учун Афросиёбни қатл этай!

23

Мазда бунёд айлаган қудратли ашаванпаноҳ Дравоспа завр ва қурбонлик ниёз қилгувчиларнинг хоҳишини адо айлайди.

У сарзаминлар паҳлавони, ўлкани устувор сақлагувчи Кайхусравнинг ўтинчини қабул қилди.

Мазда бунёд этган қудратли ашаван Дравоспани фарру фуруғи учун намоз ва баланд овоз ҳамда завр билан олқишлаймиз.

Мазда яратган қудратли ашаван Дравоспани сут билан ийланган ҳавм, барсам, ақл тили, мансаралар; эзгу андиша, сўз, амал; завр ва ҳаққоний нутқ билан шарафлаймиз.

«Йингҳи ҳотам...»

Изоҳлар:

28. Гар-гарий — инсон ва ҳайвоннинг тери касалликларидан. «Тийр яшт» ва «Вандидод»да ушбу касаллик хусусида сўз боради.

29. Кабаст — «Авесто»да «капастий». Бир турли офат бўлиб, агар халойиқ Тиштар юлдузи шаънига муносиб тарзда олқиш ва ибодатлар келтирсалар, улар яшаган манзилларга ушбу офат йўл тополмайди.

Бу истилоҳ бошқа бир қатор луғатларда «ханзал», «Абужаҳл ҳиндувонаси» тарзида қўлланилиб, таъми ва меваси жуда аччиқдир. Бу гиёҳ доривор сифатида ҳам фойдаланилади. Ёхуд жамийки заҳарли гиёҳларнинг умумий номини англатади.

Бошқа бир қатор манбаларда «кабаст» — «заҳар» ёхуд «заҳарли гиёҳ» тарзида таржима қилинган. «Вандидод»да покланиш дуоларида ўқиймиз: «Мен кабасатни узоқлаштираман...» Хулоса қилиш мумкинки, «кабасат» заҳар ёхуд умуман, булғовчи унсурдир.

30. Гивш яшт — «Авесто»нинг йигирма бир яштининг тўққизинчиси. Бу яшт (қасида) чорполар ва туяларни асрагувчи илоҳга (Гивш, Гивш Ташан ёхуд Дравоспа) олқишлардан иборат. У «Дравоспа қасида» деб ҳам юритилади. «Гивш (Дравоспа) яшт» етти бўлим, 33 банддан ташкил топган.

31. Хушанг Пешдодий — «Авесто»да — «Ҳашянгоҳ», маъноси — «яхши уйлар қурувчи». Сифати — «паразота». Маъноси — «илк қонунчи ёхуд биринчи ҳакам». Эронлик ҳукмдорлардан бири бўлиб, «Шоҳнома» ва Исломдан бурунги манбаларда «Пешдодий» ёхуд «Пешдодийлар» оиласидан деб юритилган.

Марям САТТОРОВА:

Қўшиқ дунёни алмаштиради...



Чиройли овоз — табиатнинг ажойиб бир инъоми. Мана шу чиройли овоз чукур мусиқий истеъдод билан уйғунлашган бўлса яна ҳам яхши. Ўзбекистон халқ артисти Марям Сатторова ана шундай ширали овоз соҳибаси. Унинг жозибали овозини эшитганимизда халқимизнинг ажойиб ҳофизлари — Ҳалима Носирова, Маъмуржон Узоқов, Ориф Алимахсумов, Берта Давидова, Фаттоҳхон Мамадалиев, Муҳаммаджон Каримов, Муножот Йўлчиевалар кўз олдимиздан ўтади.

Очиғини айтганда, ўтган йили Ўзбекистон халқ артисти Муножот Йўлчиеванинг «Туркистон» концерт саройида бўлган концертига тушгунимга қадар мумтоз қўшиқлар ихлосмандлари шу қадар кўп эканлигини тасаввур қилмагандим. Демак, бизнинг космос асримизда ҳам мақом ва мумтоз қўшиқларимизга бўлган эҳтиёж сира камайган эмас. Фақат мақом ва мумтоз ашулалар куйловчи устозлар сафи кун сайин озаймоқда.

Марям Сатторова қўшиқларини тинглаганча ўйга толаман. Хаёлларим негадир ўтган кунларни, ўтган умрни ёдга солади. Қўшиқлар меҳрибон ота-онам бағрига шошишга чорлайди, уларнинг қошида ўтказилган ҳар бир дақиқа кейин қайтарилмаслигини англатади. Биринчи муҳаббат қийноқлари, фарзандлар қувончи-ю ташвишини ёдга солиб қалбингизни тўлқинлантиради.

Марям Сатторованинг қўшиқ мухлислари дилларини хушнуд қилиб, кўнгилларига сурур ва ором бағишлаётганига кўп бўлган. У ижро этган сержило қўшиқларни тинглар эканмиз, қандайдир сеҳрли куйлар салтанатига, дилрабо қўшиқлар кошонасига кириб қолгандай сезамиз ўзимизни. Бу қўшиқлар юраклардаги ҳиссиётнинг нозик торларини тебратиб, ўзининг сеҳрли оғушига олади-ю, кўнглимизга ажиб бир лаззат, пурмазмун, кўтаринки кайфият бағишлайди.

Марямхоннинг ижодини кузатиб борган қўшиқсеварлар биладиларки, у тинимсиз изланувчан қўшиқчи, лекин бироз чўрткесар, кўнгли очиқ инсон.

Марямхон репертуаридаги шоҳ асарларидан бири, шубҳасиз буюк шоир Алишер Навоийнинг «Қаро кўзум» ғазалидир.

«Қаро кўзум, келу мардумлиғ эмди фан қилғил,
Кўзум қаросида мардум киби ватан қилғил», —

матлаъли мазкур ғазал ниҳоятда теран мазмуни, моҳирона бадиий ифодаланиши билан ҳам, шеърнинг вазн ва қофия хусусиятлари билан ҳам куйга жуда мос бўлиб тушган. Куй сеҳри, шеър қудрати, санъаткорнинг ижрочилик маҳорати — жозибали ва пурвиқор овоз қўшиқни чинакам санъат мўъжизасига айлантирган.

Бу қўшиқ чиндан ҳам нафосат дурдонаси. Маҳзун куй оғушида майин таралаётган бу дилрабо қўшиқ бизга неча-неча авлодлардан мерос бўлиб қолган. Уни асрлар давомида неча-неча етук хонандалар қиёмига етказиб куйлаганлар, бобокалонларимиз ҳузур қилиб тинглаганлар ва бугун биз Марямхон Сатторова ижросида ушбу қўшиқни тинглаб унга мафтун бўламиз.

Марямхоннинг репертуари ниҳо-

ятда бой ва хилма-хил. Овоз диапазони кенг ва ранг-баранг. Бу қадар бой репертуарга эга бўлиш учун улкан иқтидор ва катта меҳнат талаб қилинишини назарда тутсак, хонанданинг ўзига талабчанлиги, санъатга муҳаббати, халқига — санъат мухлисларига юксак ҳурматини тасаввур қилишимиз мумкин.

Хонанда билан суҳбатлашар экансиз, унга берган биринчи саволимиз «Қўшиққа қандай таъриф берасиз? Қўшиқ ўзи нима?» деган сўзлар бўлди.

— Қўшиқ — бу ҳаёт! Қўшиқ — бу фалсафа! — дея жавоб қайтарди М.Сатторова. — Қўшиқ оламининг сарҳади йўқ. Қўшиқ инсоннинг ўзлигини таниш, дунёни англаш воситаси.

— Ўзбек халқининг ниҳоятда бой мусиқий мероси бор. Мақомлар ана шу хазинада ўзига хос ўрин тутади. Улар булоқ сувларига ўхшайди, маънавият чашмаларининг зилол сувлари. Маълумки, ҳар қайси куй мумтоз шеъриятимизнинг муайян вазнларидаги шеърларга мос келади. Вазн ва куй мутаносиблиги бузиладиган бўлса, қўшиқнинг ижроси, авжу даромади, ноласи кўнгилдагидек чиқмайди.

— Тўғри айтдингиз, ҳар бир қўшиқ ўзига хос бир олам. Унинг дебочаси, авжи, хотимаси, мусиқачилар тили билан айтганда, даромади бўлади. Матн мазмунига қараб гоҳ мунгли тус олади, гоҳ жўшади. Раҳматли устозим, Ўзбекистон халқ ҳофизи Фаттоҳхон Мамадалиевдан «Фиғон» қўшиғини ўрганиш жараёнида катта ижодий мактабни ўтадим. Аввало матн танлаш, уни уқиш санъати. Устоз биринчи навбатда ғазалнинг мағзини чақиб олгандан кейингина танбурга қўл чўзардилар. «Фиғон» Фурқатнинг «Адашганман» радифли ғазали асосида басталанган қўшиқ.

— Неча ёшингиздан бошлаб қўшиқ айтасиз?

— Ёдимда, мактабда ўқиб юрган пайтларимдаёқ «Қашқарчаи ушшоқ»ни куйлардим. Негадир телевизорданми, радиоданми, мумтоз қўшиқларни эшитсам йиғлаверардим ва дарров сўзларини ёдлаб олардим. Кейин овозимни борича қўйиб, қайта-қайта айтишдан чарчамасдим. Онам сендан қўшиқчи чиқади, дегувчи эдилар.

— Мухлисларингизни айтишича, фақат мумтоз қўшиқларнигина эмас, баъзан-баъзан эстрада қўшиқлари ҳам ижро этаркансиз.

— Албатта, малакали хонанда албатта ҳар хил йўналишдаги қўшиқларни бемалол куйлай олиши керак, деб ҳисоблайман ва мен ҳам шунга ҳаракат қиламан. Мен ўз овоз имкониятларимга ишонаман. Ҳозир кўпчилик ёшлар эстрадани шовқинсуронли қўшиқлардангина иборат деб тушуниб қолишган. Бу — хато фикр. Мен айтадиган эстрада қўшиқлари талабага ҳам, оддий деҳқонга ҳам, барча-барча бирдай тушунарли ва севимли бўлишини истайман. Симфоник оркестр жўрлигида «Айрилиқ» қўшиғини айтганман. Эшитганлар ёмон баҳо беришмади. Энг муҳими — кўнгилга маърифат берсин.

— Репертуарингиздаги ҳар бир қўшиқ ишонаманки, фарзандингиздай азиз. Лекин ичида барибир биттасини кўпроқ яхши кўрасиз. Шундай эмасми?

— Ҳаётнинг ўзига хос ёзилмаган қонунлари бор. Ўнта бўлса ўрни бўлак деб бекорга айтишмаган доналар, «Соғинурман», «Қурбон ўлам»ни севиб куйлайман.

— «Қурбон ўлам»ни фақат эркаклар куйлашади деб ўйлардим. Сизнинг ижроингизни тинглаб овозингизга, маҳоратингизга тан бердим.

— Катта санъаткорлар ижро этган қўшиқларни куйлаш осон иш эмас. Лекин бу йўлга кирган санъаткор аввалги ҳофизларнинг қўшиқларини ўшалар даражасида куйлай олишига кўзи етмаса, куйламагани маъқул. Ҳар доим бирон қўшиқни ижро этсам, янги умр бағишлабсан, барака топ қизим, деган сўзларни эшитдим. Мана шу дуолар мени ижод этишга, изланишга ундади.

— Бугунги кунда радио ва телевидениеда берилаётган қўшиқлардан кўнглингиз тўляптими? Клипга муносабатингиз?

— Очиғи, ҳозир қўшиқчилар жуда майдалашиб кетишди. Мен ўзимни академик услубдаги қўшиқчи деб биламан ва халқни яхши қўшиқлар билан бойитгим келади. Баъзи қўшиқчилар бастакорлар ва шоирлар билан ҳамкорлик қилмай қўйишди. Ўзлари мусиқа ёзиб, ўзлари матн ёзиб, ўзлари ижро этишади. Бу яхши эмас. Ваҳолонки, улар қанча кўп бирга ишласалар шунча яхши. Мен Мустафо Вафоев, Рустам Абдуллаев, Дилором Омонуллаева каби бастакорлар билан ҳамкорлик қиламан. Клипларга келсак, менимча ҳамма қўшиқ учун клип қилиш шарт эмас.

— Сиз ўзингизни иродаси кучли инсон деб ҳисоблайсизми?

— Ҳа, албатта. Иродам кучли бўлмаганда аллақачон санъатни ташлаб кетган бўлардим. Мен умуман бачканаликка қаршиман. Умуман ҳушомадгўйлик, ўзимни яхши кўрсатиш табиатимда йўқ. Мен тўғрисўз одамман. Ҳеч қачон кучим етмаган нарсага осилмаганман. Ясамаликдан ғижинаман. Бахил ҳам эмасман, дўстларимнинг ютуғидан қувонаман. Чунки дўст танлашда жуда инжиқман. Ҳамкасбларим Нуриддин Ҳамроқулов ва Насиба Абдуллаеваларни қаттиқ ҳурмат қиламан, эъзозлайман.

— Қайси пайтда ижод қилишни ёқтирасиз?

— Негадир ярим кечада, сокин тунда қўшиқ айтиш ёқимли туюлади менга.

— Ўзингизни катта концерт саройида концерт бериш учун тайёр деб ҳисоблайсизми?

— Ҳа, албатта. Оллоҳга шукр, ўзимга яраша анчагина мухлисларим бор. Айтиш мумкинки, ҳатто улар менинг концертимни интиқлик билан кутишяпти. Яна шуни таъкидлашни истардимки, бу концертда мен фақат шинавандаларим талабига кўра куйлайман. Лирик қўшиқ ҳам, классика ҳам, эстрада қўшиқлари ҳам ундан ўрин олиши шубҳасиз.

— Санъаткор учун энг муҳим фазилат нима, деган савол мени ўйлантиради. Сизнингча?


— Биласизми, аёл уйга боғланган. Уй юмушлари, фарзанд тарбияси кўп вақтини олади. Очиғи, мен пазандаликка ҳам даъво қилмайман, аёл сифатида сир сақлашни билмайдиган аёлларни ёқтирмайман. Санъаткор учун эса ҳар куни ижод билан шуғулланa билиш энг муҳим фазилат деб ҳисоблайман.

— Машҳур қўшиқчиларни кўп ҳолларда нокамтарликда айблайдилар. Ўзининг дўстлари ёки турмуш ўртоғининг дўстлари, мухлислари бирор ўтиришга, нафис мажлисларга таклиф этсалар, кўпинча бормайдилар, деб хафа бўлишади. Бу жиҳатдан Фахриддин Умаров, Хожиакбар Ҳамидов, Ортиқ Отажонов, Валижон Абдуллаевни жуда камтарин деб эшитганман.

— Нима десам экан?.. Халқимиз, зиёлиларимиз ҳурмат ва ихлос билан чақиргани яхши. Аммо, ҳар доим ҳам айтилган жойга боришга вақт ва шароит тўғри келавермайди. Мухлисларимни хафа қилмасликка ҳаракат қиламан.

— Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур! Элимизга манзур қўшиқлар ижро этишдан толманг!


Суҳбатдош: ***Маъпура НАБИЕВА***



Гўзалликка ошуфта замон

Кашфиётлар мен учун доимо Шарқдан келган
А.Матисс

Сокин куз кунларида Ўзбекистон Республикаси Бадиий Академиясининг Марказий Кўргазмалар залида Халқаро тинчлик маданияти йилига бағишлаб «Машриқу мағриб: замон ичра мулоқот» кўргазмаси бўлиб ўтди. Ўзбекистон Бадиий Академияси ва БМТ Тараққиёт Дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси каби нуфузли ташкилотлар унинг таъсисчилари бўлдилар.



Ж.Усмонов. "Куш тили"

Бу муҳташам бино — гўзаллик маскани мени доимо ўзига чорлаб туради. Ҳар сафар ташкил этилган кўргазма асарлари билан танишиб, янги бир китоб ўқигандек ёки саҳна асари кўргандек бўламан. Маънан бойиб, уни ўзгаларга ҳам «илингим» келади. Бир нарсадан қувонаман. Бизда истеъдодли мусаввирлар кўп, мақтаса арзигулик турли рангтасвир асарлари кўп, картиналари билан хориж мухлисларини лол қолдираётган ижодкорларимиз кўп. Қолаверса, тасвирлардаги диёримиз манзаралари, ўлкамиз кишилари, қўлга киритилган ютуқларимиз ифодасини кўриб, қувонаман. Булар — менинг Ватаним, менинг авлод-аждодларим, замондошларим...

Бу сафар ҳам шундай бўлди. Республикамиз етук мусаввирларининг сара асарлари мазкур кўргазмадан жой олди. Баъзи картиналарни аввалги кўргазмаларда кўрган бўлсангиз-да, уларни яна кўриб, янги маъно, янги мазмун топасиз.

Кўргазмага А.Волков, Ў.Тансиқбоев, Ч.Аҳмаров, А.Абдуллаев, Б.Жалолов, Ж.Умарбеков, А.Нур каби кўплаб ижодкорларнинг 300 дан ортиқ картиналари қўйилган. Ўзбекистон тасвирий санъати ривожининг турли босқичларидаги изланишларни Шарқ ва Ғарб санъатига яқинлаштириш, яхлитлигини кўрсата бера олиш барча картиналарни умумлаштирган муштараклик бўлди.

Машҳур мусаввирамиз Шамсирўй Ҳасановани ранг-тасвир ихлосмандлари яхши билишади. Унинг кўргазмадан жой олган «Автопортрет»и кимларни лол қолдирмаган дейсиз. Мусаввира инсоний ҳиссиётларини, қалб туғёнларини такрорланмас ранглар билан ифодалаган. Бир қарашда оддий кўринган расм фикр, туйғулар нозиклиги, мўъжизалар

дунёсини очади. Асарни яратаётган мусаввира унинг шу даражада машҳур бўлишини, йиллар оша мухлислари сони ўса боришини хаёл қилганмикин? Ушбу асар кимлар учун илҳом париси бўлиб, турли жанрларда кўплаб асарлар яратилишига туртки бўлишини билганмикин?...

Рассомчилик дунёсида манзаралар устаси деб ном олган Ўрол Тансиқбоевнинг «Болалар боғчаси» асари кўргазманинг асосий картиналаридан бири. Асар сизни болалик оламига — ҳаётнинг энг соф, энг беғубор оламига бошлайди. Картина қаршисида турарканман, хаёлимдан шундай фикрлар ўтди. «Болалик — серташвиш ҳаётнинг беташвиш дамлари. Нурли келажакка интилган орзуманд кунлар...». Мавзу аниқ, ранглар жозибадор, ортиқча бирор деталь, ҳаттоки чизиқча ҳам йўқ, назаримда.

Хаёлларга банди бўлиб турарканман, қаршимдаги яна бир сурат ўзига чорлаётгандек бўлаверди. Бу Акмал Икромжоновнинг «Мевали натюрморт» асари. Энг аввало диққатимни тортган нарса — асарнинг ёркинлиги, рангларнинг тиниқлиги бўлди.

... Дастурхон устида олма, нок, анор. Жаннатмакон юртимиз, сахий табиатимиз саховати акс этган. Турфа хил тиниқ рангларнинг бирикуви асарга яхлитлик бағишлаган. Ушбу картина рангдорликдан, ўзбекона кўркидан ташқари умумжаҳон тасвирий санъатига дахлдор мезонларни белгиловчи туйғуларни ҳам ўзида акс эттирган.

Жаҳонгашта рассом Жавлон Умарбековнинг фалсафий мазмундаги «Мен — инсонман», «Тафаккурли инсон» асарлари барчанинг эътиборини ўзига тортди.

...«Тафаккурли инсон» — маҳобатли, катта полотно. Унинг марказида кўпикдан пайдо бўлган Аёл (Боттичеллининг Венераси) ва шу муқаддас хилқат туфайли дунёга келган сиймолар тасвирлари берилган. У сизга дунёвий ҳаёт ҳақида, умр мазмуни ҳақида, инсон умри чекланганлиги ҳақида, барча-барча нарсанинг ўткинчилиги ҳақида фикрлар бахш этади. Изтиробли фикрлар оғушидаги улуғ алломалар — Беруний, Ибн Сино, Данте, Навоий, Беҳзод, Арасту..., ҳаттоки очиқ коинотда учиб юрган фазогирни ҳам учратасиз. Картина сизни ҳам тарихга, ҳам келажакка етаклайди. Башариятнинг улуғ сиймолари билан хаёлан суҳбат қурар экансиз, бундай имконни берган мусаввирга тан берасиз. Унинг тафаккур дунёсининг кенглигига, хаёлот оламининг бойлигига қойил қоласиз. Бундай фикрларни яна унинг «Мен — инсонман» асарига нисбатан ҳам айтиш мумкин.

Мусаввирлар оламида портрет жанри устаси деб ном олган улуғ ижодкор Абдулҳақ Абдуллаевнинг «Сомбреролли автопортрет»и ...

Маҳобатли картиналар ижодкори Баҳодир Жалоловнинг «Башорат» асари...

Устоз-мусаввир Рўзи Чориевнинг «Сайроб гўзали» картинаси...

Истеъдодли рассом Алишер Мирзаевнинг «Кўк қайиқ» картинаси...

Бу рўйхатни яна ва яна давом эттириш мумкин. Намойиш этилган ҳар бир асарнинг ўз олами, ўз дунёси борки, улар ёнидан бефарқ ўтолмайсиз. Улар сизни ўйлашга, фикр, мушоҳада қилишга ундайди. Картиналарни томоша қилар экансан, уларнинг умрбоқийлигига амин бўлдим. Мусаввирларимиз асарлари орқали бизга қадрдон, таниш бўлган бу кўҳна, навқирон дунёни ўзгача тафаккур, ўзгача нигоҳ билан тасвирлаб, дунёқарашимизни янада бойитганлар, кенгайтирганлар.

Юқорида мен куз кунларида деган иборани ишлатган эдим. Кўргазма менга баҳорий кайфияту наҳорий тиниқлик бағишлади.

Маҳмуда АБДУЛЛАЕВА



Ш.Ҳасанова. "Автопортрет"



Е.Мельников. "Лола портрети"

Улуғ нъмат асрори



(Давоми, боши ўтган сонда)

Дадамлар раҳматли (Ғанижон Тошматов) жаннатмакон юртимизнинг ўзига хос гўшаларидан бири — Асаканинг ажиб Олақанот қишлоғида дунёга келганлар.

У ерга Асакадан сой бўйлаб бориш мумкин. Бу кўчани эсласам ҳаяжон босади, ахир падари бузрукворимиз бу кўчадан неча-неча маротаба йўлга чиқиб, неча-неча олис юртларга борганлар ва яна, албатта шу ерга, шу кўча, шу йўлдан қайтиб келардилар.

Муҳими, уларнинг биринчи қадамлари-ю катта ҳаётга йўллари ана шу кўчадан бошланган.

Опокдадамларни Асакада кўпчилик танигани ва ҳурмат қилгани боис уларнинг ҳовлилари барчага яхши таниш эди. (Ҳозир бу уйда раҳматли Абдулла амакимнинг иккинчи фарзанди ўз оиласи билан яшаб келмоқда.)

Ўз вақтида мен ҳам бу ҳовлига тез-тез бориб турардим, шунинг учун Олақанотдаги ҳаётдан хабардор эдим. Тўғри, ҳозир у ерлар ўзгариб кетган. Ҳар сафар Олақанот ҳақидаги таассуротларим янгиланади.

Опокдадамларнинг ҳовлисигача масофа узоқ бўлиб кўринса-да, лекин йўлда зерикиб қолмасдик. Эсаётган майин шабада бошларимизни силаб ўтар, вақти-вақти билан узоқ-узоқлардан радиодан берилаётган куй-қўшиқларни олиб келарди. Атрофдаги гўзал манзара, боғ-роғ, экинзор, уйлар олдидаги гул ва гулзорларни кузатиб кетаверардик-да, манзилга етиб олганимизни ҳам сезмай қолардик. Хонадонлардан келаётган тандирдан янги узилган нонниг ажойиб ҳиди димоққа урилиб, иштаҳамизни очиб юборарди. У ернинг нони, кулчаси жуда ширин ва мазали. Бир бош узум билан еб олсангиз бас, бошқа таомнинг кераги йўқ.

Сувга — ариқ, йўлга — чориқ деганларидек, йўлнинг ўнг томонидаги ариқ суви бизни етаклаб кетаётгандек эди. Уй ва дарахтлар соясида оқаётгани учун ҳам каттароқ бўлиб кўринарди.

Йўлнинг бошроғида тегирмон жойлашган, тепадан тушаётган ариқ суви унинг катта тошларини ҳаракатга келтириб, ўзанидан югуриб, қуйироқда эса оқими секинлашиб, бир текисда кетарди.

Ариқнинг нариги бетида дарвозалар, уларнинг рўпарасида кенггина қилиб кўприклар қурилган. Дарвозалар ён-верларида, соя-салқинда сув тўлдирилиб, усти фанер ё бошқа нарса билан ёпиб қўйилган катта хумлар, уларнинг устида эса тўнтариб қўйилган катта чинни пиёла ҳам турарди. Жазирамада бу сув жонга оро кирарди. Раҳматли дадамлар ана шундай ажойиб жойларда униб, ўсиб, вояга етганлар.

Бу ернинг одамлари ажойиб эканини айтмайсизми? Сизни кўришлари билан юзлари ёришиб кетади. Танимасалар ҳам ишларини йиғиштириб, юзларида табассум билан муомала қиладилар. Ёшлари улуғ бўлсалар ҳам биринчи бўлиб саломлашадилар, «сизлаб» мурожаат қиладилар.

Сув билан экин ўсар, тарбия билан одам, деганларидек, дадамлар шундай одамлар орасида яшаб, уларнинг ўгит, насиҳат, тарбияларини олганлар.

Дарё ирмоқдан бошланган каби Ватан ҳам уй, ҳовли, маҳалла, қишлоқдан бошланади. Дадамларнинг кичик Ватанлари — опоқдадамларнинг ҳовлиси йўлнинг чап томонида жойлашган. Ариқча устидаги кўприкчадан ўтиб, тўрт-беш қадамча юрсангиз, икки эшик олдидаги катта тут дарахтига рўпара бўласиз. Опоқдадамларнинг ҳовлиси унинг ўнг томонида.

Ҳовлига киришингиз биланоқ кўзингиз бир текис эгатларга, ранг-баранг гул, турли дарахт ва ўсимликларга тушади. Бу ҳовлида айниқса узум ва унинг тури, хили ҳам жуда кўп эди. Улар ҳовлининг олд томонида бўлиб, токнинг новдалари сўриларнинг тепасига кўтариб қўйилган. Ҳайрон қолдирадигани, узумнинг бирорта барги қолдирилмай хомток қилинарди.

Опоқдадамга: «Барглари бўлса, соя тўкиб турар эди-ку», десам:

— Узумнинг ё барги, ё меваси бўлиши керак. Сояси бўлсин десанг, узумсиз қоласан, — деб жавоб берардилар.

Ҳа, бу эски ҳовли не-не воқеа-ҳодисалар гувоҳи бўлмаган дейсиз. Дадамларнинг қанчадан-қанча дўст, устоз ва ҳамкасблари — ажойиб инсон ва санъаткорлар бу ҳовлига қадам босиб, унинг болдек ширин мевалари, ажойиб таомлари, шарбатдек ширин суви, қора қумғонда ғўзапоя оловида қайнатилиб дамланган аччиққина кўк чойидан баҳраманд бўлишган... Дадамлар билан онамларнинг тўйлари ҳам шу ҳовлида бўлган. Айтишларича, унинг сабабчиси ажойиб санъаткор, машҳур ҳофиз Жўрахон Султонов бўлган эканлар.

Опоқдадамлар — Тошмат ота қотмадан келган, оппоқ соқоллари билан ўралган юзларидан нур ёғилиб турарди. Ўқимишли, юмшоқ феълли, иродали, ғайратли, беғараз киши эдилар. Шу сабабли ҳам юз баҳорни қаршилаган бўлсалар керак.

Улар намозхон, эски китобларни ўқир эдилар. Ҳатто ўша мудҳиш тузум ҳукмронлиги даврида ҳам дарвозалари ёнида, анча ёшларида ўзлари қурган уйларини масжидга мўлжаллаган эканлар.

Жонсарак бўлганлари учун, опоқдадамлар, аср бошида Андижондан йўлга чиқиб, Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон ва Қашқар орқали пиёда яна Андижонга қайтиб келганлар. Кўп касблардан хабардорлиги учун йўлда ҳунармандчилик қилиб кун кўрганлар.

Ўзбекистон халқ артисти, раҳматли Таваккал Қодиров билан қариндош эканлигимиз опоқдадамлар Кувага борганларида, таниқли ҳофиз ота-боболари ҳақида сўзлаганларида маълум бўлган.

Опоқдадамлар дутор чалишни хуш кўрардилар ва яхшигина чалардилар. Созандаликдаги тажрибалари ҳам жуда катта эди. Эсимни танибманки, уларнинг дутор чалишларини билардим. Чалган куйларининг номларини айта олмасам ҳам, лекин уларни берилиб, ихлос ва маҳорат билан чертганлари ёдимда. Шундай дақиқаларда юзлари ниҳоятда жиддийлашиб, кўзларига ёш келарди. Бунинг сабабини опоқдадамлардан бошқа биров билмасди. Сўрашга эса биз журъат эта олмасдик.

Улар юз ёшларида ҳам букчайиб юрмасдилар, тетик ва бардам эдилар. Зўр овқатларни парҳезли таомларга алмаштирмасдилар. Тишларининг бутун бўлгани бунга яхши имкон берарди. Уларни доим намакоб билан чайиб турганлари учун тишларининг деярли бариси соғлом эди. Соғлиқлари ҳақида шикоят қилганларини эслай олмайман. Фақатгина умрларининг сўнгги йилларида кўзларига парда туша бошлаб, фаолиятлари доираси, сайр қилиш имкониятлари чекланиб қолган эди. Кўз шифокорлари бу хасталикни жарроҳлик йўли билан тез ва осонгина бартараф этиш мумкинлигини айтганларида, опоқдадамлар:

— Оллоҳим менга шуни раво кўрибдими, мен уни итоаткорлик билан қабул қиламан, — деб кўнмаганлар.

Дадамлар раҳматли оталарини жуда яхши кўрар, қўлларида кўтариб юришга, доим кўнгилларини олишга, улар истаган ҳар қандай нарсани дарҳол етказиб беришга тайёр эдилар. Бўш вақтлари бўлиб қолса:

— Дада, нима овқат қилиб берай? — деб сўрардилар. Опоқдадамлар ошни яхши кўрганлари учун «Нима бўларди, ош-да!» — деб жавоб берардилар.

Бувимлар раҳматли Расулат аяни кўрмаганман. Айтишларича, улар келишган, савлатли, шижоатли, сўзлари устидан чиқадиган жувон бўлган эканлар.

— Ғани, биринчи фарзандингни кўрсам бас, армоним қолмайди, — деркандар. Шу ниятларига етганлар — акамнинг дунёга келганини кўрганлару мени эса йўқ.


Дадамлар оилада кенжа фарзанд бўлиб, уларнинг чинордек Каримшер, Абдулла, Муҳаммадали деган учта акалари бўлган. Уларнинг созга иштиёқлари баландлигини, айниқса, ғижжакни яхши чалганларини эшитган эдим. Муҳаммадали амакимни кўрмаганман — улар урушда бедарак кетганлар. Абдулла амаким эса урушда бир кўзларини йўқотиб келганлар.

Дадамлар — Ғанижон Тошматов кичкина бўлсалар ҳам, баланд деворга чиқиб олиб, кўчага сакраб тушарканлар. Дадамларни фақат оталарининг дутор чертишлари-ю, акаларининг ғижжак чалишлари тўхтата оларкан холос.

Ажойиб бастакор, таниқли созанда раҳматли Тўхтасин Жалилов билан суҳбатлашиб қолганимизда у киши:

— Бир куни Андижон театрининг ёзги биносида концерт қўйишимиз керак эди. Ичкари кирсам, саҳнада бир бола ўйнаб юрибди. Мен унга «Саҳнадан туш, концерт бўлади» десам, у ҳар қанча гапбўлса, четрокда, яккама-яккасига гаплашишини айтди. Созандаларнинг саҳнага чиқиб келиши биланоқ масала дарҳол ҳал бўлди. У менга ўшандан бери ёқади. Бу бола отангиз Ғанижон эди, деб сўзлаб бергандилар. Таниш-билишларнинг гапига қараганда отам — Ғанижон Тошматов ёшлигида жуда шўх бўлган эканлар.

Муҳсин ҒАНИЕВ



«Кўзимиз шамъининг нури...»

Тожик тупроғида қонлар сергиди. Тоғлар хомуш тортиб, дарёлар яна шиддат билан айқира бошлади. Автомат садосидан безган пахса деворлар бошида қизғалдоқлар чарсиллаб ёнди. Яқинда бу жафокаш заминга худди шу заминнинг энг жонкуяр дўсти республикамиз Президенти Ислом Каримов ташриф буюрди. «Бу ташриф — дейишди тожик дўстларимиз, — республика ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Икки қадимий халқ ўртасидаги азалий дўстлик ришталари янада мустаҳкамланди».

Тожик адабиётининг шуҳрати маълум: Рўдакий, Фирдавсий, Хайём, Бедил, Ҳофиз Саъдий, Турсунзода, Лоиқ... Бу номларни чексиз давом эттириш мумкин.

Қўрғонтепа шаҳрида ҳар икки — тожик ва ўзбек адабиётларининг ҳақиқий дўсти, заҳматкаш мураббий, устоз Муҳаммаджон ака Турсунов истиқомат қиладилар. Муҳаммаджон ака асли қўқонлик. Аммо бутун ҳаёти тожик тупроғида кечди. Фарзандлари шу ерда дунёга келди. Шу ерда оламни таниди. Республикада Муҳаммаджон акани билмайдиган одам йўқ.

Қўрғонтепа вилоятидаги мўъжаз адабий муҳитда Мурожжон Ҳожи Собит ўғли, Шодмон Жўраев, Муртазо Улуғов каби ўзбек тилида ижод қилувчи шоирлар билан бир сафда Муҳаммад Ғоиб, Хайрандеш каби тожик ижодкорлари яшашади. Улар тез-тез ижодий баҳслар уюштиришиб, шаҳар боғида шеърият базмлари ўтказишади. Шубҳа йўққи, бундай кўнгилли дўстона алоқалар икки халқ ўртасидаги азалий қондошлик муносабатларини тобора мустаҳкамлайверади.

Яқинда Қўрғонтепага қилган сафарим чоғида юқорида номлари саналган ижодкорлар даврасида бўлдим ва бунга яна бир бор имон келтирдим. Ҳа, тожик ва ўзбек халқлари ўртасидаги мангу дўстлик ришталари безаволдир.

Суҳбат асносида Муҳаммаджон ака ўзининг истеъдодли тожик шоири Муҳаммад Ғоиб шеърларидан қилган таржималарини катта завқ билан ўқиб берди.

Биз олис-олисларда ҳар икки халқ маданияти ва адабиёти учун жон куйдириб холис меҳнат қилаётган хоксор дўстларимизга дунёнинг бор яхшиликларини тилаб, Муҳаммад Ғоиб шеърларидан айрим намуналарни муҳтарам журналхонларимизга ҳавола қиламиз.

Асқар МАҲКАМ

Муҳаммад ҒОИБ

Ўлкам туни

Назарларда қўрғон каби якка-якка
Ширин уҳлар ястаниб ер то тонггача.
Фалак қушин қанот остин айлаб макон,
Тоғлар уҳлар, бўлиб гўё бир тўп жўжа.

Чўққи узра ой кўринар, ажаб мағрур,
Худди бахтнинг азалий зўр посбонидек.
Кутқу солар ваҳимали кўланкалар,
Лашкарларнинг макон тортган бир онидек.

Курашчисин мағлубият алами-ла
Она тили унут бўлган эли ҳиссиз —
Ворисларин тақдирини ўйлаётган
Аждод кўзи янглиғ куяр кўкда юлдуз.

Гоҳ бир ёнда чақнаб қолар нурли шуъла,
Шуъла эмас, нурсизгина ўзни англаш,
Тунчирок бу, қиёси йўқ, гўёки у
Уйқудаги истиқболли нурли қураш.

Думалашган харсанг тошлар мисли болиш,
Майсалар-чи, ором учун тўшалгандай.
Нур олсин деб хира кўзлар, гўё атай
Кул тўдалар сурма бўлиб ушалгандай.

Тоғликларда ҳовли бўлар жозибали —
Олачалпоқ майдон, худди гулли гилам;
Баъзи бири дарахт остин макон тутган,
Айримлари ариқ бўйин безар бирам.

Саф тортишиб уйқу элтган қушчалардек
Новдаларда мудрар барглар тушлар кўриб,
Ўйноқи ел тентирайди, ғингшиб изғир,
Гўё катак йўлин топмас тулки бўлиб.

Қўшиқ айтиб минг бир куйда чирилдоқлар,
Тантанали олқишлайди субҳидамни.
Кўчалару боғ йўлаклар тунда гўё
Бир базмгоҳ, йўлатмовчи асло ғамни.

Оналарнинг сеҳр тўла алласидек,
Мафтун этар ариқчада сув жилдираб...
Ўз ўлкамдан ўзга юртлар юпатолмас,
Йиғлоқи бир бола бўлиб турсам йиғлаб.

Она юрт тупроғида

Майлига бўлсам гадо она юрт тупроғида,
Билинмас зинҳор жафо она юрт тупроғида.

Розиман ғамлар чекиб, дардга бўлиб мубтало,
Аммо ҳижрондин жудо она юрт тупроғида.

Дўстларим ағёр бўлиб, менга сўнса оқибат,
Кўрмасам майли вафо она юрт тупроғида.

Оғудан гар рангим зард, енголмас ҳеч битта дард,
Дарбадар истай даво она юрт тупроғида.

Дол қаддим элтмаса ўз юким манзилига,
Кўлларим тутсин асо она юрт тупроғида.

Етса гар фасли хазон тандаги жон мулкига,
Майли, бўлсам бенаво она юрт тупроғида.

Эй Муҳаммад, эт сукут қанча хўрлик етса ҳам,
Деб: Худо кўрмиш раво она юрт тупроғида.

Йиғлатур

Кўча-кўйда қўл чўзиб хор юрганлар йиғлатур,
Илтижони менсимай ночор турганлар йиғлатур.

Кўпларга бўлди обрў, эътибор осон насиб,
Омадимга чанг солиб, даврон сурганлар йиғлатур.

Сатта нодонлар бўлди катта мулклар соҳиби,
Доною муҳтожликка юз бурганлар йиғлатур.

Мактабу устозлари меҳридан бўлиб маҳрум,
Тирикчилик кўйида югурганлар йиғлатур.

Ҳақиқат кўзларини ўйиб олмиш каззоблар,
Адолат қалби узра айш қурганлар йиғлатур.

Юртимиз оқиллари ночор энгил-бошда,
Хирадсизу лек шоҳона кийинганлар йиғлатур.

Қодир Оллоҳ, бандаларинг ҳолига раҳм айлагил,
Бандангман-ку, лутфингни зор кутганлар йиғлатур.

1994 йил.

Тожик тилидан
Муҳаммаджон ТУРСУНОВ таржималари

Ғазанхон шоир

(Чархий таваллудининг 100 йиллигига)

Чархий (Асқарали Ҳамроалиев) XX аср ўзбек адабиётининг йирик вакилларидан бири, кўп қиррали ижодкор. У ўзининг ярим асрдан зиёд вақт давомидаги ижодий фаолиятида адабиётимизнинг тараққиёти ва ривожланишига муносиб ҳисса қўшди.

Шоир Чархий 1900 йилнинг баҳорида Қўқон шаҳрининг Сарбаҳодир маҳалласида тўқувчи косиб оиласида дунёга келди. У аввал 1910-1916 йилларда машҳур тараққийпарвар муаллим Муҳаммаджон Холиқийнинг янги усул мактабида, сўнг 1917-1926 йилларда Султон Муродбек мадрасасида таҳсил кўрди. 15-16 ёшларидан бошлаб ижод билан шуғулана бошлади. Шеъриятнинг сир-асрорларини устозлари — Сулаймонқул Рожий, Мирзоий Хўқандий ва Мўминжон Мақсадлардан қунт билан ўрганди. Навоий, Фузулий, Муқимий, Фурқат ғазалларини мутолаа қилди, уларга эргашиб шеърлар ёзди. Шоир ўзига Чархий тахаллусини танлади. Бу ҳақда у ўзининг таржимаи ҳолида: «Ота касбим тўқувчи бўлганлиги туфайли мен ўзимга Чархий тахаллусини лозим топган эдим», — деб ёзган эди.

Чархий 1926-1938 йилларда Қўқондаги «Қувват» тўқув артелида, 1939 йилда Алишер Навоийнинг 500 йиллик юбилейини ўтказиш комитетида хаттот бўлиб ишлади. 1941 йилда Қўқонда Муқимий уй-музейи ташкил қилиниши муносабати билан бу ерга ишга таклиф этилди. Мана шу табаррук даргоҳда умрининг охирига қадар илмий ходим сифатида фаолият кўрсатди. Муқимий адабий меросини тиклашда, эълон қилинмаган асарларини халққа етказишда, шоир ижодини тарғиб-ташвиқ қилишда катта хизматлар қилди. Шоир Чархий 1942-1947 йилларда Қўқондаги Ҳамза номли театрда адабий эмакдош вазифасида ҳам самарали ишлади.

Чархийнинг шеърлари, асосан, 1938 йилдан эътиборан матбуотда босила бошлаган. Бу даврда унинг «Янги Фарғона» газетаси ва «Муштум» журналида қатор шеърлари эълон қилинган. 1959 йилда шоирнинг илк китоби — «Ширин ва аччиқ» нашр этилди. Кейинчалик «Шеърлар» (1966 йил), «Алихўжа — Хўжаали» (1970), «Девон» (1972), «Бешигингда ётмайман» (1975), «Зебо Қўқон» (1979) шеърий тўпламлари босилиб чиқди. Шоирнинг «Девон»ига энг сара ғазаллари, мухаммас, мустазод, мураббаъ, маснавийлари ҳамда рубоий, туюқлари, шунингдек, ҳажвий асарлари киритилган. «Девон»дан ўрин олган шеърлар 9 жанрда битилгандир.

Чархий — арузнавис шоирдир. Аруздаги ижод этган шоирлар орасида Чархийнинг ўзига хос, салмоқли ўрни бор. Унинг арузда битган асарлари ўйноқилиги, равонлиги, мусиқийлиги билан ажралиб туради.

Чархий ижоди лирика ва ҳажвиётдан ташкил топган. Унинг лирик шеърларида она-Ватан, эл-юрт, жонажон диёр, халқлар дўстлиги, тинчлик, халқимизнинг фидокорона меҳнати мадҳ этилади, инсон ва фусункор табиат гўзаллиги куйланади.

Шоирнинг «Баҳор келур», «Баҳор», «Баҳор тароналари», «Келди баҳор байрами», «Гулбаҳор», «Келинг» шеърларида «чаман саҳнини пардоз» айлагувчи, «кўнгилга беадад хурсандлик» олиб келувчи, «меҳнат элин шод» этувчи, «шифоли ўтлар ила тоғу чўл»ни ясантирувчи, «ер юзини алвон этиб, чўлни гулистон» қилгувчи «мавсумларнинг таннози» — баҳор, кўклам фасли жўшқин сатрларда тараннум қилинади.

Чархий — қўшиқчи шоир, У адабиётимизда қўшиқ жанрининг равнақига муносиб улуш қўшган. Чархийнинг ўнлаб шўх, ўйноқи ғазалларига куй басталанган, уларни машҳур ҳофизларимиз — Ҳамроқул қори, Эркақори Каримов, Жўрахон Султонов, Муроджон Ахмедов, Расулқори Мамадалиевлар маҳорат билан ижро этишган. Шоирнинг «Қиёлаб ўтди», «Дерман», «Ўргилай», «Кўнглим яқин», «Ўйнасин», «Гул даста-даста», «Нигорим бор», «Топилмас», «Дилдори шўх», «Ёдимга тушди» қўшиқларида самимий муҳаббат, севгидаги шармуҳаё, одоб-ахлоқ ва вафо, садоқат нозик ва нафис оҳанглар орқали мадҳ этилади:

Тонг чоғи сарвиноздим аста қиёлаб ўтди,
Тушгач кўзи кўзимга таъзим бажолаб ўтди.
Таъзимига эгиб бош ҳурмат ишора қилсам,
Мастона кўз учида шарму ҳаёлаб ўтди.
(«Қиёлаб ўтди»)

Бу қўшиқни ёзишда шоир халқ қўшиқларининг соддалиги, равонлиги ва мукаммал мусиқийлигидан илҳомланган.

Чархийнинг қўшиқлари 6-7 байтлик ғазаллардир. У шунинг билан мумтоз миллий қўшиқчиликдаги анъанани сақлаб қолади. Шу ихчам шаклга демоқчи бўлган фикрини сиғдиради. Шоир барча қўшиқларида оҳангдор сўзлардан тўлиқ қофия яратишга эришади. Оч қофия Чархий қўшиқларида деярли учрамайди. Мисраларнинг мазмунини кучайтириш, бойитиш, таъкидлаш усули билан лирик қаҳрамонга эътиборни кўпроқ жалб этиш мақсадида янги радифлар топади. «Қиёлаб ўтди» қўшиғидаги «ўтди» радифининг бошқа шоирларда учрамаслиги, унга мос қофияларнинг ишлатилиши шоир маҳорати ва изланувчанлигининг белгисидир.

Чархий — ҳажв устаси. Унинг 1975 йилда нашр қилинган «Бешигингда ётмайман» китоби ҳажвий, кулгили шеърлардан таркиб топган. Жумладан, шоирнинг «Пул ўлсин-а, пул ўлсин» ҳажвида пулга ружу қўйиш, пулни деб имонни сотиш ҳолатлари киноядли, кулгили тарзда ифода этилади.

Шоир Чархий адабиётимизнинг йирик дарғалари — Ғафур Ғулом, Собир Абдулла, Ҳабибий, Чустийлар билан дўст, қадрдон бўлган, улар билан бақамти туриб ижод майдонида жавлон урган, ғазалларига мухаммаслар боғлаган. Асқарали Чархий 1979 йилнинг 14 декабрида салкам саксон ёшида вафот этди. Ҳаётлик даврида(ёқ (1975 йили) «Ўзбекистон халқ шоири» унвонига сазовор бўлди. Қўқон шаҳрининг обод ва кўркам мавзеларидан бирига Чархий номи берилган. Шаҳардаги 10-мактаб севимли шоир номидадир.

Халқчил, дилга яқин асарлари билан элимиз орасида шуҳрат топган бу камтарин шоирнинг серқирра ижоди кенг китобхонлар учун доимо маънавий бойлик вазифасини ўтайди.

Носиржон ОХУНОВ,
Назиржон НАЗАРОВ



Тошбитиклар ҳақида баъзи сўзлар

Минтақамиз мусулмонлари эъзозлайдиган қадимий саждагоҳлар, тарихий обидалар орасида азиз-авлиёлар дафн этилган хилхоналар алоҳида эътиборга лойиқдир.

Қабристонлар ҳудудидаги меъморий ёдгорликлар тарихчи олимларимиз томонидан ўрганилди ва ўрганилмоқда. Аммо тошбитиклар ва улардаги ёзувлар деярли тадқиқ этилмаган. Ҳолбуки, олимлар айтишича, битикнавислик (эпиграфика) бўйича Ўзбекистон дунёда Эрондан кейинги ўринни эгаллайди. Тадқиқотлардан маълумки, тахминан IV асрдан оят, ҳадис, ҳикматларни тошларга битиш одати пайдо бўлган. XI асрдан қабртошларга марсия битиш анъанавий тус олади, бу анъана ҳозиргача давом этаётир. Марсияларни битишда донишманд шоирлар Саъдий, Ҳофиз Шерозий, Жомий, Ибн Ямин ёки бошқалар ижодига мансуб байтлардан фойдаланганлар.

Ҳозир фақат Бухоро вилояти ҳудудида шаҳардан етти километр ғарбда жойлашган Чор Бакр зиёратгоҳидаги эпиграфика ёдгорликлари нисбатан яхши сақланган. Ушбу зиёратгоҳ жойлашган қишлоқнинг номини, ҳатто Муҳаммад Наршахий (X аср) «Бухоро тарихи» асарида эслатиб ўтган.

Бухорои шарифда Сомонийлар даврига оид Намозгоҳ масжиди бор; X аср охири ва XI асрнинг бошларида яшаб ўтган бухоролик машҳур муҳаддислар Абу Бакр ибн Саъд ҳамда у кишининг фарзандлари Бакр ибн Аҳмад ҳазратлари мана шу муборак масканга дафн этилганлар. Қорахонийлар даврида Бухорои шарифнинг Намозгоҳ масжиди шаҳарнинг шимоли-шарқий қасабасига кўчирилганидан кейин ҳам зиёратгоҳдан мусулмонларнинг оёғи узилмаган, XVI асрнинг ўрталарида Бухорода нашқбандия тариқатининг нуфузли пири комили бўлмиш Хожа Ислом Жуйборий (1563 йили вафот этган) шажаранома асосида Сумитон ерларига меросхўр эканликларини исботлаб берганларидан сўнг Сумитон ўрамига кирадиган жамики ер-мулк (минг таноб — 250 гектардан ортиқроқ) у кишининг ихтиёрига берилади. Шундай қилиб, зиёратгоҳнинг кейинги тарихи Жуйборийлар авлодининг номи билан чамбарчас боғлиқдир. XYI-XYIII асрлар давомида бу ерда хонақоҳ, масжид, мадраса, мактаб, чорбоғ, ҳаммом каби иншоотлар бунёд этилади. Шу тариқа вужудга келган мажмуа Бухоро ва унинг атрофидаги энг гавжум зиёратгоҳлардан бири бўлиб қолади. Мозордаги қабртошларнинг асосий қисми XV-XVII асрларда тайёрланган. Чор Бакр зиёратгоҳидаги қабртош битиклари Бухорои шарифнинг бадиий дид-фаросатини, адабий муҳитини ўрганиш имкониятини беради.

Чор Бакр қабртошлари матнларида мумтоз шоирларнинг ашъорини ўқир эканмиз, ўрта асрларда Мовароуннаҳр ҳудудида урф бўлган саъдийхонлик, ҳофизхонликлар мозорларда ҳам ўз тадрижий давомига эга бўлганлигига гувоҳ бўламиз:

Хуш аст умр, дареғо ки жовидоний нест,
Пас эътимод бар ин панж рўзи фоний нест.
Дарахти қад санувбар ҳуррами инсонро,
Мудом равнақи навбо ва жавоний нест.
Гулест ҳурраму хандон ва тозаву хушбўй,
Вале умеду саботаш чунон ки доний нест.
Агар мамолики рўи замин ба даст орй,
Баҳои мўҳлат як рўзи зиндагоний нест.
Амал биёр ва илм бар макан ки мардонро,
Раҳе салимтар аз кўи бенишоний нест.
Дил, эй рафиқ, дар ин корвонсарой мабанд,
Ки хона сохтан ойсини корвоний нест.
Дунё он қадр надорад-ки, бар ў рашк баранд...

Мазмуни:

Умр яхшидир, афсуски, абадий эмас,
Демак, бу фоний беш кунга ишонч йўқ.
Гарчи дарахтнинг тик қоматлилиги инсонни суюнтирса-да,
Ҳадя қилинган мевалар таровати боқий ёшлик дегани эмас.
Хурраму хандон, тоза ва хушбўй — гулдир,
Лекин умид ва саботи билганингдек эмасдир.
Агар ер юзидаги юртларни қўлга киритсанг-да,
Вақтнинг қиммати тирикликнинг бир кунига арзимайдир.
Илм олгин, амал қилгинки, мардлар учун
Бекаму кўстлик бенишонликдан эмасдир.
Эй рафиқ, бу дунёга — карвонсаройга кўнгил боғлама,
Ки уй қурмоқ карвон одати эмасдир.
Дунё бунчалик қадрли эмас, уни қизғанслар...

Тахминан XV асрнинг ўрталарига оид бўлиб, санаси сақланмаган юқоридаги ёзув Амир Саййид Аҳмад Шамсиддин ибн Мироншоҳ қабртошига битилган. Жанр хусусиятига кўра қасида бўлган мазкур шеър «Куллиёти Саъдий»нинг «Мавоъиз» қисмидаги «Андарз ва насиҳат» қасидасидан олинган парчадир. Сўнгги мисра эса «Калиди дар ганж» қасидасидан олингандир.

Қабртошнинг шарқий, ғарбий ва шимолий томонларининг юқори қисмларида шоирнинг Иззиддин Аҳмад бин Юсуфга бағишланган марсиясидан парча келтирилган.

Яна бир тошбитик 1680-81 йилда вафот қилган Подшоҳ Хожага тегишли бўлиб, қуйидаги мисралар битилган:

Далерона по бар заминҳо манеҳ
Ки, бар зери пои ту ҳаст аз ту беҳ,
Дар ин чашма басе бе мо дам заданд,
Бирафтанд то чашм барҳам заданд.
Жаҳон, эй бародар, мақоми хуш аст,
Вале нохуш аст, ин ки одамкуш аст.
Макун сабзи лоларо поймол,
Ки бар зери пои ту сад хатту хол.

Мазмуни:

Ерга шижоат-ла оёқ қўймагин,
Ки оёғинг остида сендан яхшилар бордир.
Бу булоқ бошида бизсиз кўплар тўхтаб ўтдилар,
Кўз очиб юмгунча (бу дунёдан) кетдилар.
Жаҳон, эй бародар, ёқимли маскандир,
Лекин одамкушлиги нохушдир.
Майса, лолани этмагин поймол,
Оёғинг остида юзлаб хатту хол (бор).

Мазкур байтлар шоирнинг «Бўстон»идаги 5-ҳикоятдан олинган.

Шеърнинг 2-байти ўрта аср ёдгорликларига энг кўп битилган байтлардан ҳисобланади. Булар Помир ва Озарбайжонда топилган қабртошлар матнида ҳам мавжуд. Аслида, мазкур байт араб шоири Абулаъло ал-Маарриий қаламига мансуб фардга ишорадир.

1018 (1598-99) йилга оид бўлган, Зайнаб Султонхоним қабрига битилган ёзув шоирнинг «Бўстон»идаги «Тавба ва савоб йўли хусусида»ги ҳикоятдан олинган парчадир:

Ало, эй ки, бар хоки мо бигзорй,
Ба холи азизон ки ёд овард.
Тафарружкунон дар ҳавову ҳавас,
Гузаштем бар хок бисёр кас.
Касоне, ки аз мо ба ғайб андаранд,
Биёянд, бар хоки мо бигзаранд.
Дареғо, ки бе мо басе рўзгор,
Бирўяд гул, бишукуфад навбаҳор.

Мазмуни:

Эй, сенким, тупроғимизга оёқ қўйгувчи,
Азизларимиз ҳолини эсла.
Ҳою ҳавас учун бошимиз айланиб,
Кўпчиликни тупроққа қўйдик.
Биздан бўлганлар ғайбдадирлар,
Келсалар, тупроғимиздан ўтгайлар.
Афсуски, энди бизларсиз қайта
Гул унар, навбаҳор келар.

«Куллиёти Саъдий»нинг 380-бетидан жой олган қуйидаги маснавий Фахриябону Султоним қабртошига ёзилган:

Басе тиру даймоҳ урдубихишт,
Биёяд, ки мо хок бошему хишт.
Ду байтам жигар кард рўзе кабоб
Ки мегуфт гўянда бо рубоб:
Дареғо, ки бе мо басе рўзгор
Бирўяд гул ва бишкуфад навбаҳор.
Дареғо, чунон рўхпарвари замон
Ки бигзашт бар мо чу барқи Ямон.
Дареғо, ки машғули ботил шудем,
Зи ҳақ дур мондем, ғофил шудем.
Дареғо, ки фасли жавонй гузашт,
Ба лаҳву лаъб зиндагонй гузашт.

Ўзбекчаси:

Яна кузу қишу баҳор келади,
Биз ҳоку лойга айланамиз.
Икки байтим бир кун бағримни ўртади,
Ки айтгувчи рубоб билан дерди:
Афсуски, энди бизларсиз, қайта
Гул очилар ва навбаҳор келар.
Афсус, замоннинг шундай руҳпарвари
Яман яшини мисол биздан кетди.
Афсус, беҳуда ишлар билан машғул бўлдик,
Ҳақдан узоқлашиб, ғофил бўлдик.
Афсус, ёшлик фасли ўтди,
Ўйинқароқлик билан ҳаёт ўтди.

Шунингдек, қабртошлардаги шеър вариантларида айрим матнлар соддалаштирилган, оддийлашган, кўп ҳолларда матнни бутунлай бузиб юборилиши ҳам учрайди. Мазкур битикларни таҳлил учун бизга тақдим этган тарихчи олим Б.Бобожоновга ташаккуримизни билдирамиз. Мазкур битиклар халқимиз маънавий-эстетик диди юксаклигидан нишонадир.

Олима НАБИЕВА,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси тадқиқотчиси

Китоб – меҳроб

«Маънавий маснавий»ни ўқиб



Одамга олам ва уқбони англаш учун етарли илмга эга бўлишнинг ўзигина кифоя қилмайди. Бунинг учун Яратган ато этган буюк ва қудратли қалб ҳам бўлмоғи керак. Одатий қалб ва руҳ ҳаммада ҳам мавжуд. Баъзи инсонлар бўладики, етарли, ҳатто ортиқ даражада илмга эга бўлса-да, унинг сўзларини ҳузур қилиб эшитмайсиз. Аксинча, ўзингизни руҳан оғирлашгандай ҳис қиласиз. Ҳарчанд тўғри гапирсалар-да, ундан тезроқ қутилиш чораларини излашга тушасиз. Бунинг сабаби не экан?

Бу ҳолат илоҳий қувват, илоҳий фазилатга бориб тақалади. Дунёга танилган ориф зотларнинг барчаси нафақат билимлари ва қуввai хаёллари билан, балки хушбўй фазилатлари билан ҳам тингловчини оҳанрабодай ўзига тортиб, уларни ўзларига мафтун қилиб келганлар. Фикри ожизимча, ҳамма гап ботиннинг гўзаллиги ва поклигида бўлса керак. Буни мушки анбарга менгзаш мумкин. Мушки анбар ўзидан қанчалик хушбўй ҳид таратса, ориф зот ҳам ўзидан худди шундай бир илиқ нур таратадики, буни фақат кўнгил ва руҳ ҳис қила олади, холос.

Яна шундай фикрдаманки, етарли илмга эга бўлишнинг ўзи инсоннинг машҳур бўлиши учун кифоя қилмайди. Инчунин, кўнгил ва руҳ етилмас экан, бундан ҳеч бир фойда йўқ. Инсон қуруқ ахборот ёки ақл жамланган воситага айланиб қолаверади. Мавлоно Румий ҳам ўзидан ана шундай хушбўй анбар таратган зот бўлганки, бу тароват узоқ-узоқларга етиб бориб ўз ошиқларининг кўнгил димоғини мафтун қилган. Ул зотга интилган сари янада интилаверганлар.

Сайёра ШОДИЕВА,
«Театр» журнали масъул котиби



Маснавий

Жалолиддин РУМИЙ

Маснавий

Ин жасад — хона; ҳасад омад бад-он,
К-аз ҳасад олуда бошад хонадон.
Гар жасад хона ҳасад бошад валек,
Он жасадро пок кард Оллоҳ нек.
«Тоҳҳирон байтий» баёни покй аст.
Ганжи нур аст,ар тилисмаш хокй аст.

Таржима

Бу жасад — хона,ҳасад кирса босиб,
Хонадон барбод бўлгай ўт олиб.
Гар жасадлар хонаси лиқ-лиқ ҳасад,
Ул жасадни поклагай Оллоҳ фақат.
«Тоҳҳирон байтий» кўнгиллар покдир,
Нур ганжи,гар тилисми хокдир.

Лисоний таржима

Одам жисми — ҳасад, кин-адоват маскани. Шуни унутмагилки, ҳасад сенинг хонадонингни булғайди.

Ҳар ҳолда ҳасад энг қабиҳ инсоний сифатлардан.

Агарчи одамзот вужуди — колбади ҳасад маскани бўлса-да, Оллоҳ таъоло уни яхшилик билан поклади. Булар пайғамбарлар ва авлиёларнинг жисмлари.

«Бақара» сурасининг 125-ояти: *«Ва аҳидна ила Иброҳима ва Исмоила ан тоҳҳирон байтий»* (Ва биз Иброҳим ҳамда Исмоил билан хонамни пок қилмаклари хусусида аҳдлашдик). Ушбу буюк оят кўнгил уйини пок тутмоқликка чақиради. Бу жасад — колбад ботини —илоҳий нур хазинаси. Гарчи бу жасад тилсими тупроқдан яъни, инсонга ташқаридан назар солсанг у моддадан иборат, бироқ унинг руҳига йўл топсанг, унда илоҳий нурни кўрасан. Мулла Ҳодий Сабзаворий ёзади: «Кўнгил уйи — ботиний (ички) байтулҳарам. Уни ботиний палидликдан пок тутиш керак».

Шарҳ

Бадан эҳтиёж ва фақр сарчашмаси. Ҳасад ҳам эҳтиёж ва нуқсондан бошланади. Шу жиҳатдан ҳазрат Мавлоно жасадни ҳасад уйи — манзилгоҳи демоқда. Бироқ ҳасад ва турли-туман нуқсонлар билан булғанган бу хонадон қуръоний далилга муносиб бўлди: «Ан тоҳҳирон байтий...» Демак, вужуд Ҳақнинг назарида. У аслида камолот, нур ва поклик макони.

(Давоми. Бошқа ўринда сонларда.)

Маснавий

Чун кунй бар беҳасад макру ҳасад,
З-он ҳасад дилро сиёҳиҳо расад.
Хок шав мардони Ҳақро зери по,
Хок бар сар кун ҳасадро ҳамчу мо.

Таржима

Беҳасадга айласанг макру ҳасад,
Қоплагай кўнглингни зулмат ҳам фасод.
Хоки по бўл марди Ҳақлар йўлида,
Биз каби тиққил ҳасадни гўрга.

Лисоний таржима

Кўнгли ҳасад палидлигидан пок, ғиллу ғашликдан холи кишиларга нисбатан ҳасад қилсанг, бунинг оқибатида кўнглинг зимистонга айланади.

Ҳақ мардлари, авлиёуллоҳлар оёқлари остида тупроқ бўл. Бизлар каби ҳасад боши устига тупроқ торт.

Шарҳ

Баённи чўзиб ўтирмасдан, бир сўз билан айтиш мумкинки, чинакам иймонли зотларда ҳасад туйғуси бўлмайди. Менинг оёғимдаги ковуш, чориқ ёхуд эгнимдаги жанда аслида, яъни ҳақиқат ҳолида шоҳона либосдир. Чунки, ҳар нечук либоснинг биринчи галдаги вазифаси менинг жисмимни маълум маънода ва маълум ҳолатда асрайди, холос. Табиийки, на жанда ва на шоҳона либос ҳеч кимнинг ақлига урвоқча ақл қўшолмайди, ҳеч кимнинг фазилатини орттиролмайди. Демак, либос ҳеч қачон ҳасад воситаси бўлолмайди. Худди шу каби на бойлик, на ҳашамат ва на шону шавкат ҳам ҳасад мояси бўлиши хато. Одамларга нисбатан улуғ, мўътабар, истеъдодли каби сифатларни қўллаш ножоиздир. Одам на ақл, на... бошқа бир фазилатда ўзга бир одамдан устун эмас. «Ақлли» деб тан олинган зотлар тонгдан қора шомгача айтайлик, нонининг кетидан юраверса, ҳеч қачон бу «сифат»га сазовор бўла олмасди. «Истеъдодли» деб таърифланган ва газета, телеэкранларда бакрайиб турган қиёфалар бир бурда нон учун мардикорликдан бошлари чиқмаганда ҳеч шубҳасиз бу рамкаларга сиғмаган бўлардилар.

Одамнинг нимасига ҳасад қилиш мумкин? Ҳеч нарсасига. Одам ҳам, ҳайвон ҳам ҳасад воситаси бўлолмайди. Кимки кимгадир ҳасад қилса, демак у соғ эмас.

ҲАЗИРНИНГ ҲАСАД ҚИЛИШИ ХУСУСИДА

Маснавий

Он вазирак аз ҳасад будаш нажод
То ба ботил гўшу бинй бод дод.
Бар умеди он,ки аз ниши ҳасад,
Заҳри у дар жони мискинон расад.
Ҳар касе к-ў аз ҳасад бинй канад,
Хештан бегўшу бебинй кунад.

Таржима

Ул вазир қонида бор эрди ҳасад,
Қилди ботил ҳам қулоқ,бурнин фақат.
Ўйладиким бул ҳасаднинг нишидан.
Халқ жони тўхтагай жунбушидан.
Кимда-ким қилса ҳасадни пешалик,
Ҳей дариғ,шармандалик,шармандалик.

Лисоний таржима

Ҳасад, адоват, маккорлик вазирнинг қонида бор эди. Натижада ҳасад асорат ўтказиб, унинг қулоқ ва бурнини барбод айлади.

Ҳасадчи вазир қулоқ ва бурнининг барбод бўлиши, унинг мазлум исавийлар жонига заҳарли нишини санчиши оқибатида содир бўлди.

Шарҳ

Ҳасадни ўзига касб қилиб олган зотнинг кўз ўнгини зулмат қоплайди, қулоқлари батамом ёпилади. Унинг юрагини ҳасад қилинаётган кимса гўё чангаллаб тургандек бўлаверади. Бу ғоят оғир руҳий дард. Ўзини англаб етмаган кимса бу дарднинг ҳакимини — шифосини билмайди...

Маснавий

Бинй он бошад,ки ў бўйе барад,
Бўй ўро жониби кўе барад.
Ҳар кй бўяш нест бебинй бувад,
Бўйи он бўёст,к-он динй бувад.

Таржима

Ҳидни билмоқлик буруннинг одати,
Ҳид уни турли томонга тортади.
Ҳиди йўқнинг англагилки,бурни йўқ,
Ҳиди — диндир,ҳиди йўқнинг дини йўқ.

Лисоний таржима

Бурунниng хоссаси ҳид сезмоқлик. Ҳид эса бурунни ўз измига солиб, турли томонга тортади. Форс тилидаги «бинӣ», яъни бурунниng «назар», «қараш» каби маънолари ҳам бор. Байтнинг форсча матнидаги «бинӣ» — бурунниgина эмас, балки назар, қараш каби маъноларни ҳам ифода этади. Дарвоқе, одамда жуда теран назар бўлмаса Ҳақиқатни кашф эта олмайди.

Форсча «бинӣ»дан мақсад фақат зоҳирий «бинӣ», яъни «бурун» эмас, балки, кўрмоқ, билмоқ, яъни Ҳақиқатни англамоқдир. Қуръон ва қуръоний далиллар диний ҳақиқатлар қулфини очади. Кимки ҳақиқатни кўра олмас экан, унда ҳақиқатни билгувчи воситалар (яъни, назар, нигоҳ) ҳам йўқ. Бундай одамда илоҳий маърифат мавжуд эмас.

Шарҳ

Такаббурлик, манманлик, ҳудбинликни ифодаловчи тилимиздаги «бурунни кўтармоқ» ибораси форс тилида «бинӣ кардан» тарзида қўлланилади. «Бурнини тиқмоқ», «бурунни кўтармоқ», «бурунни ерга ишқаламоқ» каби турли ибораларнинг форс тилидаги шакллари қарийбки ўзбекча шаклларига мазмунан ҳамоҳангдир. Чунончи, «бинӣ задан», «бинӣ боло кашидан», «бинӣ ба хок молидан» ва ҳоказо. Булар ҳудбинлик, кибру ғурурнинг намуналаридир.

Маснавий

Чунки, бўе бурду шукре накард,
Куфри неъмат омаду, бинаш хавард.
Шукр кун, мар шокиронро банда бош,
Пеши эшон мурда шав, поянда бош,
Чун вазир аз роҳзанӣ моя масоз,
Халқро ту бар наёвар аз намоз.

Таржима

Ҳидни билди, қилмади лек шукрини,
Неъматин хор тутди, билди куфрни.
Шукр қил, шокирга бўлгил бандалар
Қошида ўлгил-да бўл пояндалар.
Сен вазир янглиғ қароқчи бўлмагил,
Халқни розу намоздан қувмагил.

Лисоний таржима

Ҳақ истовчи бир комил устоздан ҳақиқат бўйини олди, бироқ бунга шукр қилмади. Шу туфайли у ўзининг Ҳақиқатни билгувчи аъзосидан (ҳид билув органи) маҳрум бўлди. Ҳақиқий шукр қилгувчилар — шокирлардек бўл ва уларнинг хизматига бел боғла, уларнинг наздида фанолик қилгил-да шу билан мангулик силсиласига қовушгил. Барча ҳою ҳавасларни тарк айлаб, ғассол кўлидаги маййитга айлан. Қалбингни шокирларга топшир, токи улар сенга ҳақиқий йўлни кўрсатсинлар. Ўзгаларни гумроҳ қилишни ўзига мақсад қилиб олган ҳасадчи вазирга ўхшама. Одамларни ибодат ва шукр қилмоқларига монеъ бўлма. Ўзинг гумроҳ бўлсанг, ўзгаларни ҳам гумроҳ қилма.

Шарҳ

Ҳақиқий мўминнинг сифатларидан бири унинг қошига бостириб келган балоларга сабр қилиб, ҳосил бўлган неъматларга шукр қилмоғидир. Банда теранроқ ўйлаб кўрса унинг шукронасига сабаб бўлгувчи илоҳий ҳодисаларнинг ниҳоятда чексизлигига гувоҳ бўлади. Ҳар ҳолда ҳаётда балодан кўра сафо мўлдир. Уларнинг ҳар бирини санаб чиқмоққа умримиз етарли эмас. Бироқ ахён-ахён бошимизга тушгувчи мусибатлар қошида иродасизлик туфайли ношукрлик қиламиз. Минг карра сийлаб, бир марта синовга олган Худодан домангир бўламиз. Шукрни ёддан кўтарамиз. Нуқул омадсизлигимиз, кулфатларимиз хусусида бош қотирмоқдан ўзга машғулотимиз гўё йўқдек.

Маснавий

Носиҳи дин гашта он кофир вазир,
Карда ў аз макр дар лузина сир.

Таржима

Дин насиҳатгўйи бўлди ул вазир,
Барчани алдаб макр-ла бирма-бир.

Лисоний таржима

Ботиндан кофир бўлган вазир зоҳирда насронийларга хайрихоҳ эди, одамларни динга даъват қиларди.



НАСОРО ДОНИШМАНДЛАРИНИНГ ВАЗИР МАКРИНИ БИЛИБ ҚОЛМОҚЛАРИ

Маснавий

Ҳар кй соҳибзавқ буд аз ғўфти ў,
Лаззате медиду талхй жуфти ў.
Нуктаҳо мегуфт ў омехта,
Дар жўлоби қанд заҳре рехта.
Зоҳираш мегуфт дар раҳ чуст шав,
В-аз асар мегуфт жонро: «Суст шав!»
Зоҳири нуқра гар аспедасту ну,
Дасту жома месияҳ гардад аз ў.
Оташ арчи сурхрўй аст аз шарар,
Ту зи феъли ў сияҳқори нигар.
Барқ агар нуре намояд дар назар,
Лек,ҳаст аз хосият дузди басар.
Ҳар кй жуз огоҳу соҳиб завқ буд,
Гуфти ў дар гардани ў тавқ буд.
Муддате шаш сол дар ҳижрони шоҳ,
Шуд вазир атбои Йисоро паноҳ.
Дин ва дилро кул бад-ў биспурд халқ,
Пеши амру ҳукми ў мемурд халқ

Таржима

Кимки соҳибзавқ эди гуфторидан
Лаззат олгай, лек талхлик ортидан.
Сўйлар эрди,сўз эмас,жоду магар,
Қанд ичига қуйгани янглиғ заҳар.
Зоҳири дердики,йўлда чуст бўл,
Дил тубида дерди жонга,суст бўл.
Гар кумуш зоҳирда оқдир бегидир,
Қўл ва энгилни қаро қилгай сабил.
Гар олов ҳам,гар шарор ҳам қип-қизил,
Феълига боққил фалокатдир нукул.
Гарчи чақмоқ зоҳири ҳам нурдир.
Оҳ,бу нурнинг дастидан кўз кўрдир.
Кимки огоҳ,кимки соҳибзавқ эди,
Сўзлари бош устидаги тавқ эди.
Шоҳдан айро олти йил иблиснамо,
Исавийлар бошида бўлди паноҳ.
Берди халқ унга дилин ҳам динини.
Ҳақ сасидек тинглади ҳар ҳукмини.

Лисоний таржима

Ийса аҳлидан, яъни насронийлардан эс-хушли, фаросатли ва завқли зотлар вазирнинг қуйма, ҳикматомуз сўзларини тинглар эканлар, қаттиқ лаззатланар эдилар. Бироқ лаззатлари ниҳояси кўнгилсизлик билан хотима топарди. Улар макрли вазир ваъзларининг сирли зиддиятли таъсирини ҳис қилардилар.

Вазир суҳбат ёхуд насиҳат асносида нафсоний ғаразига йўғрилган сўзларни моҳирлик билан қўллай оларди. Бу ҳолат гулоб шарбатига ёхуд қандга заҳар аралаштирган билан тенг эди.

Вазирнинг сўзлари тингловчига зоҳиран бундай дерди: «Ҳақ йўлида ғайратли бўл, шиддат айла!». Бу сўзларнинг замиридаги асар руҳ ва жонга аксинча таъсир кўрсатардики, солик (тариқат аҳли) ўзида сустлик ва бепарволикни ҳис қиларди. Унинг жон ва руҳида лоқайдлик, совуққонлик ҳоким бўларди.

Тасаввур қилинг, кумуш зоҳирда оқ туслидир. Бироқ унга қўл ва энгил-бошини суртиб олган одам булғанади, яъни оқ кумушдан қора тус ажралиб чиқади.

Бошқа бир мисол. Олов сиртдан қип-қизил ва шуълали. Қараган кишининг завқини келтиради. Аммо бу гўзал оловнинг бошқа хосияти ҳам бор: у қаърига тортилган ҳар нарсани йўқ қилади. Худди шу каби вазирнинг сўзлари ҳам зоҳирда ясантирилган, ораста бўлса-да, ботинда кўнгилларни ўлдиргувчи, уни ҳароб қилгувчи эди.

Худди шундай, чақмоқ ҳам назарга порлоқ ва ёруғ нур бўлиб ташланади. Бироқ унинг бошқа бир хусусияти ҳам борки, у кўзни кўр қилиши мумкин. Риёкор вазирнинг ҳоли ҳам шундай эди.

Ғофиллар ва бетамизлар вазирнинг макрли насиҳатларини жон қулоқлари билан тинглашарди. Унинг сўзлари бу кимсаларнинг бўйнига ҳалқа бўлиб тушар, натижада жон ва руҳлари сеҳр-жоду тўрига илинарди.

Риёкор вазир ўз шоҳига сўз бериб, исавийлар қавмига қўшилгач олти йил давомида уларни фитна-фасод билан асир айлади.

Халойиқ ўз дин ва дилларини найрангбоз вазирга таслим қилдилар. Унинг ҳукм ва фармонига буткул бўйсиндилар. Унинг наздида гўё мурда каби эдилар.

ШОҲ ВА ВАЗИРНИНГ ХУФЁНА АЛОҚАЛАРИ

Маснавий

Дар миёни шоҳу ў пайғомҳо,
Шоҳро пинҳон бад-ў ромҳо.
Пеши ў бинвишт шаҳ к-эй муқбалам,
Вақт омад,зуд фориғ кун дилам.
Гуфт: «Инак андар он коран,шаҳо,
К-афканам дар дини Йисо фитнаҳо».

Таржима

Шоҳ билан маккор вазир хатлашдилар,
Бир-бирига сўз бериб,аҳдлашдилар.
Битди мактуб шоҳ: «Иқболу нажот!
Етди фурсат айлагил дилларни шод».
Йўллади пинҳон вазир ҳам хушхабар:
«Ийса динига солармен фитналар!..»

Лисоний таржима

Шоҳ ва вазир ўртасида хуфя мактублар узлуксиз сафар қиларди. Шоҳ вазирга оромбахш ваъдалар берарди. У вазирга шундай мазмунда мактуб йўллади:

«Эй, менинг саодатли вазирим, ваъданинг фурсати етди. Кўнглимни тезлик билан ғам-ташвишдан қутқаргин!...»

Вазир шоҳга жавоб мактуби йўллади: «Шоҳим, мен Ийса динига фитналар солишга ҳаракат қиляпман...»

НАСРОНИЙ ҚАВМИНИНГ ЎН ИККИ ГУРУҲГА (фирқага) БЎЛИНИШИ

Маснавий

Қавми Ийсоро буд андар дору гир,
Хокимоншон дах амиру ду амир.
Ҳар фариқе мар амиреро табаъ,
Банда гашта мири худро аз тамаъ.
Ин даҳу ин ду амир ва қавмашон,
Гашта банда он вазири баднишон.
Эътимоди жумла бар гуфтори ў,
Иқтидои жумла бар рафтори ў.
Пеши у дар вақту соат ҳар амир,
Жон бидодй гар бад-ў гуфтй:
«Бимир!..»

Таржима

Ийса аҳли ичра бир кор бор эди,
Ўн иккита мир ҳукмдор эди.
Бир амирга тобе эрди бир гуруҳ,
Ҳар бири ўз мирига қилгай ружу.
Ўн икки бош ва бутун қавм бегумон,
Ул вазирга банда эрди баднишон.
Ҳар сўзини кўзга суртарди улар,
Ҳар сасига дилни ўртарди улар.
«Ўл» деса гар ногаҳон маккор вазир,
Индамасдан жон берарди ҳар амир.

Лисоний таржима

Насронийлар қавми ўн икки гуруҳга бўлинган бўлиб, ҳар бир гуруҳнинг бир раис — амири бор эди. Ҳар бир қавм — қабила бир амирга қатъий бўйсунарди. Ҳар қавм ўз амирига дунё тамагирлиги юзасидан тобе эди.

Ўн икки амир бадкирдор вазирга мутлақо бош эгарди. Вазирнинг ҳар бир сўзи исавийлар учун қонун, ҳар бир амали олий ибрат намунаси бўлди.

Агар вазир амирлардан бирига шунчаки «жон бер» деса, у чиндан жонини фидо қиларди.

Бадкор вазир қавмнинг ишончини шу қадар қаттиқ қозонган эди.

ВАЗИРНИНГ ИНЖИЛ ҲУКМЛАРИНИ БУЗИШИ

Маснавий

Сохт тўморе ба номи ҳар яке,
Нақши ҳар тўмор дигар маслаке.
Ҳукмҳои ҳар яке навъи дигар,
Ин хилофи он зи поён то ба сар.

Таржима

Ҳар бирига бир тўмор битди вазир,
Ҳар тўморнинг маслаги ҳам хилма-хил.
Ҳар бири ҳар тусда,ҳар тахлит эди,
Бошдан-охир бир-бирига зид эди.

Лисоний таржима

Бадкирдор вазир ҳар бир амирнинг номига мактуб битди. Бу мактуб Инжил

ҳукмларидан иборат эди. Бироқ бу ўн иккита мактуб маслак ва мазҳабга кўра бир-биридан фарқ қиларди. Ҳар бир тумор — мактубда баён қилган ҳукмлар бошқа биридаги ҳукмга бошдан-оёқ терс, ҳукмлар ихтилофли эди.

Маснавий

Дар яке роҳи риёзатрову жўъ,
Рукни тавба кардаву шарти ружуъ.

Таржима

Бирда очлик ҳам риёзат бобида,
Тавба рукнин сўйлади сўнгроғида.

Лисоний таржима

Мактубларнинг бирида риёзат ва очликнинг фазилати ҳақида сўйлаб, таомдан парҳез қилишга амр этди ва тавбани риёзатнинг асоси, деб кўрсатди. Ҳолбуки, тавбасиз риёзат мақбул эмас. Зеро, тавба ҳамма амалнинг ибтидосидир.

Шарҳ

Риёзат, асл маънода, тевани парвариш ва ром қилиш демак. Риёзат — баданни ҳолсизлик ҳолатига солиш. Сўфийлар ақидасида нафсоний ҳодиса. Баъзилар уни ахлоқни ислоҳ қилиш, баъзилар тўну кун давомида намозу рўза билан машғул бўлмоқни, халқ суҳбатидан, ҳар нечук гуноҳ ва маломатдан йироқликни риёзат деб билганлар.

Риёзатнинг бошқа бир таърифи, муршид бошчилигида солик бажаргувчи амалларнинг жами. Бир неча кунлик роҳбонлик — хилват бўлиб, бунда ўзига хос ибодатлар амалга оширилади. Очлик риёзатнинг бир тури. Шайх назорати остида солик тадрижан адо этади. Таом тарки, сўфийлар ақидасига кўра, фақат шайхнинг назорати остида бажарилади. Очлик, аслида уч кун бўлиб, сўфийлар уни «уч кунлик» деб атайдилар. Баъзилар беш кун демишдир. Очлик асл мужоҳида аркони. Сўфийлар шаҳватни синдириш, бедорликка сабр қилиш каби улуғвор ҳодисаларда очликнинг беқиёс аҳамиятини қайд этганлар. Абу Ҳомид Ғаззолий очликнинг ўн фойдасини зикр қилган. Сўфий аҳлидан Саҳл бин Абдуллоҳ Тустарийнинг (вафоти ҳиж. 283) давомли очликка дош берганлиги машҳурдир. У айни ошу таом еган маҳали ўзини заиф ва суст ҳис қилар экан. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад бин Хафиф Шерозий (вафоти ҳиж. 371) уззукун рўза тутиб, ифтор чоғи ўн дона майиз тановул қиларкан. Бизнинг асримизда машҳадлик Муҳаммад Ҳасан Марағойи ҳар кун йигирма дона (зинҳор бундан кўп эмас) нўхат билан оғиз очарди. Унинг емиши шунинг ўзи эди, холос. Бироқ, ниҳоятда бақувват ва соғлом эди.

Тавба — қайтиш; маъсият — гуноҳдан ибодатга қайтмоқ. Худога қайтмоқ. Тавба илмдир. Гуноҳ ва ёзуғлардан пушаймонлик, надомат.

Сўфийлар тавбани сулукнинг (йўл) илк қадами, бирламчи мақоми, деб биладилар. Тавба, риёзатнинг хилват, мужоҳада каби турларидан ҳам олдинда туради.

Демак, тавба қалбнинг гуноҳларни тарк этиб, тоатга қайтишига аҳдлашуви. Унинг давомида эса, шаҳватни синдириш, мужоҳада қилиш, нафсга хилоф йўл тутиш ва ҳоказо. Юқорида таъкидлаганимиздек, сўфийлар очликни шаҳватни синдириш ва нафсга қаҳр қилиш деб билганлар. Бинобарин, риёзат давомли мужоҳада ва очлик шундай улуғ рукнлардандирки, давомли тавба уларсиз хатар оғзидадир. Агар солик ўз нафсидан огоҳ бўлмаса, унинг қалбида ҳар лаҳза дунё хаёли ғолиб келиши ва гуноҳга мойиллик ҳарчанд мустаҳкам бўлмасин тавба асосларини бузиб ташлаши мумкин.

Хўжа Ҳофиз дейди:

Тавба таги гар тош каби мустаҳкам эди,
Кўргилки, бир биллур қадаҳ нечук
синдирди.

Ёки:

Тавба азми бирла сабоҳ дедим
истихора қилай,
Тавба синдиргувчи баҳор келди
не чора қилай?

Истихора — Худодан хайр ва яхшиликлар истамоқ. Дуодан сўнг тасбеҳ ё Қуръон воситасида фол очмоқ.

Хўжа Айюб ва Валий Муҳаммад Акбарободий юқоридаги байтни қуйидагича тафсир қилганлар: «Тавба — риёзат рукнидир. Тавба риёзатсиз қабул бўлади, бироқ риёзат тавбасиз мақбул эмас. Тавба махсус маслак бўлмаса-да, тасаввуфнинг барча йўлларида сулукнинг аввалги қадами тавбадир».

Мутаржим —
Асқар МАҲКАМ

Шориҳлар —
Обиддин ПОШШО,
Карим ЗАМОНИЙ,
Бадиъуззамон ФУРУЗОНФАР.

(Давоми бор).



Суратларни Рустам ЭРМАТОВ чизган

Мунаввархқорини эслаганда

Адабиёт ва санъат аҳлини туҳмату бўҳтонлар ила қатағон этган 30-йиллар муҳити яқин кечмишимизнинг, умуман, маданиятимиз тарихининг энг қора кунларидир. Табиийки, бундай шароитда эркинлик, сўз эркинлиги хусусида гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Газета ва журналдаги мақолалардан даврнинг ҳақиқий ҳолатини уқиб олиш мушкул ва имконсиз эди.

Ўта эрксиз, ўта сиёсийлашган матбуотдан фарқли ўлароқ мамлакатдаги асл ҳолатдан халқни воқиф қилгувчи бирорта газета ёки журнал бўлганми? Саволга тасдиқ жавобини берамиз. Муҳожир туркистонликлар томонидан Парижда ўн йил давомида (1929-1939) Мустафо Чўқай муҳаррирлигида нашр этилиб турган «Ёш Туркистон» мажмуаси ана шундай ҳақгўй, ўз миллий позицияси ва ўзининг аниқ сиёсий йўлига эга бўлган нисбатан эркин матбуот эди.

Бу журналнинг мазмун-моҳияти 30-йиллардаги ўзбек совет матбуотидан тубдан фарқланар, собиқ иттифоқ таркибига кирган туркий республикалардаги воқеа-ҳодисаларга ўз имкони доирасида муносабат билдирар эди. Журнал мундарижаси ранг-баранг; чоризм зулмидан қутилиб, қизил болшевойлар тузоғига тутилган Туркистон ўлкасининг аянчли ижтимоий-сиёсий аҳволидан ва, айниқса, 30-йиллар бошларидаёқ маҳв этила бошлаган таниқли зиёли шахслар ҳаёти, ҳибсга олиниши, суддаги терговлари ёки ўлимидан баҳс этар эди. Совет матбуоти саҳифаларида бир тоифа қизил мухбирлар «миллатчи»ларни, «ватанпараст»лар ва «жадид»ларни аёвсиз фош этиб, қарсак чалиб қувонгани ҳолда «Ёш Туркистон» ўша инсонлар тақдири ҳақида қайғурар, уларнинг фикрларини, хизматларини эъзозлар ва баъзан ўзининг ўнлаб саҳифаларини уларга бағишлар эди.

Мажмуанинг 1934 йилги январь сони (№50) ана шундай бағишловлардан биридир. Машҳур ўзбек жадид зиёлиси Мунаввархқорининг маҳв этилиши муносабати билан журналда тахририятнинг «Мунаввархқори» (расми билан), Афандизоданинг «Янги қурбонларимиз ва Мунаввархқори», Ёқуб исмли кишининг «Илк устозим», Собир деган муаллифнинг «Буюк шаҳидларимиз», Тоҳир Чиғатойнинг «Йўлбошчимиз Мунаввархқори», Абдулваҳоб Ўқтойнинг «Устозимиз Мунаввархқори» каби хотиралари, шунингдек, журналнинг 55-сонида Абунаср Нажийнинг «Ҳабибим Мунаввархқори» номли мақоласи ҳамда «Олмос Йилдирим. Машҳад. Нисон 1934» имзоси билан «Буюк шаҳидимиз...» (Мунаввархқори учун) номли шеъри берилган.

Унда Мунаввархқорининг ҳеч айбсиз «қизил жаллодлар» томонидан қатл этилгани очиқ ёзилди. Муаллифлар ўзларининг маслакдоши, йўлбошчиси, устози Мунаввархқори нақадар миллатсевар ва ватанпарвар инсон бўлганлигини, айни шу жиҳати билан болшевикларга маъқул келмаганлигини қайта-қайта таъкидладилар. Янгича усулдаги жадид мактаблари очишдаги, замонавий китобларни ўқитиш ва ўзи ҳам дарсликлар ёзишдаги, газетачилик ва хайрия жамиятлари тузишдаги хизматларини фахр билан тилга олдилар. Ва унинг тақдирига «Ёш Туркистон»чилар: «Мунаввархнинг болшевиклар томонидан ўлдирилишини биз Масков ҳокимларининг бизнинг миллий руҳимизни ўлдирмак қасдини тамсил эта турғон бир ҳаракат деб қабул этамиз» тарзида баҳо бердилар. Тоҳир Чиғатой ўзининг хотира-мақоласида шундай ёзди: «Туркистон халқининг сўнгги 30-35 йиллик тарихини объектив бир кўриш ила текширувчи кишиларнинг унинг ҳар саҳифасинда йўлиқмасдан ўта олмадиқлари бир шахсият бордир. Ўзига одатан бу даврнинг жонли ҳайкали, жонли тарихи демак мумкин бўлғон бу киши Мунаввархқоридир.

Туркистон халқи ичидаги янги уйғониш ҳаракатининг ҳар тармоғини текшира бошласангиз унга Мунаввархқори исмисиз кириб бўлмайдир.

Халқимизнинг кириб қолдиғи фалокатини, бу фалокат йўлининг мазлум ҳадафини тўғри кўриб, унга кўра чоралар қидира бошлағон киши Мунаввархқори эди. Ичинда бўлдиғимиз асрнинг бошларинда юртимизга кира бошлағон «усули жадид» мактабларининг ҳақиқий шаклини Мунаввархқори майдонға қўйди» («Йўлбошчимиз Мунаввархқори» мақоласи, ўша журнал, 17-18- бетлар).

Табиийки, бундай баҳо ва нурли хотираларни фақат хорижда турибгина ёзиш мумкин эди, чунки «ташқари» бемалол, «ичкари»да ўзга ҳол эди. Дарвоқе, ўша пайтда Мунаввархқори билан баравар Салим Тиллахон ва Тўлаган Охунд домла ҳам йўқ қилинади. Расмий ҳукумат оғизда қанчалар одил, ҳақиқатпарвар бўлмасин, бу жаллодларнинг амалдаги қилмишлари кўпчиликка маълум эди. «Ёш Туркистон»чилар «Мунаввар, Салимхон, Тўлаган домла — Туркистондаги рус пролетарёти диктатурасининг сўнгинчи қурбонлари эмасдир. Йиллардан бери совет турмаларида, сургунларда азоб чекаётқон кўб-кўб маъруф одамларимиз ҳақинда ҳеч бир маълумотимиз йўқдир. Унлардан қанчаси йўқолди? Тирик қолғонлари борми, йўқми? Бу тўғрида ҳеч бир нарса билмаймиз... Балки, қадар (тақдир) бизга янги қайғули хабарлар ҳозирламоқдадир...», («Янги қурбонларимиз ва Мунаввархқори» мақоласидан, ўша журнал), деган ўринли тахминларга берилдилар ва оқибат ҳақ бўлиб чиқдилар.

Мунаввархқорининг «Намуна» мактабида олти йил таҳсил олган Абдулваҳобнинг «Устозимиз Мунаввархқори» мақоласида шаҳиднинг хизматлари турк, озарбайжон ва крим жадидлари фаолиятига таққосланади ва ўзига хос жиҳатига урғу берилади, анча-мунча ўринли ва айрим тўлдирилиши лозим бўлган жиддий фикрлар билдирилади. Хотирангинг ўзигина машҳур бир тарихий шахснинг хизматларини тўла ёрита олмаслиги ҳам аниқ. «Мунаввархқорининг ватанимиз Туркистона этган миллий хизматларини тўлиқ ёзмоқ учун бутун бир тарих китоби ёзиш керак бўлади» («Ҳабибим Мунаввархқори» мақоласи, «Ёш Туркистон»нинг 55-сони). Мунаввархқорини эсга олганлар учун хизматларини бир-икки мақола билан тавсифлаб бериш имконсизлигини яхши билганлар. Абдулваҳоб ҳам мақоласининг бир жойида: «Бу сайғили нурли сиймони текширмак миллий тарихчиларимизнинг бўйинларига тушатурғон вазифадир», дея ёзади.

Бу масъулиятли вазифани бугунги тарихчи ва адабиётчи олимлар ҳис этиб, илмий изланиш ва тадқиқотлар олиб бораётгани аниқ. Чунончи, Мунаввархқорини эслаганда «Ёш Туркистон» мажмуасининг бу улуғ сиймо тўғрисидаги ёдловларини ҳам инобатга олиш ўринли бўлар эди. Биз ўша нурли хотиралардан бирини ҳурматли ўқувчилар ҳукмига ҳавола этишни маъқул кўрдик.

Баҳодир КАРИМ

Абдулваҳоб ЎҚТОЙ

Устозимиз Мунавварқори

19нчи аср турк халқина тўрт турли сиймо боғламишдир. Бунлар илк топқир ўлароқ жаҳолат уйқусина ботмиш туркларни уйғотдилар ва миллатимизга нажот йўли кўрсатдилар. Туркияда Мустафо Рашид Пошо каби ғоят ботир бир зот етишарак турк халқининг уйғонишинда илк муҳим марҳала саналиб келган машҳур «Ҳатти Ҳумоюн»ни ёзди, эълон этди (18 февраль 1856 да) ва турли оғирликларга чидаб, уни ишга оширди. Озарбайжонда Мирзо Фатҳъали Охундзода каби амсоли нодир бир шахсият ўлмас асарлар яратарақ Қафқозия турклигининг уюшуқ кўзини очди. Қрим эса бутун туркларнинг учун қайғиручи Исмоилбек каби юксак бир зако берди. Бу уч турк ўлкасининг етишдирдиги уч турли улуғ сиймонинг Туркистондаги ўрнаги бизнинг Мунавварқоридир.

Туркия туркларининг уйғониши ва нажот йўлини ҳозирлаган Мустафо Рашид Пошо ўзинча замон Парис ва Лўндун сафаротларинда бўлуниб Ғарбий Оврупони ичидан тониғон ва Оврупо маданиятини ўз кўзи ила кўра билган эди. Мирзо Фатҳъали Охундзода эса русча маълумоти воситаси ила Ғарб маданиятининг негизларина ошно бўла олғон эди. Исмоилбек ўрта таҳсилин Мусқвада кўрган, икки йил Парисда яшаб Оврупо турмушининг ич ва тиш юзини ичидан таниғон, сўнгра Истанбулга келиб турк матбуотини мунтазам таъқиб этмак орқасинда муҳим илҳомлар ола билган ва Истанбулда экан муҳаррирлик маслагина интисоб этган бир зот эди. Бизнинг Мунавварқори ҳеч қандай асрий мактаб ва асрий муҳит кўрмамишди. Унинг хусусияти мана шу нуқтададир. У ўз илмий маълумотини ислом-турк маданиятининг қолдиқларидан саналғон ва мусбат, маданий илмлар номиға ҳеч бир нарса ўқулмайтурғон Туркистоннинг эски мадрасаларидан олғон эди.

Ислоҳот фикрларини ва йўлларини Боғчасаройнинг «Таржимон»идан (1883-1918) эшитган Мунавварқори, Истанбулдан диний, фаний рисолалар, алифбо ва ўқуш китоблари келтириб бу асарларни мутаола этмоқ орқасинда ўзини ўзи етиштдириб, «усули жадида» тўғрисида тўлуқча маълумот тўплағондан сўнг, жаҳолатнинг қалин булутлари ила қопланган Туркистон муҳитини оқартув учун зеҳнинда мукаммал бир прогрaм ясамишди. У бу прогрaмни сирасила ва ҳарфан татбиқ этмак азмила ишга бошламишкан ҳар тарафдан душманлар қаршисинда қолди. Бошда Туркистоннинг у замонғи баъзи қаро уламоси, орқаларинда халқимизнинг жоҳил табақаси ва бунларнинг тепасида чор ҳукумати Мунавварқориға қарши чиқдилар. Мунавварқорининг бундай кўркули шароит ичида қандай чолишғонлиғи тушунилса унинг эркаклиги, фидокорлиғи, улвияти ҳар кимгада аниқроқ англашилса керак.

Мунавварқори бизнинг Туркистонда миллий маориф, миллий нашриёт ва миллий мафкурачиликнинг соғлом тухумларини чочқон ва минг турли оғирлиқ ва тўсқунликларға қарамасдан буларни кўкартишга муваффақ бўлғон бир зотдир. Унинг очғон миллий мактаблари Туркистоннинг мингларча болаларига миллий руҳ берган ва уларни юрт ҳам миллат севгисила қуроллантирғон.

Бу сатрларни қораловчининг ўзи-да Мунавварқорининг Тошканддаги «Намуна» мактабинда 6 йил ўқуғондир. Унинг-чун ман бизнинг устозимиз Мунавварқорининг Туркистонимизнинг ҳар томониға ёйғон «жадид мактаблари»нинг ич юзини яхшироқ танийман десам янглишмасам керак. Бизнинг ўз Туркистон болалари, турк болалари, Чингизхон ва Темур ўғуллари эканлигимизни илк топқир зеҳнимизга ўрунлаштирғон ва бизга юрт ҳам миллат севгиси, миллий бонлик берган мактаблар шул «Намуна» мактаби каби миллий ўчоқлар бўлғонлар.

Мунавварқорининг «Намуна» мактабинда биз тарих ва жуғрофия дарслари тингларкан, Қофқосия, Қрим ва Идил бўйларининг табақи бизнинг Туркистон каби турк юрти бўлғонини ва бутун турк-ислом дунёсининг биргина мустақил мамлакати ўлароқда онжоқ Туркияни эшитардик. «Намуна» мактабиндаги муаллимларимиз бизга бутун турк-ислом дунёси учун қайғирувчи муҳаррир, адиб, шоир, муаллим ва давлат кишиларининг Истанбулда ўтиратурғонларини, турк султони яшайтурғон бу шаҳарда янги усулда турли мактаблар борлиғини ва Истанбулнинг бутун турк-исломлар учун маданий ўчоқ саналатурғонини сўйлардилар. Унингчун биз «Намуна» мактаби ўқувчилари, то кичик ёшда экан, юрагимизда Истанбулга бориб ўқумоқ ва юртимиз, миллатимиз учун ходим бўлиб етишмак тилагини тошир экдик. Кўпимиз бу тилак орқасиндан кетдик. Фақат оғир шароитни отлаб ўтмак барчамизға муяссар бўлмай қолди.

Бизнинг мактабимиздаги атласлар, хариталар, ғлубус (курраи арз) ва бошқа шуларға ўхшаш ўқутув жиҳозларининг барчаси Истанбулда босилғон ва ё у ерда ҳозирланғон эди. Ўқутув учун керакли бўлғон бу нарсаларнинг барчасини Истанбулдан сотиб олиб кетиратқан эдилар. Шубҳасиз бизда, бизнинг зеҳнимизда Истанбулнинг бутун турклар учун маданий бир марказ бўлғонлиғи қаноатининг ерлашиб қолишида муҳим рўл ўйноғондир.

Мунавварқори «жадидчилик даври» аталғон уйғониш давримизнинг энг буюк сиймоси ва бизнинг Туркистонда миллий маориф, миллий нашриётимизнинг бонисидир. У Туркистоннинг тараққийпарвар, миллатпарвар наслининг илк устози, илк моҳир газетачиси, илк мутафаккиридир. Мунавварқори бизнинг Туркистоннинг энг ишлакли бир жамоат ходимидир.

«Тарихни фардлар ёпар» (яъни, бунёд этар), «тарих таржимаи ҳоллардан, айниқса атоқли кишиларнинг таржимаи ҳолларидан иборатдир», дерлар. Менча биз ҳам «Туркистон тарихининг ўтган аср сўнгидан бошлангон уйғониши даврини бошда Мунавварқори ёпди» ва «Туркистон тарихининг «жадидчилар даври» бошлича Мунавварқорининг таржимаи ҳолидан иборатдир», десак янглишмаймиз. Чунки Мунавварқори бизнинг сўнгги чорак асрлик Туркистон тарихининг энг муҳим бир сиймосидир. Бу сайғили нурли сиймони текширмак миллий тарихчиларимизнинг бўйнуларига тушатурғон вазифадир.

Мунаввар, ўз исмина ёқиша турғон нодир бир хилқат эди. Унинг фикрий заковатиндан чочилғон нурлар Туркистоннинг қора муҳитини кўбдан ёруғлантиб, халқимизнинг уюшиқ кўзларини кўбдан очмишдир. Уйғоник халқимиз ўз йўлини ортиқ аниқ белгилаб, ўз миллий амали орқасиндан югурмакдадир. Душманнинг қиличи, тўпи уни бу йўлдан тўхтата олмас. Билакс оқизилиб турғон қонлар, берилиб турғон қурбонлар, шаҳидлар бизнинг интиқом ҳиссимизни кучайтириб, бизнинг истиқлол азмимизни кун-кундан улғайтмоқдадир.

Буюк устодим Мунавварқорининг пок руҳига фотиҳалар...

Бурунғи «Намуна» мактаби ўқувчиларидан: Абдулваҳоб.

«Ёш Туркистон» журнали,
1934 йил, январь, 50-сон.

Б. КАРИМ
тайёрлади

Шукритдин ПАХРУТДИНОВ

Диний экстремизм — тинчлик ва барқарорликка таҳдид

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Бугунги кунда бизнинг минтақамиз, шу ҳудудда жойлашган мамлакатларни демократик, ҳуқуқий, дунёвий тараққиёт йўлидан қайтаришга уринаётган турли хил экстремистик кучлар ва марказларнинг бу ердаги хавфсизликка раҳна солиш учун кўз тиккан жойи бўлиб қолмоқда».

Умуман олганда, халқаро терроризм ва экстремизмнинг ўзаро алоқадорлик ва муштараклик жиҳатлари мавжуд. Тарихий нуқтаи назардан оладиган бўлсак, террорчилик диний экстремизмга нисбатан жуда илгари пайдо бўлган. Унинг ўзига хос томони шундаки, террорчилар аҳолининг маълум бир қатламига мансуб бўлмасдан, деярли барча қатламлардан таркиб топган гуруҳ сифатида ҳаракат қилган. Терроризм аста-секин ўзи учун ниқоб ва байроқ сифатида мафкураниг ўзига хос бир шакли бўлган диний таълимотдан фойдаланишга ҳаракат қила бошлади. Бир сўз билан айтиш жоиз бўлса, террорчиликнинг анъанавий сиёсий мақсади бўлган зўравонлик билан ҳокимиятни қўлга олиш йўлида дин ниқоб вазифасини ўтайди. Шунинг учун бутун дунёнинг турли минтақа ва ҳудудларидаги террористик ҳаракатларнинг тўртдан бир қисми диний заминда амалга оширилмоқда. Ўрта Осиёда ғимирлаб қолган террористлар «соф ислом» ниқоби остида ҳаракат қилишаётган бўлиб, аслида соф ислом ғояларини таҳқирлашмоқда. Террористларни исломнинг софлиги мутлақо қизиқтирмай қўйган. Уларнинг нияти ҳар қандай йўл билан бўлса-да, ўз мақсад ва вазифаларини амалга оширишдир.

Шу нуқтаи назардан диннинг сиёсийлашуви инсоният ҳаёти учун ҳар доим хавф солиб келган. Айтиш мумкинки, диний экстремизм умуман инсониятга, қолаверса, ҳар бир инсоннинг ҳаётий фаолияти ҳеч қачон бугунгидек сезиларли хавф туғдирмаган.

Бинобарин, диний экстремизм ва диний фундаментализм масалаларига, уларнинг асосий ғоявий илдизларига, мафкуравий таҳдидларига жиддий эътибор қаратмоғимиз лозим.

Бевосита Ўзбекистоннинг ижтимоий тараққиётига дахлдор таҳдидлар ва уларнинг эҳтимол тутилган оқибатлари хусусида гапирадиган бўлсак, бу муаммолар Президентимиз И.А. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» номли фундаментал асарида атрофлича очиб берилган.

Ўзбекистонга нисбатан бевосита хатар солиб турган ташқи сиёсий таҳдидларни айтадиган бўлсак, уни икки тоифа: умумсайёравий ҳамда минтақавий ташқи таҳдидларга ажратиш мумкин. Ўзбекистон учун энг асосий умумсайёравий таҳдидлар тизими ядро қуролининг кўп миқдорларда кўпайиб кетаётганлиги, айрим давлатларнинг «гегемонизм касали»дан халос бўла олмаётганликлари, айрим қўшни мамлакатларда диннинг сиёсийлашуви, экстремистик руҳ олиши билан белгиланади.

Мустақил Ўзбекистон учун яна бир умумсайёравий таҳдид дунёнинг энг кучли давлатларининг ўзларидан кучсиз мамлакатларга нисбатан ҳанузгача «оғаликка» интилиш касалидан воз кеча олмаганлиги билан боғлиқ.

Шуни таъкидлаш керакки, таҳдиднинг хавфлиси ёки хавфсизи ёхуд узоғи ёки яқини бўлмайди. Шу боис давлат манфаатларини бекаму кўст таъминлаш борасида жонбозлик қилаётган раҳбарият учун таҳдидни нафақат ҳис қилиш, тушуниш, балки уни бартараф этиш учун жиддий ҳозирлик кўриш муҳимдир. Президентимиз И.А. Каримовнинг энг нуфузли сиёсий доираларда бу муаммо бутун инсоният, қолаверса, Ўзбекистон учун ҳам улкан таҳдид эканлигини ҳисобга олгани ҳолда унга дунё халқларининг эътиборини жалб этаётганлиги диққатга сазовордир. Кейинги вақтларда мамлакатимизга нисбатан таҳдид солаётган, ғаразли мафкуравий хуружларни амалга ошираётган диний экстремистлар, ақидапарастлар ва умуман душманларимизнинг, аввалambor, ёшларимизнинг онги ва тафаккурини эгаллаш учун интилганликлари бежиз эмас.

Ёшларимизни йўлдан уришга уринган диний экстремистларнинг, аслида жуда узоқни кўзлаб ҳаракат қилганликлари бугун барчамизга маълум. Маккор душманларимиз жамиятимизни бўй-сундириш учун куч-қувватнинг ўзига бўлган ёшларни «ҳужум объекти» сифатида танладилар. Бизни шу йўл билан келажагимиздан маҳрум қилмоқчи бўлдилар. Бу аччиқ ҳақиқатни бугун барчамиз қайта-қайта юрак-юрагимиздан ҳис қилиб туришимиз керак. Токи, бундай нохуш ҳодисаларга нисбатан ҳушёрлигимиз сусаймасин, лоқайдлик ҳолатидан бутқул чиқиб олайлик.

Бу ўринда юқоридаги фикрлардан келиб чиқувчи яна бир муҳим вазифа ёшларимиз орасидаги ҳар қандай мафкуравий бўшлиқни бутқул тугатишдан иборатдир. Чунки ҳали ҳаётий тажрибага эга бўлмаган, оқ-қорани таниб улгурмаган ёшлар турли таъсирларга берилувчан бўлишлиги ҳаммамизга маълум.

Жамиятимизнинг улуғвор мақсадлари йўлида барчамизни ягона байроқ остида бирлаштирувчи, эзгу ишлар сари илҳомлантирувчи миллий истиқлол мафкурамиз айни бир пайтда мамлакатимизни қора ниятли ёвуз кучлардан ҳимоя қила олувчи мустаҳкам қалқон сифатида, жамиятимиз мафкуравий эътиқодининг манбаи сифатида ҳам намоён бўлмоқда.

Президентимиз таъкидлаганларидек, «Биз фарзандларимиз юрагида она-Ватан, бой тарихимизга,ота-боболаримизнинг муқаддас динига соғлом муносабатни қарор топтиришимиз, таъбир жоиз бўлса, уларнинг мафкуравий иммунитетини кучайтиришимиз зарур. Токи, улар миллий илдизлари бақувват, дунёни чуқур англайдиган, замон тараққиёти билан баробар қадам ташлайдиган инсонлар бўлиб етишсин».

Мамлакат миқёсида бундай иммунитетнинг қай даражада мустаҳкам шакланганлигига қараб, унинг жамияти нечоғли кучли ёки кучсиз эканлигини маълум даражада белгилаш мумкин. Шу жиҳатдан олиб қараганда, бизнинг жамиятимизда ҳозирги вақтда миллий мафкурамизнинг ёшларимиз тимсолидаги кучли ижтимоий негизини шакллантириш вазифаси ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлмоқда.

Шу муносабат билан ёшларимиз тафаккурида миллий истиқлол ғоясини шакллантириш механизми асосида Президентимиз И.А. Каримов томонидан илгари сурилган жамиятимизда эркин шахс маънавиятини, инсон қадр-қимматини қарор топтириш ғояси асосий ўзак қилиб олинмоғи керак.

Мустақил фикрга эга бўлган, ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши танийдиган, ўз кучи ва аҳлига ишониб яшайдиган, шахсий манфаат билан Ватан манфаатини уйғун кўра оладиган шахс маънавиятини қарор топтириш орқали биз миллий истиқлол ғоясини ёшларимиз онгига чуқур сингдира оламиз.

Президентимиз фикрига кўра миллий истиқлол ғоясини шакллантириш жараёнида ёшларимиз дунёқарашини, тафаккурини бойитиш, билимини чуқурлаштириш орқали шакллантиришимиз зарур.

Барҳаёт сиймолар





Мустақиллик ўзбек халқига ўз юртида қадр-қимматни, маданияти ва анъаналарини, дину эътиқодини, тили ва маънавиятини қайта тиклаб олишга, миллий ғурур ва миллий тафаккур, Ватанга муҳаббат туйғуларини камол топтиришга замин туғдирди.

Маълумки, бугунги порлоқ ва фаровон турмушимизни дил-дилдан орзу қилган кўплаб улуғ сиймолар — адабиёт ва санъат фидойилари, афсус, бу ёруғ кунларни кўролмадилар. Уларнинг номларини бугунги кунда хотирлаб ёд олиш бизнинг бурчимиздир. Санъатимизнинг буюк дарғалари —Тўхтасин Жалилов, Юнус Ражабий, Уста Олим Комилов, Матюсуф Харратов, Комилжон Отаниёзов, Мухтор Ашрафий, Сулаймон Юдаков, Манас Левиев, Мукаррама Турғунбоева...

Эҳ-ҳе, уларнинг номларини санаб адоғига етиб бўлмайди. Бу азиз ва улуғ сиймоларнинг мусиқа санъати йўлида чеккан заҳматлари, бизга қолдирган бой ва олтин мерослари ҳозирги кунда юксак қадрланмоқда, эъзозланмоқда. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда кўплаб халқаро санъат фестивалли, кўрик-танловлар ўтказилиб келинаётгани ҳам истиқлол шарофатидандир.

Ҳозирги кунда ўзбек миллий мусиқа санъатини юксак чўққиларга кўтаришда улкан ҳисса қўшган машҳур хонанда ва бастакорларни халқимиз ҳурмат билан эслаб, улар хотирасига бағишлаб бадиий-мусиқий кечалар ўтказиб келмоқда. Жумладан, мана шундай хотира кечаларидан бири Тошкентнинг энг кўркам ва сўлим гўшаларидан бўлмиш Мирзо Улуғбек номли маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтди... «Барҳаёт сиймолар» туркумида ўтказилаётган бадиий-мусиқий анжуманларнинг навбатдагиси — машҳур хонанда, бастакор, Ўзбекистон халқ ҳофизи, профессор Фаттоҳхон Мамадалиев ва Ўзбекистон халқ артисти, таниқли созанда ҳамда бастакор Комилжон Жабборовнинг ёркин хотираларига бағишланди.

Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваториясининг ректори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Равшан Юнусов устоз санъаткор Ф.Мамадалиев ҳаёти ва ижоди ҳақида қизиқарли маъруза қилди. Шунингдек, кечада таниқли мусиқашунослар Тўхтасин Ғофурбеков, Рустам Абдуллаевлар устозлар ижодидаги ёдда қолар воқеалар ҳақида сўзладилар. Суюма Ғаниева буюк Алишер Навоий ғазалларига куй басталаб ижро қилган Фаттоҳхон ака ҳаётига доир айрим лавҳалардан ҳикоя қилди. Тожикистон халқ артисти Жўрабек Набиев, Ўзбекистон халқ ҳофизлари ака-ука Ваҳобовлар, Ўзбекистон халқ артисти Қаҳрамон Дадаев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Машрабжон Эрматов, Марям Сатторова, Маҳмуджон Тожибоев ва бошқаларнинг ижро этган қўшиқлари, устоз хотираларига бағишловлар ҳам анжуман иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Шунингдек, Ўзбекистон халқ артисти, таниқли бастакор Комилжон Жабборов хотирасига бағишлаб ўтказилган адабий-мусиқий анжуманда ҳам таниқли санъаткорлар, адабиётшунос, мусиқашунос олимлар, устознинг шогирдлари сўзга чиқиб, у кишининг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги хотиралари, санъатимизнинг юксалишига қўшган бой мероси ҳақида ҳаяжон билан сўзладилар.

Адабий-мусиқий анжуманда Ўзбектелерадио компаниясининг «Мақомчилар» ва «Дуторчилар» гуруҳлари устоз яратган куй-қўшиқларни ижро этишди.

— «Барҳаёт сиймолар» туркумида ўтказилаётган анжуманлар боғимизда доимий режа асосида ўтказилиб борилади. Шунингдек, бошқа кўплаб қизиқарли тадбирларни аҳоли эътиборига ҳавола этиш ниятимиз бор, — дейди истироҳат боғи раҳбари Баҳодир Султонов.

Устоз санъаткорларнинг ёркин хотиралари, бебаҳо асарлари қалбларимизда мангу ардоқланади.

Рустам ХЎЖАЕВ,
М.Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваторияси доценти

Операнинг дарғаси



Ўзбекистон халқ артисти, профессор Насим Ҳошимов (1920-2000) ўзбек опера ижрочилигининг тарихига кирган санъаткорлардан биридир. У А.Навоий номли опера ва балет катта театри саҳнасида бир қатор ёрқин ва унутилмас образлар яратди. 1936-41 йиллар давомида Москва консерваторияси қошида тузилган ўзбек миллий опера студиясида, профессор Д.Л.Аспелунд устахонасида таҳсил олган Н.Ҳошимов ўзбек, рус ва чет эл композиторларининг операларида 30 дан ортиқ партияларни ижро этди.

Санъаткор лирик баритон овозининг тўлиқлиги ва жарангдорлиги билан, образлар талқинининг ҳаётийлиги,[1] ҳақконийлиги билан томошабинлар эътиборини ўзига жалб этди. Унинг «Лайли ва Мажнун»даги Махди, «Гулсара»даги Ота, «Майсаранинг иши»даги Мулладўст, «Пиковая дама», «Евгений Онегин», «Мазепа» операларидаги Елецкий, Онегин, Мазепа ва бошқа қатор образлари томошабинлар хотирасида мухрланиб қолган, десак муболаға бўлмайди.

Н. Ҳошимовнинг миллий опера санъати равнақига қўшган улкан ҳиссаси халқимиз, ҳукуматимиз томонидан муносиб эътироф қилинди: 1951 йилда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, 1959 йилда Ўзбекистон халқ артисти унвонлари ва Давлат мукофотлари билан тақдирланди.

Насим Ҳошимов ижрочилик билан бирга педагогик фаолият ҳам олиб борди. Салкам 40 йил Тошкент давлат консерваториясида ёшларга сабоқ берди. Профессор Н.Ҳошимов ўтган йиллар мобайнида 50 дан ортиқ шогирд етиштирди.

Ўзбекистон халқ артисти М.Хожаниёзов, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти П.Мустафоев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Юрий Зиновенко, Глинка конкурсининг совриндори, Югославия операсида ишлаб қайтган шу сатрлар муаллифи Ш.Тўхтабоева ва бошқалар унинг шогирдларидир.

Энди, устознинг ўқитиш машқларига келсак, у киши ҳамма қатори дарсни овоз юргизиш машқларидан бошларди. Биринчи машқ юмиқ оғизда учта товуш чиқаришдан иборат.

Бу уч товуш ярим тондан қўтарилиб боради. Машқ пайтида устоз талабанинг тўғри туришига, тўғри нафас олишига, овознинг жарангдорлигига катта аҳамият беради. Машқ талабага қулай регистрда олиб борилади. Иккинчи машқ уч товуш тепадан пастга айтилади. Бу ерда ҳам нафас чуқурлиги, равонлиги, овознинг садоси, ёқимли товуш чиқишига катта эътибор берилади.

Учинчи машқ беш поғона кенгликдаги товушқатордан иборат. Овознинг бир текис такрорланиши мавж урдиришга ёрдам беради.

Овозни созлаш машқлари «хиргойи» деб аталади. Шундан кейин сўзсиз ашула айтиш — вокализга ўтилади.

Вокализдан сўнг мумтоз бастакорлар: Бах, Гендель, Перголези, Монтеверди, Вивальди, Моцарт ва бошқаларнинг асарларига мурожаат этилади.

Устознинг ҳар бир оҳангни ўзи айтиб кўрсатиши талабаларга завқ ва шавқ бағишлаб, уларда ҳам худди шундай қўшиқ айтиш иштиёқини уйғотар эди.

Мураббийнинг тўғри йўл танлаганлиги унинг шогирдлари ишларида, ютуқларида давом этмоқда.

Шоҳида ТЎХТАБОЕВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, катта ўқитувчи

Файз, Нур, Умид, Ҳақиқат

Устод Ғайбуллоҳ ас Салом бир тутам нур каби яшаб ўтдилар. Яъни доимо нур таратдилар, эзгулик уруғини экдилар. Одамлар қалбини файзга, нурга, умидга, ҳақиқатга тўлдириб яшадилар.

«Ҳақиқат йўқ!» деган одамнинг ўзида ҳақиқат йўқдир. «Ҳақиқат бор!» деган одамнинг қалбида ҳақиқати бор. Ғайбуллоҳ ас Салом қалбларида ҳақиқатни асраб, авайлаб ўтган зотлардан бири ҳисобланадилар.

Устод бетамаъ эдилар. Шу боис у кишида илоҳий файз, барака бор эди. Шу боис ул зот азизу мукаррам эдилар. Сўзлари таъсирли, ўзлари қўрқмас, жасур эдилар. Бетамаъ кишилар ҳақгўй бўлади. Бетамаъ кишилар ботир бўлади. Бетамаъ кишилар миллатни, Ватанни, дину диёнатнинг қалқони бўла олади.

Порахўрлик урчиган пайтда ҳам бетамаъ яшаган, ёлғончилик авж олган паллада ҳам ростгўйлик этган, бединлик расм бўлган замонда ҳам иймону эътиқодни мустаҳкам тутган устод Ғайбуллоҳ ас Салом ҳаётлари ибратлидир. У кишига атаб достону романлар ёзса арзийди. «Яхшилик этган билар не яхшилик» шеърий туркумим Устоднинг порлоқ хотираларига бағишланади. Аллоҳ Ғайбуллоҳ ас Салом устозимизни раҳмат этган бўлсин! Омин!

Муаллиф

Яхшилик этган билар не яхшилик

Бедардлик ёмон

Бугун мен йиғладим
Бедардлик ёмон,
Бугун мен йиғладим
Дардим, бўл омон!
Бугун мен йиғладим,
Қалбимда бахтдур,
Дард учун бугун, оҳ,
Қалбим пойтахтдур!

* * *

Бедардлик дарди ёмон,
Оламни куйдиради,
Дард ўлдирмас инсонни
Бедардлик ўлдиради.

Нуроний

Гулоб билан чайгандан
Ҳалол бўлмас ёлғон сўз,
Совун билан ювгандан
Нуроний бўлмайди юз.

Хулоса

Ҳаёт эмаскан ўйин
Билдинг, вақт ўтган сайин.
Ҳалол бўл демоқ осон,
Ҳалол яшамоқ қийин.

Доно билади

Донога донолигин
Айтмаса ҳам бўлади,
Чунки донолигини
Унинг ўзи билади.
Нодонга нодонлигин
Айтиш шарт эмас экан,
Нодонлигин билмайди
Нодон бўлмасди зотан...

Дунё иши қизиқ

Дунё иши қизиқ экан, не илож?
Гарчи биров бою бировлар муҳтож.
Қорни тўқнинг хаёлида ҳамма тўқ,
Қорни очнинг хаёлида ҳамма оч.

Яхшилик

Яхшилик этган билар не яхшилик,
Ҳар муродга етказар де яхшилик,
Сен ёмонга яхшилик эт, ложарам,
Ҳар ёмонга асли танбеҳ яхшилик.

Ношукурлик айлама

Сен замондин ношукурлик айлама,
Ҳар ёмондин ношукурлик айлама,
Ҳар замону ҳар ёмон ўткинчидур,
Ҳар не ондин ношукурлик айлама.

Уларда оғиз бор

Уларда оғиз бор — юз йўқ,
Уларда оғиз бор — кўз бор.
Уларда оғиз бор — еярлар,
Уларда оғиз бор — сўз бор.

Сен карвонингдан қолма, дўст

Ит ҳурар, сен унга қулоқ солма, дўст,
Ит ҳурар, сен юрагингга олма, дўст,
Сен борар манзилга ит етолмагай,
Ит ҳурар, сен карвонингдан қолма, дўст.

У сенга яқиндур

У сенга яқиндур, сен эса йироқ,
У висол истайди, сен эса фироқ,
У боқий дунёни сенга бағишлар,
Сен фоний дунёнинг дўстисан бироқ.

Гавҳари иймон истадим

На шараф, на шон истадим,
На садаф, на кон истадим,
Бари ўткинчи, шу боис
Гавҳари иймон истадим.

Туш кўрилмас бунда

Бунда тушлар кўрилмас энди,
Бу уйқуси йўқ бир мамлакат.
Согинганда дийдорингизни
Тушингизга келурмиз фақат.

Илдиз бўлдик биз

Чироқ эдик — юлдуз бўлдик биз,
Оҳ, тун эдик — кундуз бўлдик биз.
Япроқ эдик — чирмашиб дарахт
Танасига илдиз бўлдик биз.

Қиёмат қойим бўлса

Қиёмат қойим бўлса
барча жонзот ўлажак,
У кун баъзе шоҳ гадо,
гадолар шоҳ бўлажак.
Бугун қўли узунлар
у кун қўли қисқадур,
Қиёматда учрашар
Ўтмиш, Ҳозир, Келажак...

Бу мамлакат — бошқа мамлакат

Энди бизни кўра олмайсан,
Аҳвол не деб сўра олмайсан,
Ёнимизда юра олмайсан.
Бундан ёзиб бўлмагайдур хат,
Бу мамлакат — бошқа мамлакат.
Энди бизга этолмайсан қасд,
Баланд — баланд, пастдир бунда паст,
Ҳабибимга бўлганман пайваст,
Ҳабибуллоҳ менга ёр, улфат,
Бу мамлакат — бошқа мамлакат.
Орзу битди, армонлар битди,
Руҳим охир муродга етди,
Кимлар келди, кимлардир кетди,
Мени кутиб олди ҳақиқат,
Бу мамлакат — бошқа мамлакат.
Бунда гул йўқ — илдизлар бордур,
Бунда кун йўқ — кундузлар бордур,
Бунда тун йўқ — юлдузлар бордур,
Ўзгачадир бунда ҳар хилқат,
Бу мамлакат — бошқа мамлакат.
Бу ерларда йўқдур дилозор,
Фаришталар хизматга тайёр,
Инфаркт бўлмас шу боис такрор,
Ҳар нарса бор, йўқдир ғам, кулфат,
Бу мамлакат — бошқа мамлакат...

* * *

Дард келса, ғам келса ютдик биз,
Кутдик биз, кутдик биз, кутдик биз.
Қабр деб атаманг бу жойни
У уйдан Бу уйга ўтдик биз...

Ҳожи Садриддин
САЛИМ БУХОРИЙ
2000 йил. Бухоройи шариф

Ватан фироқида

(Саудия Арабистонида яшовчи ўзбек шоирлари)

1929 йилдан комфирқанинг машъум «кулоқ сиёсати» жорий қилиниб, халқимизнинг энг иқтидорли кишилари бўлмиш хусусий мулкдорлар, ҳозирги тил билан айтганда, ақли расо ишбилармонлар «кулоқ» деб эълон қилинди ва уларни «синф сифатида» йўқ қилиш сиёсати бошланди.

Шунингдек, ўз даврининг олим, фозил кишилари ҳисобланмиш ислом динимиз уламолари ҳам дахрийлик мафкураси таъқибига учраб, ўз юртига сиғмай қолдилар. Улардан бир қисми Ватанни ташлаб, ўзга юртларга кетишга мажбур бўлдилар. Уйғуристон (Шинжонг), Кашмир, Покистон, Афғонистон бўйлаб ўн йиллар давом этган сарсон-саргардонликлардан сўнг ниҳоят, уларнинг омон қолган қисми Саудия Арабистонида ором топдилар.

Камина хориждаги ватандошларимизнинг муҳожирлик тарихини ўрганиш мақсадида махсус илмий режа билан уч марта Саудия Арабистонига сафар қилдим. Сафар чоғида маълум бўлдики, Ватанимизда ўрнатилган йўқсиллар (пролетар) зўравонлиги тузумидан безиб, хорижга кетиб қолганлар орасида ислом динининг етук уламоларидан ташқари, дунёвий фан олимлари, шунингдек, бир қатор шоирлар етишиб чиққан. Ўзбек олимлари орасида айрим фан кашфиётчилари ҳам борки, биз эндигина улар ҳақида бироз маълумотга эга бўлмоқдамиз. Ўзбек шоирлари эса ўз ижодларида, асосан, Ватан фироқини ёниб куйлайдилар.

Узоқ давом этган саргардонликдан сўнг Мадинаи Мунавварага келиб ўрнашиб қолган, асли андижонлик Мусо Туркистоний «Туркистон фожиаси» номли тарихий асарида бундай деб ёзади: «Агар жаннат осмонда бўлса, унинг ости Туркистондадир, агарда жаннат ер остида бўлса, унинг усти Туркистондадир». Ёки, Ўш шаҳридан бориб қолган шоир Мирсалим Соли Ўший она-Ватанини куйидагича мадҳ этади:

Ватан жаннат, ватан роҳат, ватан айш,
ватан ишрат,
Ватан боғу, ватан гулшан, ватан ғайрат,
ватан давлат.
Ватансиз миллатга боқ, эл қошинда
борми бир қиммат?
Ватан ишқи кўнгилда бор экан,
то танда бу жонмиз,
Ватан севмак бизимча дин эрур,
биз аҳли имонмиз.

Саудия Арабистонига қилган сафарларимиз чоғида ватандошларимизнинг муҳожирликдаги ҳаётига доир анчагина маълумотлар тўплаш билан бирга айрим ижодкорлар билан танишиб ўртоқлашдик, уларнинг ижодлари билан ошно бўлдик. Шуни айтиш керакки, Саудия Арабистонидаги муҳожир ижодкорларни бирлаштирадиган бирор уюшма йўқ. Шунинг учун шоирлар ўз шеърларини хориждаги туркистонликлар жамиятининг муваққат матбуотида, Истанбул, АҚШда чиқадиган айрим тўпламларда чоп эттирадилар, шунингдек, Туркия радиосида ва «Озодлик» тўлқинларида ҳамда ўртоқлар даврасида ўқиб эшиттирадилар.

Сафар чоғида биз илмий асарлар билан бир қаторда айрим шоирларнинг ижодларидан ҳам намуналар, баъзиларининг шеърлар тўпламидан кўчирмалар олдик. Бизнинг фикримизча, хориждаги олимлар ва адибларнинг ижодий мерослари мустақилликка эришган ўзбек халқининг ҳам маънавий мулкидир.

Журналхонларга биз таништирмоқчи бўлган муҳожир ўзбек шоирларидан бири Ёқубхўжа Маҳжурийдир. У киши асли андижонлик бўлиб, Тоиф шаҳрида ўрнашиб қолган ғазалхон шоирдир. Маҳжурийнинг «Андижоним» номли мушоирадаги ғазали дастлаб 1980 йили «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида эълон қилинган эди. Бироқ ўша йиллардаги ҳукм сурган машъум сиёсий тузум у киши билан алоқа ўрнатишга йўқ қўймади. Шоир 1991 йил вафот қилди (Оллоҳ раҳмат қилсин).

1997 йилги сафар чоғимизда Маҳжурийнинг «Ғурбатда ғариб» деб номланган девонидан нусха олиб келдик.

Маккаи Мукаррамада истиқомат қилувчи шоирнинг укаси Исҳоққўжа бизга акасининг «Туркистон тили йўриғи» (яъни дарслиги) китобини тақдим қилди.

Саудия Арабистонида истиқомат қилувчи забардаст шоирларимиздан бири Комил Абдулло Андижоний — Тошқиндир. У киши 1928 йили Андижонда таваллуд топган ва 5 яшарлик чоғида ота-онаси билан муҳожирликка кетган. Ҳозирда Тоиф шаҳрида истиқомат қиладилар. Малакали тиш шифокори.

Тошқин биринчи марта Ўзбекистонга мустақиллик эълон қилинган 1991 йил сентябрь ойида ташриф буюрган эди. Шу йили 24 сентябрь куни Ўзбекистон телевидениесига таклиф қилиниб ғазалларидан ўқиб берган.У киши ҳақида дастлабки маълумот ҳам шу йили эълон қилинган эди (С.Жалилов. Олисдаги овозимиз. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1991 й. 22 ноябрь).

Тошқин «Ватан ишқида» номли шеърлар тўплами тузган. Биз муаллиф розилиги билан тўплам нусхасини олиб келдик ва ўзбек китобхонларига тақдим қилдик (Қаранг: Комил Абдулла Андижоний — Тошқин. Ватан ишқида. Шеърлар тўплами. Тошкент, «Ёзувчи», 1997).

Олисдаги ижодкорларимиздан яна бири «Ҳамдам» тахаллусли шоир Қори Муҳаммад Акбардир. Ҳамдамнинг ота-оналари марғилонлик бўлиб, у 1944 йили Афғонистоннинг Маймана шаҳрида туғилган. Ҳозирда Мадина шаҳрида ўзбеклар такиясининг мутасаддисидир. Ҳамдам билан биз 1995 йили танишиб, айрим шеърларини Ўзбекистонга олиб келган ва баъзиларини маҳаллий матбуотда эълон қилган эдик.

Муҳожир шоирларимиздан «Ғамгин» тахаллусли Минҳожиддин Маҳмуд ҳам асли Андижондандир. У киши болалик чоғида отаси билан муҳожирликка кетиб, Тоиф шаҳрида ўрнашиб қолган.

Бир неча бора қилган сафар чоғимизда Ғамгин ғазалларидан ўзига ўқитиб, магнит тасмаларига ёзиб келдик ва иккита ғазалини Андижон матбуотида эълон қилган эдик. 1997 йилги сафаримизда шоир билан суҳбатда бўлдик. Камина у киши бетоблигида кўргани бориб, шундай дедим:

— Мавлоно, Ватан ғурбатда эканида Сиз ўзингизга «Ғамгин» тахаллусини танладингиз? Алҳамдулиллоҳ, мана Ватанимиз мустақилликка эришди, энди тахаллусни ҳам ўзгартириш керакмикан?

Уч кундан сўнг яна борсам, қўлимга парча қоғоз тутқазди. Очиқ ўқисам, ушбу бир мисра шеър ёзилган экан:

«Ғамгино, шукр айлагил, бўлди букун «Хуррам» отинг».

(Яна бир неча кун ўтгач, вафот қилдилар, жанозаларида ўзим қатнашдим. Оллоҳ раҳмат қилсин!)

Шунингдек, Жидда шаҳрида истиқомат қилувчи Аҳмадали Тўлқин деган шоиримиз ҳам бор. У киши асли Андижоннинг Баликчи туманидан бўлиб, ўз ижод маҳсулларини ҳамон бир тартибга келтирган эмас. Шунга қарамай, илтимосимизга кўра айрим ғазалларини бизга тақдим қилдилар.

Шуниси диққатга сазоворки, хориждаги шоирларимизнинг барчаси бошқа касб билан шуғулланадилар. Шоирлик эса уларнинг шунчаки кундалик машғулоти, холос. Масалан, Маҳжурий — муаллим, Тошқин — тиш шифокори, Ғамгин — доришунос, Ҳамдам — хофизи Қуръон, Аҳмад Тўлқин эса қурилиш корхонасининг раҳбаридир (ҳозир нафақада). Улар шоирликни ўзларига касб деб билмайдилар. Зотан, ўтмишдаги бобокалон шоирларимиз ҳам ижодни кўнгил иши деб билганлар.

Қуйида Саудия Арабистонидаги ўзбек шоирларининг шеърларидан айрим намуналар ўқийсиз.

Сайфиддин ҳожи ЖАЛИЛОВ
Андижон шаҳри

ТОШҚИН

Шодиёна

(Ўзбекистон жумҳуриятининг Президенти, муҳтарам Ислом Каримов ҳазратларининг Саудия Арабистонига зиёрати муносабати билан)

Бугун ҳар бир муҳожир қалбида шодлик яралғондур,
Бугун диллар саодат машъали бирлан чароғондур,
Бугун ҳар балдада, ҳар бир уйда байрам устига байрам,
Бугун ҳар ёнда қизғин меҳрижон, баҳжат намоёндур.


Бугун нур устига нурлар ёғиб, кошоналар обод,
Бугун ҳар ким юзида ибтисом, ҳар чеҳра хандондур.
Бугун боғлардаги қушлар севинчдан тинмайин сайрар,
Яшил кийган дарахтлар, гул-чечаклар мушкин афшондур.

Сипеҳр нилгун қавси кузаҳдин суфралар ёзди,
Бугун кўкда тўлун ой меҳмон-у, хуршид мезбондур.
Муҳаббат осмонида ҳилол-у, ўн икки юлдуз,
Кўрингач уйла бир бошқача рақсондур.

Тилармизким, бу давлат то қиёмат пойдор ўлсин,
Адолатда, саховатда туганмас канздур, кондур.
Узилмас риштамиз, тобора кучлангай, метин ўлғай,
Тамоми аҳли-ислом бир бирига, чунки ихвондур.

Улуғ Эзид таолоға шукрлар беадад бўлсун,
Қувончли бу ёруғ кунлар гумонсиз лутфи Яздондур.
Дегаймиз чин юракдан марҳаболар, хуш келибсизлар,
Бу назми Тангрига Тошқин, самимий арзи шукрондур.

1992 йил, апрель



Фузулийнинг *«Шифойи васли қадрин...»* матлаъи ила бошланадиган шеърига назира

Ватан қадрини биздек беватан афкор ўландин сўр,
Азоби ғурбат ичра жонидин безор ўландин сўр.

Бузиб ўз ошиёнин, ёндириб нори жаҳолат-ла,
Бизингдек дарбадар, ҳар жойга борса хор ўландин сўр.

Туғилган юртининг неъматларидин баҳравар бўлмай,
Туганмас меҳнат-у, дард-у, балога ёр ўландин сўр.

Қисиб бўйнин ҳамиша, ёлбориб бегона элларга,
Кўролмай кимсадин бир марҳамат бемор ўландин сўр.

Тиларсан воқиф ўлмоқ ҳолидан синган кўнгилларни,
Насиби дўстлардин таъна ила озор ўландин сўр.

Баҳор айёмида гул нашъасин билмайди ҳар булбул,
Ки, бир банди қафас, ё маҳруми гулзор ўландин сўр.

Ҳаётнинг маънисин Тошқин, на билсун миллати жоҳил,
Жаҳонда хуш яшаш кайфиятин аҳрор ўландин сўр.

1976 йил

ҒАМГИН

Туркистон

Бизнинг Туркистон жаҳоннинг энг гўзал бўстонидур,
Аҳли Туркистонга берган Тангрининг эҳсонидур.

Тўрт фасл ўз вақтида бир-бир салом айлаб ўтур,
Ҳар фаслнинг роҳати инсоннинг гўё жонидур.

Кўк либос кийган баланд тоғлар кўзингни тиндирур,
Бунда миллион чорва-ю, қаймоқ, асал, айронидур.

Шарқираб тоғ устидан ширин суви ўйнаб тушар,
Кимки ичса дардига бешарт унинг дармонидур.

Нечун кўпдир қизил гул деб дўстлар, таажжуб қилмангиз,
Юрт учун жон фидо қилган шаҳидлар қонидур.

Унда чиқмиш марди майдонлар жаҳонни титратиб,
Шарқ-у Ғарбни қўлга олган қаҳрамон майдонидур.

Ал-Бухорий, Ибн Сино ҳам Улуғбеклар чиқиб,
Унда обод, одамият, илм-у ахлоқ конидур.


Дунёда ҳар нарса бўлса унда мавжуд, кам эмас,
Пахтадан тоғлар яратган, жун, ипак деҳқонидур.

Танбал эрмас халқи, меҳнаткаш, унинг ахлоқи хуш,
Мискин-у бечора гуллар етимлар ғамхонидур.

Унда чиққан эрди кўп шоир, адиблар вақт ила,
Чўлпон-у, Фурқат, Навоий, Жулқун-у, Авлонийдур.

Ғамгиннинг киндик қони томган деди ул ерлара,
Ё яшарманми, ўларманми, дебон ҳайфонидур.

1978 йил, Тоиф



Натюрмортни рангда ишлаш

Акварел — рангтасвирнинг энг нозик турларидан бири. Қадимдан акварел нафислиги ва ёрқин ранглари билан кўпгина рассомларни қизиқтириб келган.

Акварел лотинча сўз бўлиб «сув билан суюлтириб ишлатиладиган бўёқлар» маъносини англатади. Акварел таркибига бўёқ моддаси (ўсимлик ёки маъданларнинг майин янчилган кукуни) ва бириктирувчи модда сифатида олча елими, глицерин, озроқ асал киради. Булар ҳаммаси сувда осонгина эрийдиган бўлгани учун бўёққа сув қўшиб суюлтириб ишлатилади.

Акварелда оқ ранг ишлатилмайди, унинг ўрнини оқ қоғознинг ўзи ўтайди. Қоғоз оппоқ, етарли даражада қалин ва юзаси ғадир-будур бўлиши зарур. Агар қоғоз жуда силлиқ бўлса, сатҳига ранглар яхши юқмайди. Нарса ва буюмларни тасвирлаш жараёнида умумийдан хусусийга ёки, аксинча, хусусийдан умумийга қараб борилади, ниҳоят иш яхлитлаш билан якунланади.

Рассом учун энг муҳими ўткир нигоҳ, моҳир қўл, тинимсиз меҳнат орқали акварел билан ишлаш техникасини мукаммал эгаллашдир. Биринчи босқич талабалари акварел техникасида ишлашни ўқитувчи раҳбарлигида бошланғич сессия даврида ўрганадилар. Бадиий-графика куллиётининг ўқув дастури талабалардан рангшунослик фанининг илмий негизларини эгаллашни, рангтасвирда ишлатиладиган турли ашёларнинг хусусиятлари ва уларни самарали ишлатиш йўлларини чуқур билишни талаб этади. Шунинг учун дастурда амалий машғулотлар билан бир қаторда назарий билимларни, ижодий имтиҳон пайтида эса амалий вазифалар кўригидан ташқари, талабанинг билимларини оғзаки сўраш ҳам эътиборга олинади. Рангтасвир санъати назарияси ва методларини ўрганишдан мақсад вазифаларни мукаммал бажариб боришдир. Талабалар аудитория машғулотларидан ташқари уйда ҳам бир қанча вазифаларни мустақил бажаришлари лозим.

Натюрмортнинг қаламтасвирини бажаришга қўйиладиган талаблар, нарсаларнинг ҳажмли шаклини тасвирлашдан иборат бўлса, бўёқлар билан тасвирлашда эса унинг қандай материалдан ишланганлиги, ҳажмдорлик, ёруғ-соя, тус ҳамда ранг воситалари орқали ифодаланади. Қаламтасвирда биз нарса ва буюмларнинг фақат оч-тўқлигини кўрсата олар эдик, рангтасвирда эса ранглар бутун мажмуаси ва барча сифатлари билан намоён бўлади.

Бўёқлар билан тасвирлашда нарса, буюмларнинг ўз рангидан ташқари, атрофдаги бошқа турли рангларнинг акс этиши ва улар билан муносабати ҳам ифодаланади.

Кўзимиз кўра оладиган табиатдаги ҳамма рангларни шартли равишда иккига: хроматик ва ахроматик рангларга бўлиш мумкин. Оқдан тўқ қорагача бўлган ранглар ахроматик рангларга (оқ, кул ранг, қорамтир, қора, тўқ қора), қолганлари эса хроматик (қизил, сариқ, кўк ва ҳ.к.) рангларга киради.

Хроматик ранглар, ўз навбатида, шартли равишда яна иккига, иссиқ ва совуқ рангларга бўлинади. Иссиқ рангларга олов, қуёшни билдирувчи қизил, сариқ, зарғалдоқ ранглар киради. Муз, ҳаво, сувларнинг рангини эслатувчи кўк, мовий, бинафша ранглар совуқ рангларга киради. Яшил ва бинафша ранглар гоҳ иссиқ, гоҳ совуқ рангларга кириши мумкин. Чунки яшил ранг, сариқ ва кўк рангнинг аралашмасидандир. Бинафша эса қизил ва кўк рангни аралаштиришдан ҳосил бўлган. Кўриниб турибдики, бу ранглар иссиқ ва совуқ рангларнинг аралашмасидан ташкил топган. Аралаштиришда иссиқ ранг миқдори совуқ ранг миқдорига нисбатан кўпроқ бўлса, ҳосил бўлган ранг иссиқ ранг қаторига, совуқ ранг миқдори кўпроқ бўлса, совуқ ранглар қаторига ўтиши мумкин. Худди шундай, бинафша рангда қизил ранг кўпроқ бўлса иссиқ, кўк ранг кўпроқ бўлса совуқ ранглар қаторига ўтади.

Натюрморт қўйилмасини (дастурхон, товоқ, гулдон, мевалар ва ҳ.к.) сўнгги бор синчиклаб кузатиш, сўнгра кичик ўлчамдаги қоғозга юмшоқ қаламда хомаки расм ишлаш лозим.

Қаламда нарса ва буюмларни

аниқ тасвирлаб бўлгач, қоғозни мўйқалам ёрдамида тоза сув билан намлаш керак. Шундай қилинганда ранглар қоғоз юзасида текис ётади, суртилиши осон бўлади.


Акварелни ишлатиш усуллари бир неча хил бўлиб, натюрморт рангтасвирини бажаришда уларни алмашлаб қўллаш тавсия этилади. Кенг тарқалган иш услубларидан бири лессировка, яъни бўёқ қатламларини устма-уст қўйишдир. Бўёқнинг суюқ эритмасини тайёрлаб олиб, қоғозга енгил қилиб қўйилганда ранглар орасидан қоғоз товланиб туради. Бир сидра қўйилган бўёқ қуригач, устидан бошқа бўёқ суртилса, остки қатламнинг кўриниб туриши туфайли янги ранг туси ҳосил бўлади. Қатламлар сони кўпайган сари ранг тобора кучайиб боради.

Акварелнинг яна бир хусусияти шуки, у кўп вақт намликни сақлайди. Бундан унумли фойдаланиб, бир хил ранг қўйилгандан кейин, у ҳали қуримасдан ёнига иккинчиси қўйилса, улар аста-секин бир-бирига қўшилиб кетиши натижасида майин боғланишга эришиш мумкин. Лекин бир рангнинг иккинчисидан фарқини аниқ кўрсатиш керак бўлганда қўйилган бўёқ қатламининг обдон қуришига аҳамият бериш муҳимдир.

Акварел бўёғида тасвирланаётган буюм ва нарсалар дастлабки босқичда оч, суюқроқ ранглар билан ёзилади. Кейин эса аста-секин тўқдан очга, рангнинг соя, ёруғ, яримсоя ва ҳоказоларини ҳисобга олиб тасвирлашда давом этилади.


Акварел бўёғи пастель, гуашь, сангина, рангли қаламлар ва фломастерлар билан ҳам қўшилган ҳолдаги техникада бажарилиши мумкин. Рангтасвир сирларини, акварел нафосатини нозиклигича кўрсатиш учун жуда кўп машқ қилиш зарур.

Нозим ТОЛИПОВ,
педагогика фанлари номзоди



Шерали ТУРДИЕВ

Абдуқодир Шакурий тақдири



XX асрнинг бошидаги Туркистон маърифатпарварлари ҳаёти ва ижодий фаолиятига оид айрим мақола ва рисолаларда муаллим Абдуқодир Шакурий ҳаёти, педагогик хизматлари ҳам муносиб эътироф этилган. Хусусан, Мўмин Фаттоевнинг «Атоқли педагогларимиз» (1988) рисоласи эътиборлидир. Унда Саидаҳмад Сиддиқий, Исматулло Раҳматуллозода каби маърифатпарварлар қаторида Абдуқодир Шакурий ҳаёти ва фаолияти ҳам архив материаллари, асарлар ва хотиралар асосида ёритилган. Бироқ ушбу рисолада муаллиф Шакурийнинг 20-йиллар охири ва 30-йиллар бошидаги, айниқса, ҳаётининг сўнгги йилларига тўхталмаган. Хўш, Шакурийнинг тақдири қандай кечган?

1999 йил 12 майда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Мустақиллик даври қурбонларини ўрганиш» бўйича чиқарган қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 июлда эълон қилинган «Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида»ги қароридан кейин А.Шакурийнинг тақдири билан яна қизиқа бошладик.

Яқинда архив материалларини ўргана туриб, «Абдусаидов Қ.Х. ва бошқаларнинг айблов ишлари»га дуч келдик. Унда Қози Ҳайдарбек Абдусаидов, Камолиддин Ҳусаинов, Исматулла Раҳматуллаев, шоир Рожий ва бошқалар қатори Абдуқодир Шакурийга тааллуқли тафтишлар билан танишдик. Мазкур тергов материалларининг биринчи жилди, 3-саҳифасида Абдуқодир Шакурий ҳақида ўша даврда НКВД ходимлари томонидан тайёрланган «справка»да унинг руҳоний оилада дунёга келгани, олий диний таълим кўрган киши эканлиги, шўро ҳукуматига қарши «Миллий иттиҳод» ташкилоти аъзоси сифатида «босмачи» Ҳамроқулбек ва татар олимларидан Абдурашид қози Иброҳимов билан алоқада бўлгани қайд этилган. Шакурийни қамаш учун тайёрланган маълумотномага 1937 йил 4 август санаси «Тасдиқлайман» деган имзо ва унинг ёнига 1937 йил 5 август санаси билан прокурорнинг «арест и обыск гр. Абдукадыр Шакури санкционирую», деган имзоси чекилган. Шундан бир кун ўтгач, яъни 6 августда Ражаб Амин қишлоғида яшовчи фуқаро Абдуқодир Шакурийнинг уйида тинтув ўтказилиб қамоққа олинган. 7 августда ордернинг мазмуни тушунтириб берилгани ҳақида Шакурийнинг араб ёзувида битилган тасдиқ имзоси тиркалган. Шу куни ўтказилган сўроқ протоколига кўра, Абдуқодир Шакурий 1875 йили Ражаб Амин қишлоғида туғилгани, ижтимоий келиб чиқиши жиҳатидан қишлоқ имомларидан бўлиб, ижтимоий аҳволига кўра ўтмишда ва кейинчалик ҳам муаллимлик қилгани, боғбонлик билан шуғулланаётгани, оила аъзоларидан хотини Миёрова-38, қизи

Муаттара-18, ўғиллари Талъат-16, Мидҳат-13, Рифъат-15, Нусхат эса 1 ёшда эканлиги қайд этилган.

1937 йил 29 августда ўтказилган қўшимча сўроқда Шакурийнинг инқилобгача ва ундан кейинги даврдаги машғулоти, жадид мактаби очгани, сўнг қаерларга бориб келгани хусусидаги савол-жавоблари бор.

Савол: — Сиз революцияга қадар ва ундан сўнг нима билан шуғуллангансиз, қандай хўжаликка эга бўлгансиз?

Жавоб: — Мен аввало онам қўлида савод чиқарганман, сўнг «Тиллакори» ва «Ориф Омонбой» мадрасаларида ўқиганман, Мусулмонча маълумот олганимдан кейин Самарқандда жадид мактаби очишга қарор қилдим. Ва шу мақсад билан Кўконга бориб, у ерда Ўрта Осиёда биринчи очилган жадид мактабини кўрдим. У ерда 10 кун туриб, Самарқандга қайтдим ва бу ерда Ўрта Осиёда иккинчи ҳисобланган жадид мактабини очдим. Шундай қилиб мен Самарқанддаги жадид мактаби ташкилотчиси бўлиб қолдим ва менинг қўлимда 150 га яқин талаба ўқиди.

Савол: — Сиз мактаб очганингиздан сўнг яна қаерларга бордингиз?

Жавоб: — Мен жадид мактаби очганимдан сўнг 1903 йил Оренбург ва Қозонда, сўнг 1911 йили Туркиянинг Истанбул шаҳарида бўлдим. Истанбулда икки ярим ой туриб, жадид мактабларида ўқитиш тажрибалари билан танишдим.

Савол: — Сиз кейинги вақтларда нима билан шуғулландингиз ва жадид мактабингизни қачонгача сақлаб турдингиз?

Жавоб: — Мен жадид мактабимни 1925 йилгача сақлаб турдим. Сўнг у ёпилди, шаҳар маорифи 3 синфлик мактаб очди. Шундан кейин мен боғбончилик билан шуғуллана бошладим. Уч таноб ерлик боғим бўлиб, у ерда ўзим ишлайман, ҳар йили ишчилар олиб чиқиб ишлатаман...»

Қўшимча тергов материалларининг охирида терговчининг 1937 йил 7 август куни қўйилган айбловни (яъни, Шакурийнинг Туркистонда гўё мавжуд бўлган контрреволюцион миллатчилик ташкилоти «Миллий иттиҳод»га аъзо бўлганлиги кўзда тутилади — Ш.Т,) тан оласизми, деган саволига, Шакурий: «Менга қўйилган мазкур айб юзасидан ўзимни айбдор деб ҳисобламайман», — деб қатъий жавоб берган.

Абдуқодир Шакурий ўзига қўйилган асоссиз айбларни бўйнига олмагач, 1937 йил 3 октябрда самарқандлик «Х.К» исмли айбдор сўроқ қилиниб, ундан Самарқанддаги қози Ҳайдарбек Абдусаидов ва Исматулла Раҳматуллаевлар билан бирга Абдуқодир Шакурий ҳам «Миллий иттиҳод»га аъзо эди», деган кўрсатма олишга эришадилар.

«Учлик»нинг 1937 йил 21 ноябрдаги мажлиси протоколида Шакурий устига қўйилган «Миллий иттиҳод»га аъзо бўлган, деган айбни тан олмаганига қарамай, 10 йил қамоқ жазоси берилиб, у сургун қилинган.

Ушбу ишнинг 35-37 саҳифаларида Абдуқодир Шакурий ҳақида 20-йилларнинг ўрталари ва 30-йилларнинг бошлариданоқ «Мух», «Боян», «Лай», «Тур», «Ёзувчи», «Индус», «Маориф» каби турли яширин тахаллусли кишиларнинг чақув материаллари тўплана бошлагани қайд этилган. Чақув материалларида Шакурийнинг турли суҳбатларда советларга қарши миллатчилик руҳидаги гаплар айтгани ёзилган.

Шу ишнинг 276-саҳифасида 1956 йил 27 август ва 1956 йил 3 сентябрдаги ЎзССР Олий суди жиноий ишлар бўйича коллегияси суд мажлисининг № 91/Н рақамли «Определение»сида Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирлиги ўзининг 1937 йил 21 ноябрдаги қарори билан айбланган қози Ҳайдарбек Абдусаидов, Камолиддин Ҳусаинов, Толиб Раҳмонбердиев, Т.Ўринхўжаев, М.Абдуғаффоров, А.Абдулхайиров, Т.Жўраев, Ф.Рожий, З.Назриддиновлар қатори Абдуқодир Шакурийнинг ҳам айби йўқлиги учун оқланганлиги ҳақидаги хабарни ўқиймиз (ўша ҳужжат, 276-бет).

Лекин Абдуқодир Шакурийнинг оқлангандан кейин қайтиб келган-келмаганлиги ёки қамоқ жазосини ўтаётган вақтда қаерда қандай сабаб билан вафот этгани, унинг оила аъзоларининг кейинги ҳаётлари қандай кечганига доир саволларга ҳозирча жавоб тополганимиз йўқ. Изланишлар давом этмоқда...

Бу йил Абдуқодир Шакурий таваллудига 125 йил тўлади. Шу муносабат билан маорифимиз фидойисининг кейинги тақдирига доир маълумотларни излаб топиш ва ўрганиш навбатдаги муҳим вазифаларимиздандир.

Guliston

1

2001

Учредитель:
Министерство по делам культуры Республики Узбекистан

На узбекском языке

Навбатчи муҳаррир:
Маҳкам МАҲМУДОВ

Мусаҳҳиҳ
Маҳмуда АБДУЛЛАЕВА

Фотомухбир
Владимир ГРАНКИН

Таҳририят манзили:
700029, Тошкент — ГСП, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Телефонлар:
Бош муҳаррир — 136-78-90
Бош муҳаррир ўринбосари — 136-56-02
Масъул котиб — 133-07-94

Босишга рухсат этилди:
16.01.2001 йил.
Қоғоз ҳажми 60X84 1/8
Офсет босма.
Шартли босма табоғи 7,64.
Нашриёт ҳисоб табоғи 9,88.
Шартли бўёқли нусха 18,5.
Буюртма № 1390.
2087 нусхада чоп этилди.

Сотувда эркин нархда.

Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
700029, Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

© "ГУЛИСТОН" 1/2001.